

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТАШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ М.Б.**

**ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ 2006**

Мазкур дарсликда ёғоч ўймакорлиги санъатининг тарихий ривожланиши, меъморчилик обидалари, ёғоч ўймакорлиги мактаблари, намоёндалари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, ёғоч материаллар ва унинг турлари, ўймакорликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, ёрдамчи асбоблар ҳамда замонавий ёғоч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлигига оид йўл ичидаги оддий нақш композицияларини чизиш ва ўйиш босқичлари, дурадгорлик бирималари, буюм ясаш технологияси кабилар назарий ва амалий жиҳатдан баён қилинган.

Кўлланма педагогика олий ўқув юртларининг «5140700-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» ва «5140900-Касбий таълим (5211200-Амалий санъат)» таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, ундан илмий изланувчилар, касб-хунар мактаблари, коллеж ва лицейлари, умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари, мактабдан ташқари муассасаларнинг тўгарак раҳбарлари ва ҳаваскор усталар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Халқ устаси, ўзбекистон Бадиий

Академиясининг фахрий академиги

Ортиқ Файзулаев

Педагогика фанлари доктори, профессор

Сайдахбор Собитович Булатов

Хўжаев номидаги Дизайн касб-хунар

коллекжи директори муовини, ёғоч

ўймакорлиги устаси, олий тоифали ўқитувчи

Умид Ҳакимов

## Кириш

Амалий санъатнинг тур ва жанрлари ерлик туб аҳолининг заковати, орзу-истаклари, ёркин келажакка бўлган интилишлари намунаси сифатида шаклланди ва ривожланди. Уларда асрлар давомида боболаримиз тўплаган бой тажриба ва ижодий меҳнат ўз аксини топган. Гўёки улар асрлар қаъридан сўзлаётгандек.

Самарқанду Хива меморий ёдгорликлари, Бухоро зардўзлиги, Марғилон атласи, Наманган беқасами, Чуст дўпписи, Риштону Шахрисабз кулолчилиги, Тошкенту Кўқон ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар амалий санъатининг асрлар давомида тараққий этганилигидан далолат беради. Амалий санъат ўзбек халқининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи санъат турига айланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг амалий санъатни янада ривожлантиришга, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашга бўлган эътибор кучайтирилди. Халқ бадиий хунарманчилиги ва амалий санъатни давлат йўли билан янада ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хунармандчиликка йўналтирилган кўплаб касб-хунар мактаблари, лицейлари ва коллежлари ташкил қилиниб ўз фаолиятини бошлади.

Албатта, ушбу ўқув юртларини ёш педагог кадрлар билан таъминлаш, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган мутахассислар етказиш муаммоси пайдо бўлади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида педагогика олий ўқув юртининг Бадиий графика факультетларида ёшларга амалий санъат турлари бўйича билим бериб келинмоқда. Ушбу ўқув қўлланма Бадиий графика факультети талабалари учун тузилган намунавий ўқув дастур асосида тузилган бўлиб, ёшларга ёғоч ўймакорлиги санъати бўйича билим берибгина қолмай, уларга бадиий эстетик, ҳиссий, руҳий ва маънавий тарбия беришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур ўқув қўлланмани ёзиш жараённида ёғоч ўймакорлиги машғулотларида ўймакорликка оид йўл ичидаги оддий нақш намуналарини чизишни ўргатиш орқали ёшларда эстетик дидни ривожлантириш, уларга зарур билимлар ва ахлоқий тарбия бериш, меҳнат малака ва кўникмаларини ўстириш, ёғоч ўймакорлиги хунарини ўргатишга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш эътиборда тутилган. Ўқув қўлланма талабаларга ёғоч ўймакорлиги санъати сирларини ўргатишда яқин кўмакчи бўлади деган умиддамиз.

Муаллиф томонидан ўқув қўлланманинг мазмунини янада бойитиш борасидаги изланишлари давом этиши табиий. Китобни янада такоммилаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингиз бўлса, бизга ёзиб юборсангиз Сиздан миннатдор бўлар эдик.

## **1-МАВЗУ. ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ТАРИХИ, МАКТАБЛАРИ, УСТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ.**

Амалий санъатнинг тарихий келиб чиқиши инсониятнинг болалик даврига бориб тақалади. Башарият улғайиб борган сари амалий санъат ҳам юксала борди. Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориш жараённида қўл меҳнатидан ақлий меҳнат ажралиб чиқа бошлади. Ов қуроллари, уй-рўғзор буюмларига бўлган эҳтиёж кучайиб борди. Аввало тош ўймакорлиги, сукъ ўймакорлиги, кейинчалик эса ёғоч ўймакорлиги санъати секин асталик билан ўз ривожини топди.

Синфий жамият вужудга келиши билан ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса фан ва санъат ривожида муҳим аҳамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврларда пайдо бўлди. Халқнинг турмуши, хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топиб борди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ва санъаткорлар ҳаёт гўзалликларини тасвиirlаб, одамларда юксак хислат ва фазилатларни камол топдириб борди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ва ёркин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди.

Археологик қазиши ишлари натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилгани ёғоч ўймакорлиги топилмалари мазкур жойларда бир, бир ярим минг йил мұқаддам санъатнинг бу турини яхшигина ривож топганлигини олимларимиз ўз изланишларининг маҳсули сифатида исбот этиб беришди. Ҳали-ҳануз бундай ноёб топилмалар нафақат Сурхон воҳасида, балки Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Фарғона водийсидаги Сўх ва бошқа қадимиш шаҳар, қишлоқлардан V-VI асрларга тегишли бўлган санъат асарлари топилмоқда.

Самонийлар даврида амалий безак санъати, айниқса кулолчилик, шишасозлик ва ёғоч ўймакорлиги ривожланди. Монументал меъморчиликка катта эътибор берилди, турар жойлар, хунармандчилик устахоналари, саройлар, маъмурий бинолар, савдо расталари, ҳаммоллар, масжид ва мадрасалар қурилди. Ўюрилишда асосан пишиқ ғиштдан фойдаланилди, баъзан бино девори хом ғиштдан, томи-гумбази пишиқ ғиштдан ишланди. Ҳунарманд-усталар томонидан биноларни кўркам ва чидамли бўлишилигига эътибор қаратилди, бор билим ва кучларини сафарбар этдилар.

«Самонийлар мақбараси режасидан тортиб, ҳажмий тузилишигача геометрик тартиб ва принцип асосида яратилганлиги аниқланди. Мақбара меъмори амалий геометрия ва математикадан чуқур хабардор бўлганлиги шубҳасизdir, акс ҳолда, у бунчалик гўзаллик меъёрини тополмасди. Эҳтимол тасодиф дерсиз? Йўқ тарих тақазоси бу! Алгебра фанига асос солиб, логарифм, алгоритм сўзларига номи йўғрилган Муҳаммад Ҳоразмий (787-850) меъморчиликка таъсир кўрсатган, мутафаккир олим Абу Наср Фаробийнинг (870-950) амалий геометрия соҳасидаги рисолалари меъморлар учун қўлланма вазифасини ўтаган. Коинот бўйича текширишлар олиб борган, астрономия, геометрия ва тригонометрияга оид рисолалар муаллифи Абу Райхон Берунийнинг меъморчиликка хисса қўшгани шубҳасизdir. Кузатишлар шуни кўрсатадики, архитектура билан боғлиқ амалий математика ва геометрия доимо меъморлар эътиборида бўлган». (Зоҳидов П. Ш. «Меъмор санъати» Т., F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 27-бет).

VI-VIII асрларнинг бошларига келиб кўшк, қўрғонлар, шаҳарларга ибодатхоналар ва саройлар қурилди. Бу даврда ёғоч ва ганч ўймакорлиги янада ривож топди, деворий расмлар ранг-баранг бўлишига эътибор қаратилди, буни Афросиёб, Варахша ва Юмалоқтепа сингари маданий ёдгорликларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби санъат асарлари, суғдийлар маданияти бизга, ўша даврларда жумҳуриятимиз ҳудудида яшаган халқлар кўшни халқлар билан савдо-сотиқ олиб борган, бу эса бизга қўшни халқлар билан ҳам маданий алоқада бўлган дейиш имконини беради.

Араблар VII-VIII асрларда ибодатхоналарни, тасвирий санъат асарларини йўқ қилиб ташладилар. Натижада санъатда сал кам бир аср тушкунлик ҳукм сурди.

« ... араблар ўрта Осиёни зabit этгунларига қадар маҳаллий халқ маъбудалари топилган. Ҳар бир хонадоннинг жамоада тутган ўрни ва бойлигига қараб, ўз маъбудаси (худоси) бўлган. Одатда бу маъбуда эшик тепасига қўйилган. Хонадон соҳиби мавриди билан ёғочдан ўйилган янги маъбудани харид қилиб, алмаштириб турган. Бундай жараён ёғоч ўймакорлиги санъати қадимий бўлганлигидан далолат беради. Араблар истилоси оқибатида тасвирий санъатнинг кўп турлари қатори ёғоч ҳайкаллар ишлаш ҳам буткул бархам топди. Бироқ Ислом дини бу санъатни таг-туги билан йўқота олмади. Ёғоч тарашловчи уста наққошлар ўз санъатини ёғочда дов-дараҳтларни аксини ифодалаш, оддий чизиклардан мураккаб геометрик шакллар ясашда намойиш этдилар. Усталарнинг санъати отадан-болага, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаверади. (Каримов X. Усто Қодир. Т., F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 6-бет).

Албатта муаллифнинг таъкидлаб ўтганидек, Ислом дини пайдо бўлган илк даврларда қабр устига ёдгорлик қўйиш маън қилинган. Бу каби қонунларга амвоийлар ва аббосийлар илк ҳукмронлиги даврида риоя қилинган. Аммо, кейинчалик араблар жумҳуриятимиз ҳудудида дастлаб масжидлар қурдилар, қадимий ибодатхоналарни масжидларга айлантиридилар. Бунга мисол қилиб Бухоронинг Моҳ бозоридаги ибодатхонани олиб кўришимиз мумкин. Ниҳоят архитектура ва амалий безак санъатида, хунармандчиликнинг турли соҳаларида жонланиш бошланди. 862 йилда Ал – мантасир ва Фотиддин, сўнгра руҳонийлар фатвоси билан «Амир ал-маъман»га аatab мақбара бунёд қилинди. Кейинчалик эса Шарқнинг Ислом тарқалган бошқа мамлакатларида ҳам шу каби ёдгорликлар қурдириш русим бўлди. IX-X асрларда қурилган, Бухородаги Самонийлар мақбараси шулар жумласидандир (1-расм). Бу мақбара ўрта Шарқдаги энг қадимий мақбаралардан биринчиси бўлса, иккинчиси эса биз юқорида қайд қилиб ўтган Самарқанд тогаларида жойлашган Тим қишлоғидаги турли нақшу - нигорлар билан безаб ишланган «Араб ота» - «Амир ал – маъман» («Араблар ҳомийси») мақбарасидир.

1960 йил бошларига келиб шоир ва жўғрофия олими Фаргона педагогика институтининг профессори Николей Лионов томонидан кашф қилинган бу мақбаранинг пештоқига битилган нақшинкор арабий битиклардан маълум бўлишича, бу мақбара хижрий 367, мелодий 977 йилларга тегишлилиги аниқланди.

Ислом дини тирик мавжудотларни тасвирлашни қатъий маън этгани туфайли тасвирий санъат ривожига имкон бермади, факат амалий безак санъати ривож топди. Масжид, мақбара, сарой, мадрасалар турли туман нақшу – нигорлар билан безатила бошланди.

VIII-IX асрларда айниқса Бухорода бадиий хунармандчилик кенг-кўламда ривож топиб борди. IX-X асрлардан гириҳ санъати юксалди. Араб ёзуви безак-нақш даражасига кўтарилиди. Масалан, шу даврларда куфий ёзувидан кенг фойдаланилган бўлса, XI-XII асрлардан эса насх ёзуви меъморчиликда кенг – кўламда ишлатила бошланди.

Маданият ривожланиб борар экан, ажойиб меъморчилик ёдгорликлари қад ростлаб борар экан ўз-ўзидан бундай ёдгорликларни миллий нақшинкор безаклар билан безашди, шу жумладан дарвоза, эшик, устун ва равоқлари ёғоч ўймакорлиги билан безатилди. Бу эса ёғоч ўймакорлигини тез суръатлар билан ўсиб боришига имкон яратиб берди. Ймакор усталар булардан ташқари уй-рўзғор буюмларини безашда ҳам ўз санъатларини моҳирона намойиш этишди. Усталар томонидан турли хил столлар, курсилар, хонтахталар, лаганлар, лаухлар, сандиклар, қутичалар, қаламдонлар ва ҳакказолар яратилди.

Чингизхон босқинчилиги туфайли XIII асрга келиб маданий ҳаёт издан чиқди. ўрта Осиёдаги Бухоро, Самарқанд, Урганч, Балх ва Мавр каби бир қатор шахарлар Чингизхон бошчилик қилган мўғил босқинчлари томонидан остин-устин қилиб ташланди.

Бу вайронагарчиликларга XIV асрнинг иккинчи ярмида оқсоқ Жаҳонгир Амир Темур ўрта Осиё халқларини бирлаштириш орқали, чек қўйди ва халқимизнинг маданияти, санъати,

шу жумладан, ёғоч ўймакорлигининг ривожига ўзи қурдирган обидалари, асори-атиқалари билан ўз ҳиссасини қўшди. Самарқандга йирик–йирик санъаткорлар, шоиру уламоларни, ҳунарманду усталарни тўплаб кўплаб жомъе масжидлари, мадрасалар, хонақоҳонлар, саройлар ва бошқа улкан иншоотлар қурдирди. Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар ўртасида бўлган ўзаро тўқнашувлар туфайли маданият ривожига салбий таъсирини ўтказди.

XVI асрда архитектура иншоотларининг кўриниши янада такомиллашди, кўплаб жамоат бинолари, карвонсаройлар, кўприклар, сардобалар, шаҳарларда ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари қўрила бошланди. Монументал биноларнинг тархи, қиёфалариға ўзгартиришлар киритлди, ҳунармандларнинг артеллари вужудга келди. Жомъе масжидлари сарой типида серҳашам қилиб қурилди, гузар ва маҳаллалардаги масжидлар қишилик ва ёзлик қилиб қурилиб, катта айвонлар, ўйма устунли ва эшиклари ҳам ўйма безаклар билан безатилди.

XVII асрда келиб ўрта Осиёда авж олган ўзаро феодал низо ва урушлар Эроннинг Хивага қилган ҳужуми ва бошқалар архитектура ва бадиий ҳунармандчиликка салбий таъсири кўрсатди. Кўпгина мусаввир ва ҳунармандлар хиндистонга, Бобурийлар саройига кетишга мажбур бўлдилар. XVII аср охирлариға келиб меъморчилик ва амалий безак санъати ривожлана бошлади. Сарой қурилишларида ҳалқ меъморчилиги композиция услубларидан фойдаланиб, ичкари ҳовли, ҳовуз кўп устунли айвон, синчли иморатлар қурила бошланди. XVIII-XIX асрларда биноларнинг айниқса, ички қисмини кошин, тош, ганч ва ёғоч ўймакорлиги билан безатилди. Булардан мисол қилиб, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (2-расм), Бухородаги Чорминор (3-расм), кўқондаги Даҳмаи шоҳон асори атиқаларини келтиришимиз мумкин.

Асримизга қадар санъат асарлари турли қирғинбаротлар туфайли вайроналар остида қолган бўлса, асримизда “қизил кўланка” остида қолди. Ҳалқимизнинг ўқимишли, билимдон, зиёли фарзандларини турли сабабларни рўйиҳа қилиб қатағон қилишди. ҳунарманд усталарни эса шахсий бойлик орттиришида айблаб фаолиятлари тўхтатиб кўйилди. Бироқ ҳалқимизнинг фидойи фарзанларидан ижодкор усталар уста Ширин Муродов, Мирхамид Юнусов, Шамсиддин ғофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, қули Жалилов, Сулаймон Хўжаев, хайдар Нажмиддинов, Тошпўлат Арслонқулов, Мақсуд қосимов, Маҳмуд Усмонов, Олимжон қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Маҳмуд Облақулов, Абдулла Болтаев, қодиржон Хайдаров, Ота Полвонов, Абдураззоқ Абдураҳмонов ва бошқа бир қатор ҳунарманд усталар ўзларининг ҳунар сирларини мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда ёшларга ўргатишни йўлга қўйдилар. Кейинчалик эса ўз услуги, йўналишига эга бўлган Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва қўқон каби йирик ёғоч ўймакорлик мактаблари ривож топди.

Хива ёғоч ўймакорлигининг ривожида Ота Пловонов ва Сапо Боқбековларнинг ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутади. Бу мактаб ўймакорлиги бошқа мактабларга қараганда ўйма нақшларининг майдалиги, заминининг камлиги, новдаларининг зичлиги, бадиий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги, яъни новдаларининг зичлиги, бадиий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги, яъни новдаларининг спиралсимонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактабида эса ўймаларнинг майдалиги, нақш намунасининг мураккаблиги, ўсимликсимон гириҳ ва гулли гириҳ нақшларининг кўп ишлатилиши ҳамда ўйма юзасининг рангланиши билан ажralиб туради. Ижодкор усталари Абдухофиз Жалилов, Асатилло ва Нурилла Назруллаевлардир.

Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик намоёндалари Сулаймон Хўжаев, Мақсул қосимов ва Ортиқ Файзулаевлардир. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг бошқа мактаблардан фарқи шундаки, ўймасининг кўп қаватлилиги, ўртача чуқурликда ўйилиб, ислимий, геометрик, рамзий нақшлар кўпроқ ишлатилишидадир.

қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби ҳам ўзига хослиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Йирик усталаридан Хайдар Нажмидинов ва қодиржон Хайдаровлардир. Бу мактаб ўймакорлигининг маҳобатлилиги, йириклиги, ўймаларининг чуқурлиги ва кўп қаватлилиги билан фарқланиб туради.

Сулаймон Хўжаев 1866 йили тошкентдаги Сузукота маҳалласида яшовчи уста ва дурадгор Насруллохўжа оиласида дунёга келди (4-расм). Ёшлиқ даврида Сулаймон отасига ёрдам берар, лекин кўнглида ёғоч ўймакорлигини ўрганишга бўлган истак тобора кучайиб борарди. У 17 ёшида уста Искандар Мирзаёқубов устахонасида, сўнгра 1981 йилдан эса ўша даврдаги ёғоч ўймакорлигининг паргори усталаридан бири Тошпўлат Аюбхўжаевга шогирдликка тушиб ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини ўрганди.

“Сулаймон устозини ҳурмат қилар, қийинчиликларни сабр-чидам ҳамда ўта меҳнатсеварлиги билан енгид ҳақиқий уста бўлишга астойдил ҳаракат қиларди. Кекса устоз Тошпўлат Аюбхўжаев вафот этгач, унинг санъатини давом эттириди. Устоздан эсталик бўлиб қолган асбоблар ёрдамида Сулаймон ўзи мустақил жуда кўп дурадгорлик ишлари деразалар, эшиклар, дарпардалар ясади” (С.С.Булатов “ўзбек халқ амалий безак санъати”, Т., “Мехнат”, 1991, 230-бет).

Уста С.Хўжаев 1913 йилда Санкт-Петурбург шаҳрида бўлиб ўтган Бутунrossия касблари кўргазмасида нақшланган курсичаси ва қуш қафаси билан иштирок этиб, ана шу ажойиб ишлари учун “За полезные труды” бронза медали ва диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари Сулаймон Хўжаев жуда кўплаб кўргазмаларда ўзининг ижод намуналари билан иштирок этди. 1923 йилда Россия қишлоқ хўжалиги хунармандчилик кўргазмасида, 1927 йилда халқлар санъати кўргазмасида қатнашиб 1-даражали диплом билан тақдирланди. 1937 йилда Парижда бўлиб ўтган санъат ва техника кўргазмасида қатнашиб юксак баҳо олди.

Уста Сулаймон Хўжаев ўзбекистон халқ усталари ичидаги биринчи бўлиб 1932 йилда Мехнат қаҳрамони унвонини олди. Ёғоч ўймакорлигининг Ташкент мактаби, намоёндаларидан бири, паргори устаси С.Хўжаев 81 ёшида 1947 йилда вафот этди.

Тошкент ёғочи ўймакорлиги мактабининг номоёндаларидан яна бири Мақсуд қосимовдир.

Мақсуд қосимов 1905 йил Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида таваллуд топди (7-расм). Тоғаси Мирсоат Исамуҳаммедовдан дурадгорлик сирларини ўрганди ва 16 ёшидан дурадгор бўлиб ишлай бошлади.

1935 йилда Тошкент шаҳрида хунармандчилик ўқув-ишлаб чиқариш комбинати очилди. Мақсуд мазкур ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига ўқишига кириб тез орада ёғочга, ганчга, тошга металлга гул ўйиш сирларини ўрганди.

Шу даврнинг кўзга кўринган ёғоч ўймакорлиги усталаридан қўқонлик Абдураззок Абдурахмоновдан ислимий, Тошкентлик Сулаймон Хўжаевдан паргори нақши ва Тошкентлик Насриддин Зияқориевдан панжара ясаш сирларини ўрганди.

Мақсуд қосимов кейинчалик Халқ хўжалиги музейи (ҳозирги Бадиий кўргазмалар дирекцияси, 1933-34 йиллар), Москвадаги Бутуниттфоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида ўзбекистон, қирғизистон ва Тожикистон павильонларини (1937-40 йиллар) жозибадор қилиб безаган бўлса, 1940-42 йилларда қирғизистоннинг Фрунза (ҳозирги Бешкек) шаҳридаги хунармандчилик ўқув-ишлаб чиқариш камбинатига ишга таклиф килинди ва нафис ёғоч ўймакорлик санъатидан ёшларга сабоқ берди.

М.қосимов 1943 йилда Муқимий театри учун 3 та эшикни, 1943-46 йиллари Навоий театри қурилишида иштирок этиб, ганчкорлик ишларини ҳамда ўриндиклар суюнчиғини ўйма нақшлар билан безади. Мақсуд қосимов ўймакорлик ишлари билан бирга маъморий обидаларини таъмирлаш ишларида ҳам иштирок этди. Жумладан, Повловцев уйи (ҳозирги халқ амалий санъат музейи) эшик ва усталарни қайта таъмирлади.

ҳозирги кунда уста Мақсуд қосимовнинг яратган нафис асарлари Ташкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа чет эл музейларида доимий экспонат сифатида сақланиб келинмоқда. Уста Мақсуд қосимов 1965 йилда вафот этди. Бугунги кунда унинг ишини О.Файзуллаев, ҳ.қосимов, ҳ.Рихсиев, А.Шокиров каби шогирдлари давом эттириб келмоқдалар.

Ёғоч ўймакорлигининг йирик мактабларидан бири Хива ёғоч ўймакорлик мактаби бўлиб, хивалик усталарнинг ижоди ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги, нафислиги билан ажралиб туради. Ушбу мактабнинг намоёндаларидан бири Ота Полвондир (10-расм).

Ота Полвонов 1867 йилда хивалик ёғоч ўймакор уста Полвон Абдусатторов оиласида дунёга келди. У болалик даврлариданоқ ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйди ва дастлабки сабоқни бобоси уста Абдусаттордан, кейинчалик эса отаси уста Полвондан олди. Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик ва устунларини безашда қатнашди.

1934 йилда О.Полвонов қўхна Аркни таъмирлаш ишларида иштирок этиб наққош Абдулло Болтаев тайёрлаган ахта ёрдамида устун ва эшикларни қайта таъмирлади. Аркдан ташқари Тошҳовли, Нуриллабой саройи ва бошқа қадимий биноларни қайта таъмирлаш ишларида иштирок этди.

Ота Полвонов ва наққош Абдулло Болтаев ҳамкорлиги кўп муваффақиятларга олиб келди. 1937 йилда Парижда бўлиб ўтган Санъат кўргазмасида Ота Полвоннинг Абдулло Болтаев тайёрлаган нақш андозаси асосида ўта нафис, юксак маҳорат ва дид билан ишланган ўйма устуни юксак баҳоланди. 1940 йилдан бошланиб 7 йил мабойнида бунёд этилган Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри биносининг Хива залида фойелари учун эшикларни жозибадор ва гўзал нақшу нигорлар билан безади. 1952 йилда эса Урганч вакзали учун 2 ва 4 табакали эшикларни, бадиий кўргазмалар дирекцияси учун эшик ва устунларни ёғоч ўймакорлигининг Хива услугига хос бетакрор нақш композициялари билан безади.

Ота Полвонов умрининг охирагача ёғоч ўймакорлигининг Хива мактаби ривожига бекиёс хисса қўшди. У 1972 йили 105 ёшида вафот этди. О.Полвонов безаган асори-атиқалар ўзининг нафислиги ўзига хослиги ва гўзаллиги билан ажралиб туради. У ўзи эгаллаган санъат сир-асрорларини ёшларга ўргатиб келди. Унинг шогирдларидан бири Сафо Боқбековдир.

Сафо Боқбеков 1904 йилда хивалик ёғоч ўймакор уста Боғбек Абдураҳмонов оиласида таваллуд топди. У дастлабки ёғоч ўймакорлиги санъати сир-асрорларини отаси Б.Абдураҳмонов, кейинчалик эса ўша даврнинг машҳур ёғоч ўймакорлиги устаси Ота Полвоновдан ўрганди. У устози О.Полвонов ҳамкорлигида кўплаб ёғоч ўймакорлиги ишларини амалга оширди. Жумладан, Тошкент шахридаги Алишер Навоий театри ва Урганч темир йўл вакзалида ҳамкорликда иш олиб борди.

С.Боқбеков 1970 йилда “ўзбекистон” теплоходи ички безаклари учун 8 та турли намоёнлар, 1974 йили Урганчдаги “Интурист” меҳмонхонасиининг тантаналар зали учун 2 та деворий намоённи анъанавий ислимий ўйма нақш санъати билан безади. Кўплаб жамоат ва турар жой бинолари учун ўйма эшиклар, устунлар, дарвозалар ва уй-рўзгор буюмларидан қутича, лавҳ, хонтахта, курси ва бошқа бир қатор буюмлар тайёрлади. Хива шаҳрадаги кўплаб меъморий обидаларни қайта таъмирлаш ишларида иштирок этди. ўз фаолияти давомида бир қатор шогирдлар етиштириди. Сафо Боқбеков 1978 йили вафот этди.

Республикамизда кенг-кўламда ривожланган ёғоч ўймакорлик мактабларидан яна бири қўқон ёғоч ўймакорлик мактабидир. ўйиб бажарилган санъат асарининг монументаллиги, йириклиги, ўймаларининг чуқурлиги, кўп қаватлилиги, ўйилган юзанинг факат юзига тўқроқ ранг бериб кейин мойлаш қўқон мактабига хос бўлиб, унинг ривожида ҳ.Нажмиддинов, қ.ҳайдаров, Б.Аҳмедов ва ҳ.Умаровларнинг хиссаси бекиёсдир.

Ҳайдар Нажмиддинов қўқон шаҳрида 1850 йили уста Нажмиддин оиласида дунёга келди (11-расм). У ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини отасидан ўрганди ва қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабининг ривожланишига муносаб ҳисса қўшди. Ҳ.Нажмиддинов 1890 йиллардан Кўқонда ўйма нақшли эшиклар ва устунлар яратган, биноларнинг шарафа, муқарнасларини безашда, мусиқа асбобларига бадиий ишлов беришдаги моҳирлиги билан шуҳрат қозонган. У “Паранг” (“устаси паранг”) лақабини олган моҳир уста эди. Ёғоч ўймакорлигига қўлланиладиган нақш турининг паргори усулидан кенг кўламда фойдаланиб у ясаган уй-рўзгор буюмларидан кўп қиррали курсилар, лавҳ ва қутичаларнинг ўзига хослиги, жозибадорлиги ҳамда гўзаллиги билан ажралиб туради.

Ҳайдар Нажмиддинов яратган ёғоч ўймакорлик буюмлари бугунги кунда Халқ Амалий санъати, Санъат ва бошқа музейларда доимий экспонат сифатида сакланиб келинмоқда. У 1921 йилда вафот этди. Ҳ.Нажмиддинов ўзининг юксак маҳорати ва бетакрор санъати сирларини бир қатор шогирдларига ўргатди. қўқон ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакилларидан бири қодиржон ҳайдаров шулар жумласидандир.

Қодиржон ҳайдаров 1899 йили қўқонлик атоқли наққош Ҳайдар Нажмиддинов оиласида дунёга келди. У дастлабки ёғоч ўймакорлиги санъатини отасидан ўрганди. қодиржондаги болалиқдан санъатга бўлган иштиёқ аста-секин унга ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини қунт билан ўрганишга, сабр-тоқатли бўлишга ўргатди. У ўзи мустакил равишда уй-рўзгор буюмлари, қутичалар, стол, курси ва хонтахталарни нафис ва бежирим қилиб безаб эл эътиборига тушди. Қ.ҳайдаров дастлаб 1923 йилда Москвада халқ хўжалиги кўргазмасида хизмат қилди. У уй-рўзгор буюларини паргори нақшлари билан нафис қилиб безаган бўлса, у маҳобатли ёғоч ўймакорлигига эса ислимий нақшларидан фойдаланди.

1925-29 йилларда қўқондаги Наримонов номидаги интернатда тўғарак раҳбари, 1929-31 йилларда ўқиши давом эттириди. 1933-54 йилларда “Янги маъдан” артелида дурадгор, ёғоч ўймакори ва 1954-57 йилларда эса қўқон музейида таъмирловчи бўлиб ишлади. У ўзининг фаолияти давомида кўплаб эшик, устун, курси, хонтахта, қутича ва бошқа турли буюмларни ёғоч ўймакорлиги билан гўзал ва жозибадор қилиб безаб шуҳрат қозонди.

Бугунги кунда қодиржон ҳайдаров қолдирган қўқон тарихи музейидаги крават, Тошкентдаги тарих (аввалги Ленин марказий музейининг Тошкент филиали) музейининг эшиги, Халқлар дўстлиги саройининг эшиги ва бошқалар унинг ўймакорлик санъати анъаналарини янги мотивлари билан бойитганини кўрсатди. қодиржон ҳайдаров 1963 йилдан ўзбекистон Халқ рассоми, 1970 йили Республика Ҳамза мукофоти совриндори, бир неча орденлар соҳиби бўлган. Ёғоч ўймакорлигининг ислимий ва паргори устаси, ажойиб санъат соҳиби Қ.ҳайдаров 1983 йил қўқон шаҳрида вафот этди.

“Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактабларга қараганда ўймаларининг жуда майда ўйилиши, композициясининг мураккаблиги, яъни геометрик, ўсимликсимон ва гулли гириҳ композициялари ҳамма замин ва рельефларини лаклашдан бошланади. Асосан чинор, дуб, бук ва терак ёғочлари ишлатилади”. (С.С.Булатов. “ўзбек халқ амалий безак санъати”. – Т.: “Меҳнат”, 1991, 237 бет.)

Мазкур ёғоч ўймакорлиги мактабнинг йирик намоёндалари Абдуховиз Жалилов ва Нурилла Назруллаевлардир.

Абдуховиз Жалилов (1869-1954) дурадгорлик, ёғочсозлик ва ёғоч ўймакорлиги санъати устаси номи билан халқ орасида танилган. У дастлаб уста Нематдан хунар ўрганган. Синчли уй қуриш, эшик ва сандиқларга безак бериш сир-асрорларини пухта ўрганган. А.Жалилов уста Файзулла ва уста Абдуқодир Бокиевлар билан ҳамкорликда ишлаб, улардан муқарнас ва гириҳ тузишни ўрганган. Калантаров уйининг мураккаб шаклли шифти, Хўжа Аҳрор масжидининг шифти ва Хўжа Юсуф масжидини қуриб, улардаги дурадгорлик, ёғочсозлик ва ёғоч ўймакорлиги ишларини бажарган.

Самарқанд ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакилларидан бири Нурилла Назруллаевdir. У 1870 йили самарқандлик уста Назрулла оиласида таваллуд топди. Н.Назруллаев дастлабки ёғоч ўймакорлик сабоғини отасидан ўрганди. Кейинчалик ўзининг тинимсиз меҳнати, изланишлари натижасида халқ орасида ўймакор уста сифатида шуҳрат қозонди. У эшик ва дарвозаларни нафис ва юксак маҳорат билан безар экан, нақшнинг ислимий ва паргори усуулларидан кенг-кўламда фойдаланда. Пардознинг чока ва пах турларини қўллаб ўзига хосликка эришди.

Н.Назруллаев Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг ўзбекистон павильонига икки табақали дилали эшикни ўйма нақшлар билан безади ва унинг мазкур иши юксак баҳоланди. Нурилла Назруллаев 1939 йилда вафот этди.

### **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**АРТЕЛ** (русча) – бирор касб-хунар эгаларининг биргалашиб, жамоа бўлиб ишлаш учун тузилган бирлашмаси; биргалашиб, жамоа бўлиб ишловчилар ташкилоти.

**ГИРИХ** (арабча) – мураккаб ҳандасий шаклларнинг такрорланишларидан ташкил топган нақш тури; чигал, тугун (Нақш асосини квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак ва кўпбурчак шаклли тақсимлар ташкил этади).

**ГУЗАР** (форс-тожикча) – қишлоқ ёки маҳаллаларда одатда кўчаларнинг кесишган ерида, чорраҳаларда жойлашган, чойхоналари, қассобхона, баққоллик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жой.

**ГУЛЛИ ГИРИХ** – ислимий ва гирих нақш элементларидан ташкил топган нақш тури.

**ЗАМИН** (форс-тожикча) – нақш безагининг гулдан ташқари таг қисми; асос.

**ИБОДАТХОНА** (арабча+форс-тожикча) -- ибодат қиласидиган жой ёки уй, бино.

**ИСЛИМИЙ** – ўсимликсимон нақш тури.

**КАРВАНСАРОЙ** (форс-тожикча) – карвон тўхтаб, тунаб ўтадиган жой, сарой.

**ЛАВХ** (арабча) – китобни қўйиб ўқиш учун ясалган маҳсус мослама, курсича, таглик.

**ЛОГАРИФМ** (рус-грекча) – асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиласидиган даражакиши.

**МАДРАСА** (арабча) – диний олий ўқув юрти.

**МАСЖИД** (арабча) – мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқиидиган жой, масҷит, ибодатгоҳ.

**МАҚБАРА** (арабча) – қабр устига қурилган маҳсус бино, турбат.

**МОНУМЕНТАЛ** (русча - монументальный) – 1) ҳашаматлилиги билан катта таассурот қолдирадиган; улкан, салобатли, муҳташам. 2) Асосли, чуқур мазмунли. 3) Улуғворлик билан ажralиб турувчи ва юксак формаларда ифодаланган.

**ПАВИЛЬОН** (рус < французча) – 1) Чакана савдо учун мўлжаллаб қурилган усти берк енгил бино, дўкон. 2) Биноларда кўргазма (виставка) ўтказиш учун жойлашган алоҳида бўлими.

**ПАРГОР** (форс-тожикча) – паргор, циркуль.

**ПАРГОРИ НАҚШ** – циркуль ёрдамида чизилган ёки чизиладиган нақш.

**РАВОҚ** (арабча) – бинонинг ички ёки олдидағи ярим доира қилиб ишланган қисмлари; тепаси суйри, давра шаклида ясалган токча, тахмон.

**САРДОБА** (форс-тожикча) – усти берк ховуз сувдон (баъзан эса бинолар остидаги тагхона ҳам сардоба деб юритилади).

**ТИМ** (форс-тожикча) – усти ёпиқ бозор, баланд том билан беркитилган раста.

**ҮЙМА** – сиртни ўйиб, қириб ёки зарб бериб ишлаш.

**ҮЙМАКОР** – ўйиб нақш ишловчи уста.

**ҮЙМАКОРЛИК** – ўйиб нақш солиш касби.

**ҲАНДАСА** (арабча) – геометрия; математиканинг фазовий шакллари ва улардаги муносабатларни ўрганадиган бўлими.

**ҲАНДАСИЙ** (арабча) – геометрик; ҳандаса (геометрия)га оид.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ёғоч ўймакорлиги тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Темур ва темурийлар даврида ёғоч ўймакорлиги қай даражада ривожланди?
3. Қайси асрларда араб ёзуви безак-нақш даражасига кўтарилди?
4. Ёғоч ўймакор усталаридан кимларни биласиз?
5. қандай ёғоч ўймакорлик мактаблари бор?
6. Ёғоч ўймакорлик мактаблари нимаси билан бир-биридан фарқ қиласди?
7. ўймакорлик деганда нимани тушунасиз?
8. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан кимларни биласиз?
9. Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан кимларни биласиз?
10. Кўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан кимларни биласиз?
11. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан кимларни биласиз?
12. Маҳобатли ёғоч ўймакорлиги қайси мактабга хос?
13. Сулаймон Хўжаев ҳақида гапириб беринг.
14. қайси мактаб вакиллари ўйма юзасини ранглайдилар?
15. қодиржон хайдаров қайси мактаб намоёндаларидан ва у ҳақида нималарни биласиз?
16. Ота Полвонов ҳақида гапириб беринг.

### **2-МАВЗУ. МЕЪМОРЧИЛИКДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Миллатдан аввал, хусусан тош даврида инсонлар Тешиктош каби ғорларда асосан дараҳт шоҳлари ва пахолдан ишланган конуссимон жойларда яшаб келганлар. Аҳолининг бир қисми кўчманчиликдан ўтроқликка ўтгач, тош, гувала, пахса ва синчли уйлар қурила бошлианди. Бронза даврида ўзбекистон худудининг жануби – Сополтепада мураккаб меъморчилик ансамбиллари вужудга келди. Илк Темир даврига келиб эса тўғри тўртбурчак ва айлана тарҳли қалъачалар бунёд қилина бошлианди. Масалан, милоддан аввалги учинчи асрларда бунёд этилган иншоотлардан қизилтепа ва Бандиҳонтепа бинолари тўғри тўртбурчак тарҳда қурилган бўлса, Кучуктепа ва қўйқирилган қалъалар эса айлана тарҳда мураккаб этиб бунёд этилган.

Грек-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даврида қурилган саройлар янада ҳашаматли ва янада мураккаб композицияга эга бўлган бўлиб, марказий зали ёки ҳовлиси турли мақсадларга хизмат қиласиган кўп сонли бинолар билан ўралган, бино фасадларида кўп сонли устунли айвонларга туташ қилиб қурилган.

“Сурхондарё воҳасида Юмалоқтепа қаъридан топилган (эрамизнинг V-VI асрларига оид) ёғоч ўймакорлиги санъатининг намуналари эътиборга моликдир. Бундан бир ярим минг йилча муқаддам мазкур жойда маҳаллий ҳукмрон ҳукмдорлик қилган. Мутахассислар бу жойда улкан санъатга даҳлдор нақш ўймакорлиги санъатининг анча олдиндан ривожланганлигини исботлайди” (Каримов X. “Уста қодир”. –Т., ғ.ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 6-б.).

Кўриниб турибдики, ўрта Осиёда, шу жумладан республикамиз ҳудудида ҳам IX-XI асрларга келиб маданият яна ўса бошлади. IX асрда Самарқанднинг ўзи мустақил давлат бўлиб қолиши маданият ва санъат ривожига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу эса ҳалқ маданиятида янги бурилиш ясашга олиб келди. Шу даврга келиб Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий каби буюк олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, адабиёт ва маданият арбоблари етишиб чиқди. Бу каби алломаларнинг ўткир зеҳни Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, Нарпай тумани Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси, Термиздаги қирққиз саройи, Навоий туманидаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Навоий шаҳри яқинидаги Султон Саодат ансамбли ва Работи Малик карvonсаройи сингари жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларини қурилишига олиб келди. Шулар ва шу каби асори-атиқалар ўша даврларда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилиганини, улар бадиий ҳунармандлар томонидан жозибадор қилиб безатилганини кўрсатади. Илк ўрта асрларда саройлар шаҳар қальасидан ташқарида қурилган бўлса, X асрларга келиб шаҳар таркибида қурила бошланди. Бухорода қалъа олдида, Урганчда шаҳарнинг бош майдонида, Самарқандда эса Шаҳристонда шундай саройлар бунёд этилган. Сарой меъморчилигига эса ёғоч конструктураларидан кенг фойдаланилди.

Маданият ривожланиб борар экан, ажойиб меъморчилик ёдгорликлари қад ростлаб борар экан, ўз-ўзидан бундай ёдгорликларни миллий нақшинкор безаклар билан безашда, шу жумладан, дарвоза, устун ва равоқлари ёғоч ўймакорлиги билан безатилди. Бу эса ёғоч ўймакорлигини тез суръатлар билан ўсиб боришига имкон яратиб боради. Монументал меъморчилиқда ёғоч ўймакорлиги анаънавий санъат турига айланиб борди. Кишини ҳайратга солувчи ва ўта нафис, табиий қилиб ишланган ёғоч ўймакорлиги намунаси XII асрга тегишли бўлиб, у Самарқанддаги Шоҳи-Зинда девори орасидан топилганлигини сўзимиз исботи сифатида айтиб ўтишимиз мумкин.

Шоҳи Зинда ансамбли Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат. Шоҳи Зинда – Тирик шоҳ маъносини англатиб, мазкур ансамбл ҳалқ орасида жуда машҳур. кусам ибн Аббос мақбараси Шоҳи Зинда ансамбли тарҳига кирувчи энг қадимий бинолардан бири бўлиб, XI асрда бунёд этилган. Шу даврда мазкур мақбара ёнида масжид, минора, Тамғоч Буғроҳон мадрасаси, Зиёратхона ва унинг тагида чиллахона қад ростлаган.

Ансамбл бир-бiri билан йўлак орқали боғланган уч гуруҳ бинолардан иборат:

I. қўйи гуруҳдаги бинолар: Улуғбек ўғли номидан қурдирган Абдулазиз чордоғи, унга шимолдан Давлат қушбеги мадрасаси туташ, унинг қаршисидаги айвонли масжид нақшинкор қилиб нафис безаклар билан безатилган. 40 босқичли тик зинапоя ўрталигининг чап томонидан зиёратхона ва қабристондан иборат қўшгумбазли мақbara жойлашган.

II. ўрта гуруҳдаги бинолар: Амирзода мақбараси, Туғли Текин мақбараси, Ширинбека оқо мақбараси, унинг қаршисидаги Амир Темурнинг бошқа синглиси Туркон оқо мақбараси, Саккиз қиррали мақбара, Али Насафий мақбараси каби масжид ва мадрасалар мавжуд.

III. Юқори гуруҳдаги бинолар: Зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид, Хўжа Аҳмад мақбараси, Туман оқо комплекси, яна 2 та номсиз мақбаранинг киравериш деворигина сақланиб қолган холос. Бундан ташқари Тамғоч Буғроҳон мадрасаси, Амир Бурундуқ мақбараси ва бошқа масжид, мадраса, хонақоҳлар киради.

Ансамбль таркибидаги 20 дан ортиқ иншоотлар давлат муҳофазасига олинган. XIX-XX аср бошларида ансамблнинг яна бир неча бинолари барпо этилган. XVIII асрда вайрон бўлган зина ўрнида кейинчалик 40 поғонали ғиштин янги зина қурилган.

Фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиб бориши буюк саркарда Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқдир. У ҳукумронлик қилган даврларда меъморчилик билан бир қаторда амалий безак санъати ҳам юксала борди. У ўзи қурдирган мақбара, масжид, мадраса, хонақоҳ ва тимларни ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлиқ ва кошинкорлик билан жозибадор қилиб безатди.

XVI асрнинг охирига келиб Самарқандда ўзига хос меъморчилик услуби шаклланди. Оқсарой, Кўк Гумбаз, Шамсиддин Кулол мақбараси, Гумбази Сайдон, Хазрат имом масжиди, Жаҳонгир мақбараси, Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёсат ва бошқа шулар сингари меъморчилик ёдгорликлари ўзининг монументаллиги, жозибадорлиги, наққошлиқ ва ўймакорлик санъатининг ўзига хослиги билан ҳамон диққатга сазовардир.

Амир Темур даврида Самарқандни баландлиги 8 метргача бўлган девор билан айлантирилди. Шаҳарни кесиб ўтадиган Бухоро – Фарғона йўлини кенгайтириб савдо – расталари, тимлар қурдирди. У ўзи истило қилган ўлкалардаги энг машҳур меъмор ва ҳунармандларни Самарқандга олиб келиши шаҳарда ҳунармандларнинг гузар ва маҳаллаларини вужудга келтира бошлади. Бу эса санъатнинг янада гуркираб ривожаланишига, йирик-йирик шаҳарларда архитектура ансамблларини, Бухородаги Лабиҳовуз ансамблини вужудга келишига замин яратди. Шу ва шунаقا асори-атиқалар анъанавий тарзда пишиқ ғиштдан бунёд этилган, ансамблларнинг ички ва ташқи безакларига зўр эътибор берилиб, санъатнинг кенг-кўламда ривожланиб бораётган кошин, ганч ва ёғоч ўймакорликлари билан жозибадор қилиб безатилди.

Амир Темур ўзи қурдирган иморатларни ўзгача бир меҳр, ўзгача бир иштиёқ билан қурдирганки, буни Самарқанд ва қашқадарё воҳасининг бир-биридан ажратиб турувчи Туркистон тоғ тизмаларида бунёд этилган Оқсарой меъморчилик ёдгорлиги мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу обида 20 йил давомида қурилган бўлиб, кўкка викор билан қад ростлаб турибди. Оқсарой иккита йирик равоқдан иборат ва равоқлар 38 метрдан сўнг қубба шаклида бирлаштирилган. ҳар икки аркнинг оралиғи 22,5 метрни ташкил этади.

XVI-XVII асрларга келиб меъморчиликда иншоотларнинг кўринишлари янада такомиллашди, монументал биноларнинг тарҳи, қиёфасига ўзгартиришлар киритилди. ҳунармандларнинг артеллари вужудга келди. Шу даврларда бунёд этилган Мир Араб мадрасаси, Чашмаи Аюб, Хўжа Зайнiddин масжид-хонақоси, Чорбакр минораси, Шердор мадрасаси, Гавкушон минораси, Бухоро ва Тошкентда бунёд этилган Кўкалдош мадрасаларида ўша давр ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналари ўз аксини топган. (15,16,17,18-расмлар).

Бухородаги Кўкалдош мадрасаси XVI асрнинг II ярмида Абдуллохон II нинг саркардаси қулбобо Кўкалдош ташаббуси билан бунёд этили. Мадрасанинг олд пештоқ равоғидаги эшикка гириҳ ва ислимий нақшларида нафис ва жозибадор қилиб ёғоч ўймакорлиги санъати билан ишлов берилган. ҳовлидаги пештоқлар кошин ва сирланган ғишт билан безатилган. ҳовли атрофида икки қаватли 160 ҳужра ва дарсхона ҳамда масжид жойлашган. Тузилиши жиҳатдан бошқа мадрасалардан фарқли ўлароқ мадрасанинг очик айвонли болохоналари бўлган ва улар турли нақшу нигорлар билан нафис қилиб безатилган.

Тошкент шаҳридаги Кўкалдош мадрасаси ҳам XVI асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган бўлиб, Тошкент ҳокими Кўкалдош қурдирган мадрасанинг умумий кўриниши жанубга қараб қурилган. Пештоғи сирланган ғишт ва гириҳ нақшлар билан безатилган бўлиб, икки ёнига икки қаватли хоналар тартиб билан жойлаштирилган. Дарвозахонанинг чап томонида дарсхона, ўнг томонида эса масжид жойлашган. Дарсхона ва масжид чорток

тархли, пойдевори ва деворлари пишиқ ғиштдан, чоклари ганч қоришимаси билан пардозланган.

XVIII-XIX асрларда монументал биноларнинг айниқса ички қисмини кошин, тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги билан безаш давом этди. Шу даврларда қўқонда Мадрасаи Мир номи билан халқ орасида машҳур Норбўтабий мадрасаси XVIII асрнинг охирида бунёд этилди. Даҳмаи Шоҳон ансамбли уч қисмдан иборат: пештоқ, икки устунли айвон – масжид, Норбўтабий ва унинг авлодлари даҳмасидир. Унинг яқинида хоннинг онаси мақбараси – Модарихон даҳмаси сақланган. Пештоқли, гумбазли бу бинолар сирланган ғишт, кошин билан безатилган.

қўқон Жомъе масжиди XIX аср бошларида бунёд этилган бўлиб, Умархон номи билан чамбарчас боғлиқ. Масжид улкан ҳонақоҳ ва уч томони 98 та ёғоч устунли кенг айвондан иборат бўлиб, айвон шифти тўсинлари ислимий ва гирих нақшалари билан, деворлари ганч ўймакорлиги билан, изоралари “часпак” услубида безатилган. Устунларига гўзал ва нафис нақшу нигорлар билан ўйма безак берилган бўлиб, курсиси мармардан ишланган. Масжиднинг ёнидаги минора конус шаклида бўлиб, тепаси олти киррали қафаса – туйнук ва қубба билан тугалланган. Юқорига айланма зина орқали чиқилади.

Худоёрхон ўрдасида шаҳарнинг муҳим архитектура ёдгорликларидан, кўп устунли қилиб қурилган, бўяма ва ўйма нақшлар билан жозибадор қилиб безатилган жомъе масжиди XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида қурилган. 1914 йилда эса Комил қози мадрасаси бунёд этилди.

XVIII-XX асрларда яна бир қатор асори-атиқалар қад ростлади. Намангандаги Ҳўжамнинг қабри, Бухорода Болоховуз масжиди, Хивада Оллоқулихон карвонсаройи ва тими, Тошховли, Нуриллабой саройи, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Бухоро яқинида Ситораи Моҳи ҳоса саройи бунёд этилди. Сарой қурилишларида халқ меъморчилиги композиция усулларидан фойдаланилди. Бунда ички ҳовли, ховуз, кўп устунли айвон ва синчли иморатлардан ташкил топди.

Хива Жума масжиди XVIII асрнинг охирларида бунёд этилган бўлиб, масжид ва миноралардан иборат. Масжид томи текис, бир қаватли шифти ўйма нақшли. Устунлар масжид қурилишига мос slab жойлаштирилган бўлиб, калтароқларига тош пой устун ўрнатилган. Деворлари равоқларга бўлиниб, меҳроб ишланган. Меҳробнинг юқориси тўрсимон, ўйма занжира ва кундал нақшлари билан безатилган. Масжидга 214 та устун ўрнатилган бўлиб, Хоразм халқ ўймакорлигининг бой ижодий имкониятларидан кенг-кўламда фойдаланилган, устунларга нафис нақшу нигорлар билан ишлов берилган.

XVIII-XIX асрларда Бухорода бунёд этилган Халифа Худойдод мажмуаси мадраса, масжид, сардоба ва қабристондан иборат бўлиб, ҳовлисининг уч томони бир қаватли ҳужралар билан ўралган. Масжид тўғри тўртбурчак тарҳда, гумбаз билан қопланган. Умумий кўриниши ганч ўймакорлиги билан, устунлари эса ўйма нақшу нигорлар билан жозибадор ва нафис қилиб безатилган. Сардобага икки зинапоя орқали кирилади. ҳовлининг шимолидан қабристонга ўтилади. Халифа Худойдод қабри яқинида икки устунли, шифти бўяма нақш билан безатилган айвон бор.

XX аср бошларига келиб қўқонда яна бир мажмуа қад ростлади. Бу Халифа Тилло мажмуаси бўлиб, у икки ҳовли, ховузли боғ, масжид ва Халифа Тилло даҳмаси жойлашган қабристондан иборат. Улар ўртасида чегара сифатида икки қатор устунли шийпон жойлашган. Халифа Тилло даҳмаси атрофи равоқли тўсинлар билан беркитилган.

Дўсти худо масжиди Алихон эшон буюртмасига асосан ўша даврнинг етук усталаридан бири уста Ёқуб бошчилигига қурилган. Тархи тенг томонли, устунли хона ҳамда икки томони айвондан иборат. Айвоннинг шифтидаги тўсинлари ва устунлари серҳашам қилиб, дид билан турли нақшу нигорлар билан безатилган.

Бухородаги Ситораи Моҳи ҳоса сарой боғи XIX-XX асрларда бунёд этилиб, мангитлар сулоласининг тўрт авлодига, яъни Насруллохон, Музофархон, Абдулаҳатхон, Амир Олимхонларга мансуб. Саройнинг майдони тахминан 6,7 га тенг бўлиб, эски сарой фишт тўшалган уч ҳовлидан ва кўпгина хоналардан иборат.

Амир Музофархон меҳмонхонаси ўзининг кенглиги, баланд зали, икки томонидаги болохонали айвонлари, европа услубидаги эшик ва деразалари билан ажралиб туради.

Уч қисмга бўлинган тўртбурчак тарҳли Абдулаҳатхон саройининг икки хонаси бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган.

Эски сарой шарқидаги Амир Олимхоннинг бош қароргоҳи – янги саройга муҳташам равоқли, икки табақали дарвоза орқали кирилади. Ушбу икки табақали дарвоза ёғоч ўймакорлигининг ўша даврдаги энг сўнги безак усуллари билан гўзал, кўркам ва нафис қилиб безатилган. Дарвозахонидан ташқари ҳовлига ўтилиб, ҳовлиниң уч томони айвон билан ўралган. Дарвозадан киришнинг ўнг қўл томонида кичкина фаввора бор. ҳовлиниң шимолида катта айвон, ғарбida оқсарой, жанубида ойнабандли айвон, кутиш хонаси ва амирнинг қабулхонаси жойлашган.

Оқсарой безагида шарқ ва европа меъморчилиги уйғулаштирилган ҳолда қўлланилган. Боғ ўртасида саккиз хонали қўшк бор. Умуман олганда Ситораи Моҳи-Хоса сарой-боғи зўр маҳорат ва юксак дид билан бунёд қилинган. Дарвоза, эшик ва устунларни безашда ёғоч ўймакорлигидан унумли фойдаланилган.

Амалий безак санъатнинг бир қатор турларида маҳаллий услублар шаклланди. Накқошлиқда, ганч ва ёғоч ўймакорлигига ислимий нақши ривож топди. Ёғоч ўймакорлигига ўймаларни бажаришнинг янгидан-янги услублари билан устунлар, эшиклар, равоқлар ва бошқалар жозибадор қилиб безатилган. Асримизнинг бошларига келиб Хивадаги кўхна Арк, Тошховли, Нуриллабой, Бухорадаги Минораи Калон, И smoil Самоний мақбараси, Самарқанддаги Шердор, Тиллақори мадрасалари таъмирланади, Улугбек мадрасасининг қулай бошлаган минораси қайта тикланди.

Самарқандда жойлашган мазкур уч мадраса Регистон майдонида қурилган бир бутун меъморий ёдгорликлар комплексини ташкил қиласди. ҳар уч мадрасага алоҳида икки табақали дарвозалардан кирилиб, ўзга хос ёғоч ўймакорлиги санъати билан жозибадор қилиб безатилган. Хонага кириш эшиклари, жумладан Шердор мадрасасидаги 54 та ҳужра бўлиб, деярли барча эшик ва равоқлари ёғоч ўймакорлиги билан безатилган.

Самарқанд шахрида бунёд этилган меъморий обидалардан яна бири ҳазрати Хизир масжиди бўлиб, у XIX аср ўрталарида қурилган. ҳазрати Хизир масжиди афсонавий ўлмас шайх ҳазрати Хизир номи билан чамбарчас боғлиқ. Бино қадимий масжид пойдевори устига қурилган бўлиб, бош кўринишидаги тик зинапоядан дарвозахонага чиқиб, унча катта бўлмаган хонага ўтилади. Чапдаги равоқли пешайвон жозибадор нақшлар билан серҳашам қилиб безатилган. Олд томонида ёғоч ўймакорлиги билан безатилган 5 та устнли айвон бўлиб, ундан хонақоҳга эшик очилган. Хонақоҳнинг икки ёнида ҳужралар бор.

Кейинчалик бинога, яъни 1899 йилларда қўшимча айвон ва 1919 йилда дарвозахона қурилиб ажойиб нақшу нигоралар билан безатилган.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**АНСАМБЛ** (русча < французча) - ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бирикувидан хосил бўлган бир бутун нарса.

**АРК** (форс-тожикча) – хон турадиган жой, хон саройи.

**БОЛОХОНА** (форс-тожикча) – маҳаллий типдаги иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватдаги уй.

**ГУМБАЗ** (форс-тожикча) – қубба шаклидаги том; қубба тахлитидаги нарса.

**ДАГМА** (форс-тожикча) – қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сафана, мақбара.

**ИЗОРА** – деворнинг токча билан бино саҳни орасидаги пастки қисми, шу қисмiga ишланадиган безак.

**КОШИН** (форс-тожикча) – деворлар сиртини қоплаш учун ишлатиладиган сиркор безак материал тури.

**КУНДАЛ** – 1. Зар ип қўшиб бўрттириб тўқилган қимматбаҳо шойи мато. 2. Меъморчиликда деворга бўрттириб ишланадиган безак тури.

**КЎШК** (кўчик) (форс-тожикча) – баланд, баҳаво қилиб солинган, тўрт устунли, томи қуббали енгил қурилма; иморат, сарой, қаср.

**МАЖМУА** (арабча) – маълум меъморий режа асосида ўзаро мутаносиб қурилган бинолар, ансамбл.

**МИНОРА** – одатда масжид таркибида қуриладиган баланд, ғўла шаклидаги иншоот.

**ПЕШТОҚ** (форс-тожикча) – мадраса, масжид каби ҳашаматли биноларнинг кириш қисмидаги усти баланд кўтарилиган равоқли серҳашам қисми.

**ПОЙДЕВОР** (форс-тожикча) – 1. Бино, иншоот ёки уларнинг айрим қисми остигатаянч учун қуриладиган мустаҳкам асос, фундамент. 2. Замин; негиз, база.

**ТАБАҚА** (арабча) – дарвоза, эшик ва дераза кабиларнинг очилиб-ёпиладиган ҳар бир бўлاغи.

**ТҮЙНУК** – эски типдаги маҳаллий уйларнинг деворидан ёки тепасидан ёруғлик кириб туриши учун қолдирилган тешик; тўртбурчак ва доира шаклида бино девори ёки шифтидаги махсус ишланган тешик.

**ТЎСИН** – иморатнинг ва умуман ҳар қандай қурилма ва иншоотнинг тепасига кўндаланг солинган бақкуват хари; болор.

**ФАСАД** (италиянча - *facciata*) – бино, иншоотнинг ташқи, яъни олд, орка, ён, ҳовли, боғ ва кўча томонидан кўриниши.

**ХОНАҚОҲ** (форс-тожикча) – гумбазли катта бино, хона; масжиднинг кенг ва катта хонаси.

**ЎРДА** – турк-мўғил давлатлари ҳукмдорларининг қароргоҳи, пойтахти; сарой.

**ҚАЛЪА** (арабча) – душман хужумига қарши мустаҳкам девор ва ҳандақ билан ўралган, мудофаа воситалари, истехкомлар билан таъминланган шаҳар.

**ҚАФАСА** – минора тепасидаги кўшксимон қурилма, махсус хона.

**ҚУББА** (арабча) – гумбазсимон том тури.

**ҲУЖРА** (арабча) – бир ва бир неча кишига мўлжалланган кичкина ётоқхона.

## МАВЗУНИ МУСТАҒҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Тарҳ деганды нимани тушунасиз?
2. Темир даврида қандай тарҳли қалъалар бунёд этилган?
3. Түғри түртбұрчак тарҳдаги қалъалар қайси даврларда буёд этилган?
4. Айдана тарҳдаги қалъаларчи?
5. IX-XI асрларда қандай асори-атиқалар барпо этилган?
6. Ислом Самоний, Араб Ота, Мирсаид Бахром мақбаралари, Қирккүз саройи, Султон Саодат ансамбли ва Работи Малик карвон саройи Кайси асрларда бунёд этилган?
7. Күкалдош мадрасаси қайси шаҳарда?
8. Күкөнда қандай обидалар барпо этилган?
9. XIX-XX асрларда қайси ёдгорликтер бунёд этилган?
10. Хивада қандай ёдгорликтер бор?
11. Шоҳи Зинда ансамбли ҳақида нималарни биласиз?
12. Регистон меңморий ёдгорлиги қайерда жойлашган ва қайси мадрасалардан иборат? Улар ҳақида гапириб беринг.
13. Ситораи Моҳи Хоса саройи қайерда ва қайси асрда қурилган?
14. Газрати Хизир масжиди ҳақида нималарни биласиз?
15. Қайси меңморчилик обидасида 214 та устун ўрнатилган ва у ҳақида гапириб беринг?

## **ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ УСТАХОНАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ ВА ТЕХНИКА ҲАВФСИЗЛИГИ**

### **I. ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ УСТАХОНАЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ.**

Кишининг руҳий ҳолати ўзи бажараётган ишида, юмушида ўз аксини топмасдан қолмайди. Киши руҳиятини күтаришда эса хонанинг жиҳозланиши, қулайлиги, озода ва орасталиги муҳим ахамиятта эга. Ёғоч ўймакорлиги устахонасини жиҳозлашда дурадгорлик устахоналарини жиҳозлашнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қисман бўлсада фойдаланиш мақсаддага мувофиқ бўлади. Гар бир асбоб-ускуналар, хомашёлар, кўргазмали қуроллар, талабаларнинг тайёр ишлари ва дастгоҳлар тартиб билан ўз жойига қўйилмоғи лозим.

Ёғоч ўймакорлиги устахонаси бинонинг биринчи қаватига жойлашиши, унга ёруғлик яхши тушиб турадиган бўлиши лозим. Устахонанинг ярим подвал ёки подвалга жойлашиши гигиеник нұқтаи назардан қатъиан маън қилинади. Устахона учун кўйиладиган маҳсус талаблардан бири унга табиий ёруғлик яхши тушишининг таъминланиши, хонанинг иситилиши ва табиий шомоллатишга қулай бўлмоғи зарур. Энг муҳими устахонада ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш керак.

Замонавий ўқув устахоналари материаллар, ярим тайёр ва тайёр буюмлар, шунингдек асбоб-ускуналар ва мосламаларни сақлаш учун зарур ёрдамчи хоналарга эга бўлмоғи лозим. Устахоналарнинг поли таҳтадан тайёрланиши, улар яхши табиий ва сунъий шамоллатадиган

бўлиши, нормал табиий ва сунъий ёриткичларга эга бўлиши, ҳаво босими қишида  $14^{\circ}$ - $16^{\circ}$  С, ёзда эса  $20^{\circ}$  С дан ошмаслиги керак.

Ёғоч ўймакорлиги устахонасининг деворлари силлик бўлиб, ёрқин бўёқлар билан, шифти эса оқ бўёқлар билан бўялиши керак. Буларнинг барчаси хонанинг яхши ёритилишини таъминлайди. Устахонадаги жиҳозларнинг ранг жиҳатидан безатилишига ҳам эътибор бериш керак. Ёрқин, физиологик жиҳатдан асосланган бўёқлар хона жиҳозларининг, ишланаётган буюмларнинг турли кисмлари билан устахонанинг умумий фони ўртасида яққол фарқ бўлишини таъминлайди.

Ёғоч ўймакорлиги устахоналаридаги шовқин-сурон ва тебранишнинг камайишига шовқин ютувчи ва тебранишни йўқотувчи жиҳозлардан, энг рационал меҳнат ва ҳунар усулларидан фойдаланиш йўли билан эришилиши мумкин.

Ўймакорлик устахоналарида асбоб-ускуналарин жойлаштириш вақтида ёнфинга қарши чораларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва гигиеник талабларга риоя қилиш зарур, яъни устахона асбоб-ускуналар ва ёрдамчи жиҳозлар билан тўлдириб юборилмаслиги керак. Гар бир устахонада медицина аптечкалари бўлиши шарт. Агар бирор талаба ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилмаган ҳолда жароҳатланса унга зудлик биланбиринчи ёрдам кўрсатилиши, қон кетаётган бўлса уни тўхтатиш учун жароҳатланган жойнинг юқори қисмидан боғлаб қўйиш ва тезда яқин орадаги тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимига олиб бориш зарур.

Ёғоч ўймакорлиги устахоналарида дастгоҳлар ва уларнинг орасидаги ўтиш йўллари белгиланган нормативлар даражасида бўлиши лозим. Дастгоҳларнинг охирги қатори билан устахона деворлари орасидаги масофа 0,5 метр бўлиши керак.

Ўймакорлик устахоналарида бевосита талаба ва ўқитувчи фойдаланадиган майдон  $50$ - $60\text{ m}^2$  бўлса, ҳар бир талабанинг иш ўрни бир-биридан 60 см, қаторлар оралиғи 1 метрдан узокликда бўлса янада ҳаракатланиш қулай бўлади.

Устахона учун қўйиладиган маҳсус талаблардан бири ҳам шундан иборатки, хонага табиий ёруғлик яхши тушишига алоҳида эътибор бериш лозим. Агарда бунинг иложи бўлмаса кундузги ёруғлик лампалари ёки стол лампалари билан таъминлашни тақазо этади. Бундан ташқари ёғоч ўймакорлиги устахоналарини иситилиши ва шамоллатилишига ҳам эътибор қаратиш керак.

Ёғоч ўймакорлиги устахоналарида ёнгин ҳавфсизлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ёғочдан чиққан қириндилар ва пайрахалар тез ёнади. Шунинг учун электр иситкич асбоблари ва электр плиталарига маҳсус белгиланган жой бўлиши шарт. Ёғоч ўймакорлиги устахоналарида ишни тўғри ташкил қилишда, албатта ўт ўчириш инвентарлари билан жиҳозланган бўлишни талаб этади.

Устахонада қўл ювиш, шунингдек устки ва маҳсус кийим-кечаклар сақланиши учун шарт-шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёғоч ўймакорлиги устахоналарининг майдонидан оқилона ва унумли фойдаланиш, уларнинг тоза бўлиши, асбоб-ускуналарнинг тўғри ва ўз жойида туришини таъминлаш, эстетика талабларига риоя қилиш ҳамда намунали тартиб – буларнинг ҳаммаси талabalарни интизомлиликка ва барча асбоб-ускуналарни, кўргазмали қуролларни, жиҳозларни, дастгоҳларни эҳтиёт қилишга, ўзгалар меҳнатини қадрлаш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Шу ва шу кабиларни амалга оширишда ўқитувчининг ўзи талabalарга ўrnak бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчининг иш ўрни ташкил қўриниши ва ташкил этилиши жиҳатидан намунали бўлиши керак. Кўрсатиладиган кўргазмали қуроллар талabalарга яхшироқ қўриниши учун ўқитувчининг иш ўрнига тааллуқли бўлган барча нарсалар юқорироқ жойда туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Нарсаларни кўрсатиб турадиган дастгоҳ талabalарга

қаратилган бўлиши керак. Бу эса уларнинг кўрсатилаётган иш усулларини яхшироқ идрок қилишларини таъминлайди.

Кўргазмали қуроллар учун мўлжалланган бурчакда плакатлар, жадваллар, чизмалар, асбоб-ускуналар, буюмлар, ҳажмдор қўлланмалар намунали тартибда ва системали равишда сақланиши керак. Мавжуд устахоналарнинг кўпчилиги юқорида айтиб ўтилган талабларга тўлиқ жавоб бера олмаслигини ҳисобга олиб ёғоч ўймакорлиги ёки меҳнат ўқитувчиси бу талабларни билиши ва уларни сўзсиз бажарилишига ҳаракат қилиши зарур.

## **II. ЎЙМАКОРЛИК АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА УЛАРНИ ИШЧИ ҲОЛАТГА ТАЙЁРЛАШ.**

Ёғоч ўймакорлиги устахоналарида талаба турли юмушларни бажаришига тўғри келади. Жумладан, чизмачилик, нақошлиқ, дурадгорлик, ўймакорлик ва ҳакказо ишларни ташкил этишда жароҳатсиз фаолият кўрсатишга эришмоқ учун аввало асбоб-ускуналарни ишчи ҳолатини кўздан кечириб чиқмоқликни тақазо этади. “Мен бу мосламада ишламоқдаман” деб иккинчи мосламага эътиборсизлик турли кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Фаолиятни бошлашдан олдин албатта маҳсус иш кийимини кийиб олиш зарур. Турли асбоблар билан ишлашда, масалан, ўймани бажариш учун исказана ва болғани (ёғоч тўқмоқ, киянкани) ушлаш қоидаларига амал қилган ҳолда, яъни исказани бўшроқ, болғани эса қаттиқроқ сиқиб ушлаш зарур.

Ёғоч ўймакорлигига таҳтачаларни ўймага тайёрлаб олингач унга мослаб ахта (улги, нусха) сини ва хокани тайёрлаб олинади. Нақшнинг ҳар бир элементини, қисмини, турини, гурухини ўзишда “Оддийдан мураккабга, осондан қийинга” тамойилига риоя қилиб бориш лозим. Нақшларнинг қанака гурухга мансублиги, тайёрланадиган буюмнинг катта ёки кичиклигига қараб, дастлаб нақшнинг ярим гажак, гажак, гуллари, барглари, новдалари ва бандлари балиқ сиртли исказана билан кесилади. Нақшлар атрофи тўлиқ кесиб бўлингач, маҳсус учи эгик исказана билан нақшнинг замини ўйилиб чукурлаштирилади. Текислашда эса тўғри исказалар ишлатилади.

Ўймани бажариш давомида ҳар бир исказани эҳтиёткорлик билан ўз ўрнида ва ўринли ишлатишни ўрганиш лозим. Бу эса ўйилаётган юзани сифатли, кўркам ва жозибадор чиқишига замин яратади. Исказаларни ишлатиб бўлгач нотўғри жойга қўйиш, бир-бирига уринтириш асбобни тезда ўтмас бўлишига олиб келади ва ўймани сифатига путур етказади.

Иш жараёнида баъзи бир асбоблар ўтмаслашиб қолади. Бундай ҳолларда албатта асбобларни ўткирлаб олиш керак. Чунки ўтмас асбоб билан бажарилган ўймакорлик ишлари сифатсиз чиқади, кўнгилдагидек бўлмайди.

Ўтмаслашиб қолган ўймакорлик асбобларини ўткирлаш учун чархлар ва қайроқ тош керак бўлади. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган исказаларни чархлаш электрик чархларда ёки кўл чархлари ёрдамида амалга оширилади. Электрик чархлар ёрдамида ўткирлашда ўзига хос техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш зарур.

Ўймакорлик асбобларини кўлда қайроқ тошлар ёрдамида ўткирлаш учун ҳар хил қайроқ тошлари ишлатилади. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кесувчи асбоб-ускуналарни қайроқ тошларда ўткирлаш ҳамиша ижобий натижка беравермайди. Чунки, асбоб тифини қайроқ тошга ишқалаш жараёнида кучли ишқаланиш хосил бўлади ва тиф қизиши натижасида тиф куяда, ундан сув қочади. Асбобни ишлатиш вақтида тиф озгина эҳтиётсизлик натижасида ёки ўйилаётган буюм юзасидаги кичкина кўзга тегиши оқибатида тиф

ўтмаслашади, қўполроқ ҳатти-ҳаракат туфайли синиши, исканани ишдан чиқариши ҳам мумкин.

Асбоб-ускуналарни электрик чархлар ёрдамида бўлсин ёки қўл чархлари ёрдамида бўлсин, уста исканани чархлаш вақтида ўнг оёғини чархнинг тўғрисига, чап оёғини бир оз ён томонга қўйгант ҳолда ўнг қўли билан искана дастасидан ушлаб, чап қўл бармоқлари билан искананинг тифини чархга бир меъёрда босиб чархланади. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, агарда исканалар қўл чархлари ёрдамида чархланадиган бўлса чарх тошларини айлантирувчи шогирд чарх тошларини бир меъёрда айлантироғи лозим. Исканалар электрик чархлар ёрдамида чархланадиган бўлса ўртача тезлиқда айланадиган электр моторларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар электр моторининг айланниш қуввати юқори бўлса чархланаётган асбоб-ускуналарни куйдириб тезда яроқсиз ҳолга келтириши мумкин.

Чархланган искананинг қировини тўкиш учун нова шаклидаги ўртаси ариқчали ва ёnlари қиррали турли хил майин қумли ёки тош қайроқлар ёрдамида қировидан тозаланади. Яна шунга алоҳида эътибор бериш керакки, исканаларнинг қировини тўкиш вақтида искана тифини қайроқ тошнинг узунасига бир маромда суртиш керак. Агар қайроқ тошлар сувда намланиб ишлатилса тиғдаги қиров тез тўкилади.

Ўткирланган асбобнинг қай даражада ўткир бўлганлиги ёки бўлмаганлигини қирови тўкилган асбобнинг тифини бош бармоқ тирноғининг юзига тегизиб қўриб аниқланади. Тиф қирраси тирноқ юзига қадалса унда асбоб ўткирланган бўлади. Агарда асбоб тифи тирноқ юзидан сирғалиб кетса у ҳолда асбоб ҳали ўткирланмаган бўлади.

Ўймакорлик ишларининг қай даражада сифатли, жозибадор ва кўркам чиқиши ҳамда ишнинг самарадорлиги ўюувчи асбобларга боғлиқ экан, демак асбобларни сақлашга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Ўткирланган исканаларни маҳсус тайёрланган қутичаларга ёки ғилофларга эҳтиёткорлик билан териб, тифини бир-бирига тегмайдиган қилиб жойлаш лозим. Агар қутича ёки ғилоф бўлмаса бирон-бир мато орасига қўйиб ўралган ҳолда эҳтиётлаб сақлаш керак.

### **III. ДАСТГОҲЛАР ВА УЛАРНИ ИШЧИ ҲОЛАТГА ТАЙЁРЛАШ.**

Ёғоч ўймакорлиги дурадгорлик хунари билан бевосита ва билвосита узвий чамбарчас боғлиқдир. ўймакорликда ёғоч материалларни ўймага тайёрлашда дурадгорлик ва бошқа соҳаларга оид дастгоҳлардан фойдаланилади. ўймага тайёрланаётган материалларнинг қай даражада сифатли чиқишида дастгоҳларни қулай жойлашганлигига, иш ўрнининг тўғри ташкил этилганлигига ҳам боғлиқ.

Иш ўрни деганда устахонанинг бир талаба томонидан ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, яъни дастгоҳлар ва мосламаларнинг мақсадга мувофиқ жойлашган майдончаси тушунилади.

Иш ўрнининг талаба иш вақтида ўз гавдасини анча қулай тутиб турадиган, ортиқча ҳаракатлар қилмайдиган даражада ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бу талабларнинг бузилиши эса ўз ўрнида натижаларнинг камайишига, тайёрланмаларнинг сифатига, тўғри меҳнат малакаларининг суст таркиб топишига, баъзи ҳолларда эса касб касалликларини келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин.

Дурадгорлик ва бошқа соҳаларга хос дастгоҳлар турли вазифаларни сифатли ва муваффақият билан юқори савияда бажаришга имкон берадиган ва мустаҳкам жойлаштирилган иш конструкцияларидан иборат бўлиши лозим. Масалан, бир ўринли

дурадгорлик дастгохи 750-780 мм баландлиқда, слесарлик дастгоҳлари эса 800-850 мм баландлиқда ўрнатилиши ва у ёғочдан ёки металлдан тайёрланган бўлиши лозим. Дастьгоҳ ўрнатиладиган мослама тахтадан ишланади, устига қалинлиги 1,5-2 мм қалинликдаги пўлат тунука қопланади. Дастьгоҳ қулай ўриндиқقا эга бўлиши, ундан талаба машқ бажариш давомида ва дам олиш вақтида фойдаланиши, ёзувлар, эскизлар тузиш учун дастьгоҳ устига сурилувчи мослама ўрнатилган бўлишини талаб этади.

Ёғочга ишлов бериш ва ўймани бажариш бўйича ҳар бир ўкув устахонаси камидаги 25 иш ўрнига мўлжалланган бўлиши зарур. Устахоналарда жихозларнинг асосий қисмини ташкил этувчи дурадгорлик ва бошқа ўргатилаётган касб-хунар дастгоҳларидан ташқари, дастьгоҳ жихозларининг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиши керак. Жумладан, дурадгорлик устахонасида 1-2 тадан слесарлик ва вертикал пармалаш дастьгоҳи, битта кичик габаритли, кўндаланг рандалаш фрезер (шеринг) дастьгоҳи, битта икки томонлама жилвир қайроқ ва нуқтавий пайвандлаш учун кичик габаритли электр пайвандлаш аппарати бўлиши зарур. Шунга ўхшаб ҳар соҳа ва касб-хунарлар бўйича ўзига хос асбоб-ускуналар бўлишини тақазо этади.

Асбоб-ускуналардан ва дастьгоҳлардан жилвир қайроқ, пармалаш дастьгоҳлари ўқитувчининг иш ўрнига яқинроқ жойлаштирилиши ҳамда турли кўнгилсиз ходисаларнинг олдини олиш мақсадига қўшимча электр тўкини улаш ва узиш учун маҳсус мосламага эга бўлиши керак.

Токарлик, фрезерлик дастьгоҳлари ва жилвир қайроқ маҳсус ҳимоя воситалари билан жихозланган бўлиши лозим. Слесарлик дастьгоҳлари ҳимоя қилувчи тўрлар, алоҳида ўриндиқ ва турли асбоб хилларига эга бўлган маҳсус мослама билан таъминланган бўлиши керак.

Дастьгоҳларда ишлашда эса уни юргазишдан олдин барча симлар, узелларнинг изоляцияси бутунлиги кўздан кечирилади. Агар баъзи симларнинг изоляцияси очилиб қолган, дастьгоҳ ерга уланмаган бўлса, тайёрланма ўрнатиладиган мослама мустаҳкам маҳкамланмаган бўлса дастьгоҳни юргазиш қатъий маън этилади. Топилган камчиликлар зарурий мутахассисни ёки устани чақириб тузатилгандан сўнггина ишлашга руҳсат берилади. Агарда арралаш, рандалаш ва тешишга тўғри келиб қолса тайёрланмани ўрнатмасдан дастьгоҳ салт ҳолатда турган вақтида юргазиб кўришдан олдин кескичлар мустаҳкамлигини ва кескирлигини текшириб кўриш зарур.

Дастьгоҳ юриб турган вақтида тайёрланмани ўлчаб кўриш, дастьгоҳдан олиш ва қайтариб қўйиш мумкин эмас. Фақатгина бу ишларни дастьгоҳни ўчиргандан сўнггина бажариш мақсадга мувофиқ бўлади. Дастьгоҳда ишлаш жараёнида оёқ тагида тахта панжаранинг мавжудлиги ва дастьгоҳда ҳимоя воситаларининг бутунлигига эътибор бериш лозим.

Иш ўрнининг тартибли, озода ва тоза сақлаш хом-ашёларни, тахта, ғўла, пайраҳа, қиринди ва чиқиндилар йигишида қўлқоп, ҳокандоз ва супурги билан ишлаш зарур. Тахталарни тилишда, йўнишда, рандалашда, арралашда қиринди ва чиқиндиларни бир жойга тўплаб қўймаслик, вақти-вақти билан қиринди ва чиқиндиларни маҳсус идишлар ёрдамида белгиланган жойларга чиқариб ташлаш лозим. Шунингдек, ишлаш жараёнида ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш зарур. Дастьгоҳларда ишлаш учун мавжуд қоидаларни ўзлаштирган ва риоя қиладиган талабаларгагина маҳсус дафтарга имзо чеккандан кейин руҳсат этилади.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**АХТА** – нақш ёки расмни қоғозга чизиб, чизик йўллари игна билан тешилиб тайёрланган андаза; нусха, улги.

**БОЛГА** – дурадгорлик, ўймакорлик, заргарлик ва ҳакказоларда ишлатиладиган ёғоч дастали асбоб.

**ВЕРТИКАЛ** (русча < лотинча> – 1). Тик чизик.

2). Пастдан юқорига ёки юқоридан пастга тик йўналган.

**ГАБАРИТ** (русча < французча>) – вагон, машина, иншоот ва шу кабиларнинг сиртки, энг чекка ўлчами.

**ГИГИЕНА** (русча < грекча>) – медицинанинг инсон организмига ташки мухитнинг турли факторлари таъсирини ўрганадиган ва шу асосда соғлиқни сақлаш чоралари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқарадиган бўлими.

**ГИГИЕНИК** (русча - *гигиенический*) – гигиенага оид, гигиена қоидаларига асосланган.

**ДАСТГОХ** (форс-тожикча) – дурадгорлик қурилмаси, станок.

**ДУРАДГОР** (форс-тожикча) – ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюм ясовчи хунарманд, ёғоч устаси; најжор.

**ДУРАДГОРЛИК** – ёғочсозлик хунари.

**ЖИЛВИР** – буюмларнинг сиртини силлиқлаб, сайқал, жило бериб пардозлашучун мослаб тайёрланиб юзаси қум билан қопланган пардоз қофози.

**ИЗОЛЯЦИЯ** (русча < французча>) – энергия манбани, энергия ўтказувчи сим, труба ва шу кабиларни ёки хона, асбоб ва шу кабиларни электр, иссиқ, нам ва шу кабиларни ўтказмайдиган материал билан ўраб, қоплаб қўйиш.

**КОНСТРУКЦИЯ** (русча-лотинча) – иншоот, механизм, асар ва шу кабиларнинг тузилиши, қисмларнинг ўзаро жойлашуви.

**НОРМА** (русча < лотинча> – 1). Расмийлаштирилган қонун-қоида.

2). Бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, микдори меъёри.

**НОРМАТИВ** (русча) – корхона фаолиятининг таннарх, меҳнат унумдорлиги ва шу кабилар бўйича норма кўрсаткичлари мажмуи.

**ПАРМА** (форс-тожикча) – айланма ҳаракат қилиб, тифи билан нарсаларни тешадиган асбоб.

**ПОДВАЛ** (русча) – бинонинг остидаги, ер юзасидан паст жойлашган хона ёки хоналардан иборат қисми; ертўла.

**РАЦИОНАЛ** (русча - *рациональный*) – мақсадга мувофиқ, тўғри, маъқул.

**САЛТ** – 1). Юксиз, беюк, енгил-елпи. 2). Нагрузкасиз, бекорга.

**САЛТ ҲОЛАТ** – дастгоҳнинг юргазилмасдан олдинги тинч ҳолати.

**СЛЕСАР** (русча) – металл буюмларни қўлда ишлаш, ясаш ва тузатиш бўйича мутахассис ишчи; чилангар.

**ТИФ** – пичок, устара, исказа, теша ва бошқа асбобларни чарх ёки қайроқ тош ёрдамида ўткирланган қирраси.

**ФИЗИОЛОГИК** (русча - *физиологический*) – физиологияга оид.

**ФИЗИОЛОГИЯ** (русча < грекча>) – тирик организмда юз бериб турадиган жараёнлар ҳамда унинг ҳаётий функциялари ҳақидаги фан.

**ФОН** (русча < французча>) – умумий ранг, кўриниш, орқа кўриниш, замин.

**ФРЕЗЕР** (арабча) – айланма ҳаракат қилиб металл ва ёғоч ашёларга ишлов берадиган кўп тишли кесувчи асбоб.

**ХОКА** (форс-тожикча) – махсус тайёрланган кукун. (Нақш ёки тасвирни ахтадан безатиладиган юзага ўтказишда фойдаланилиб юпқа латта ёки икки қават докага майдаланган писта кўмир ёки бўр кукуни солиниб халтacha ҳолида тугилган бўлади).

**ЧАРХ** (форс-тожикча) – кесувчи асбобларнинг тифини ўткирлайдиган, қайрайдиган асбоб.

**ҚАЙРОҚ** – пичоқ, устара, исказа, теша ва бошқа асбобларни қайраб, ўткир қиласиган тош.

**КИРОВ** - ўткирланган асбоб тифида қоладиган металл парчалари (у одатда қайроқ тошнинг узинасига бир маромда суртиш йўли билан тўкилади).

### **МАВЗУНИ МУСТАГКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ёғоч ўймакорлиги устахоналарини жиҳозлашда нималарга эътибор бериш керак?
2. Ёғоч ўймакорлиги устахоналарини безашда нималарга эътибор қаратиш зарур?
3. Устахонада ҳар бир талаба учун қанча майдон бўлса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?
4. ўрнатилган дастгоҳларнинг қатор оралигидаги масофа қанча бўлиши керак?
5. Устахонанинг ҳаво босими қишида қанча бўлса мақсадга мувофиқ бўлади?
6. Устахонанинг ҳаво босими ёзда қанча бўлмоғи лозим?
7. Гар бир талабанинг иш ўрни бир-биридан қанча узоқликда бўлиши керак?
8. Дастгоҳни юргазишдан олдин нималарни кўздан кечириб чиқиши зарур?
9. Устахонада табиий ёруғлик етарли бўлмаган ҳолларда қандай ёриткичлардан фойдаланиш керак?
10. Дастгоҳ юриб турганда нималар таъқиқланади?
11. Дастгоҳ тўхтаб тургандаги ҳолати қандай ҳолат дейилади ва шу ҳолатда нималарни кўздан кечиришга руҳсат берилади?
12. ўймани бажаришда қайси нақш элементларини кесишдан бошлаш керак?
13. Ёғоч ўймакорлиги устахоналарида рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил қўнгилсиз ходисаларни олдини олиш, шахсий гигиенаги риоя қилиш мақсадида устахона нималар билан таъминланган ва шарт-шароитлар яратилган бўлиши зарур?
14. Асбобларни чархлаш ва уни кировини тўкиш қандай амалга оширилади?
15. ўймакорлик устахоналарида дурадгорлик дастгоҳлари билан бирга яна қандай дастгоҳларнинг бўлиши талаб этилади?
16. Дастгоҳларни ишчи ҳолатга тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

### **ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР, АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.**

#### **I. ЁҒОЧ МАТЕРИАЛЛАР ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

қадимдан ҳар хил ёғоч материаллардан турли мақсадда фойдаланиб келинган. Дурадгорлик, ёғочсозлик, мебелсозлик, қурилиш, кемасозлик ва бошқа қатор касб-соҳаларда ёғочлардан кенг кўламда шу соҳага мос келадиган ёғочлар сараланиб, ундан ажойиб санъат асарлари, иншоотлар, меъморий обидалар бунёд этилган. Ёғоч ўймакорлигида ҳам ўймакор усталар ёғочни ўйишдан олдин унинг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ўрганиб чиқканларидан сўнггина ёғочни ўйиб нақш ишлаганлар.

Ёғоч ўймакорлиги машғулотларида ўймакорликда фойдаланиладиган ёғоч материаллари, уларнинг турлари, физикавий ва кимёвий хусусиятлари, заҳиралари ва бошқаларни билиш талабалар учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ёғоч материаллари турли жинсдаги дараҳтлардан олинадиган хом-ашё ҳисобланади. Чунки, бинокорликда, қурилишда, мебелсозликда ва ёғоч ўймакорлигида асосий хом-ашё сифатида ишлатиладиган ёғочлар турли дараҳтлар танасидан олинади. Дараҳт танаси ўзак, ёғочлик, шоҳлар, толалар ва пўстлоқлардан тузилган. Ёғоч хом-ашёси қуидаги гурухларга бўлинади:

- а) табиий хом-ашё;
- б) турли бузилишларга, чиришларга қарши антисептик моддалар шимдирилган ёғоч хом-ашёси;
- в) прессланган ёғоч хом-ашёси;
- г) елимланган ёғоч хом-ашёси;
- д) қатлам-қатлам ёғоч хом-ашёси;
- е) қатламли прессланган ёғоч хом-ашёси;
- ё) пластик ёғоч хом-ашёси (майдалangan қипик, пайраха ва қириндиларни органик ва минерал боғловчилар билан елимлиб, қайта ишлаб тайёрланади).

Ёғоч ўймакорлигида асосан 1-гурухга кирувчи, яъни, табиий ёғоч ходаларидан, ғўлаларидан олинадиган тахталар хом-ашё сифатида ишлатилади. Ёғоч материаллари табиий гулига, рангига, товланишига ва ҳидига қараб аниқланади.

Дараҳтлар бўйича қараб 3 гурухга бўлинади:

1. 35 метрдан баланд - чинор, терак, қора қайин, қарағай;
2. 25 метрдан 35 метргача - қайрағоч, ёнғоқ, оқ қайин, тол, қатранғи;
3. 25 метргача - заранг, четан, шумурт каби мевали дараҳтларга ҳамда буталарга бўлинади.

ўзбекистонда ёғочларнинг юмшоқ, қаттиқ ва жуда қаттиқ ходалари олинадиган нина баргли ва япроқ баргли турлари мавжуд.

Нина баргли дараҳтлардан олинадиган ёғочлар қурилишда, дурадгорликда, жумладан, ёғоч ўймакорлигида ҳам асосий материал сифатида кўпроқ ишлатилади. Чунки, нина баргли дараҳтлар таркибида смолали моддалари кўпроқ бўлганлиги учун у тез чириб кетмаслиги, намга чидамлилиги, баргли дараҳтларга қараганда кўплиги ва енгиллиги, унга ишлов бериш осонлиги, танасининг тўғрилиги, силликлиги, улардан олинадиган ходаларнинг кам бутоқлиги билан ўймакор усталарга кўпроқ қўл келади. Ёғоч ўймакор усталар ўз асарларини ҳар томонлама гўзал ва жозибадор чиқиши учун энг яхши ёнғоқ, қайрағоч, чинор, тут, арча, терак, ўрик каби маҳаллий дараҳтларнинг энг аъло навларини ишлатадилар. ҳозирги кунда маҳаллий дараҳтлардан олинган материаллар билан бир қаторда бошқа жойлардан келтирилган шамшод, эман, қарағай, арғувон, шумтол, зирк каби бошқа дараҳт ёғочлари ҳам ишлатилмоқда.

Ёғоч ўймакор усталар ўзлари яратиётган буюмларига қараб ёғоч материалларининг хусусиятлари, дараҳтларнинг турлари, ранги, ишлов берилшининг осон-қийинлиги ва

ишлов берилгандан кейин буюмларнинг сифатли чиқиши ва сақланишини билишлари учун ёғоч хом-ашёлари олинадиган дараҳтларни ўрганишларига тўғри келади.

**АРЧА** (русча - можжевельник) – ўзбекистоннинг тоғли жойларида ўсадиган дараҳтлардан бири бўлиб, у 1000 ёшгача яшайди. Пўстлоғи қалин, ранги кулранг, танасининг тузи қизғиши-пушти бўлиб товланади. Сербутоқ, кам смолали, пухта намга чидамсиз игна баргли дараҳт. Ундан қоғоз саноатида, мебеллар ва бошқа нарсалар ясашда фойдаланилади. Ёғоч ўймакорлигига қадимдан қўлланиб келинган.

**АРГУВОН** (русча - липа) – япроқ баргли дараҳт турига кириб, кам ёрилувчан, ёғочи юмшоқ, оқиши тусли бўлади. Унинг йиллик ҳалқаларини аниқлаш қийин. Арғувон кам чатнайди, тобланмайди, кесиш осон. ҳидсиз бўлганлиги учун ёғоч идишлар, бочкалар, сабзи тахталари, чизмачилик тахталари ясалади. Ёғоч ўймакорлигига арғувоннинг саксон-тўқсон йиллиги ишлатилади.

**БАҚАТЕРАК** – япроқ баргли дараҳт турига кириб, унинг пўстлоғи силлиқ, ранги оқ-кўкиш, танаси тўғри бўлмай сершох бўлади. Бақатеракнинг ёғочи оқиши тусли бўлиб, намга чидамсиз дараҳт ҳисобланади. У қурилиш ишларига, ўймакорлик, дурадгорлик буюмларини тайёрлашда ишлатилади. Ундан эшиклар тайёрлашда ва панжара тўқишида кенг қўлланилади.

**ЁНГОҚ** (русча - греческий орех) – япроқ баргли дараҳт турига кириб, унинг пўстлоғи кўкимтири, қалин, силлиқ, ёғочи қизғиши кул ранг тусли, қаттиқ ва оғир, қимматбаҳо ёғоч. Унинг танасини пастки қисмида пўстлоғининг чатноғи бор. Ёнгоқнинг табиий гули чиройли, ишлов бериш қийин бўлса-да яхши ўйилади ва яхши пардозланади. Унингтаркибида ёғ ва йод моддасининг мавжудлиги ёнгоқдан ясалган буюмларга ўзгача чирой ва жозиба бахш этади. Ундан қимматбаҳо мебеллар тайёрлашда ва ёғоч ўймакорлигига кенг-кўламда ишлатилади.

**ЗАРАНГ** (русча - клён) – қаттиқ ёғоч турига кириб, у қорамтири қизғиши рангли, зич, пухта, механик хоссалари жиҳатидан эмандан устун туради. Табиий гуллари чиройли бўлиб, ўзгача бир чирой касб этади. Йиллик ҳалқалари бир оз билинади, ишлов берилиши бир оз қийин, яхши ўйилади ва пардозланади. Зарангнинг қуш кўзига ўхшаш табиий гулларининг чиройи бошқа ёғочлардан ажратиб туради. Ёғоч ўймакор усталари унинг қуш кўзига ўхшаш гулларини ҳисобга олиб қуш кўзи деб ҳам айтадилар. Ёғоч ўймакорлигига, мебелсозликда заранг хом-ашёларидан тайёрланган буюмлар қимматбаҳо ҳисобланади. У машинасозлик корхоналарига ҳам ишлатилади.

**ЗИРК** (русча - ольха) – унинг икки тури мавжуд бўлиб, оқ зирк ва қора зирк деб юритилади. Оқ зиркнинг пўстлоғи тиник ҳамда силлиқ бўлади. қора зиркнинг пўстлоғи қорамтири тусда бўлиб, қалин, чатнаган бўлади. Зирк намга чидамлик, бўёқни яхши олади, ёғочи оқиши, очиқ ҳавода тез қизариб кетади. Юмшоқ йиллик ҳалқлари кўзга тез ва яққол ташланади. ўйилиши ва пардозланиши қийин. Ундан арzon мебеллар ва фанерлар тайёрлашда ишлатилади, чунки унга тез қурт тушади.

**МИРЗАТЕРАК** (русча - тополь) – япроқ баргли дараҳт турига кириб, пўстлоғи сарғиши, кам чатнаган ва силлиқ бўлади. У кам шохли, танаси тик ва тўғри, ёғочи оқ тусли, намга чидамсиз бўлади. Мирзатерак ўймакорликда ва ёғоч ўймакорлигига кенг ишлатилади.

**НОҚ** (русча - груша) – баргли, мевали, қалин пўстлоқли, чатнаган бўлади. Нокнинг ёғочи тўқ жигарранг, мўрт, қаттиқ, йиллик ҳалқалари билинар-билинмас. Унинг ходаларидан гул босадиган қолиплар, рандаланган фонерлар ва қимматбаҳо мебеллар тайёрланади. ўймакорликда ишлатилади.

**ОҚ ҚАЙИН** (русча - берёза) – япроқ баргли дараҳт турига кириб, унча қалин бўлмаган оқиши пўстлоғи палаҳса-палаҳса ёрилган бўлади. Унинг ёғочи қаттиқ, оқиши тусли, ёғочига ишлов бериш қийин, йиллик ҳалқалари билинар-билинмас, намга чидамсиз, ўйилганда ўта сифатсиз чиқади, лекин яхши пардозланади. Танасида смола ва ёғнинг

йўқлиги сабабли толалари қовушоқ эмас. Асосан оқ қайниндан фанерлар, мебеллар, эгри чизиқли ёғоч деталлар ва бошқалар тайёрлашда ишлатилади. У ёғоч ўймакорлигига кам ишлатилиб дурадгорлик ва қурилишда кенг ишлатилади.

**ОҚ ҚАРАҚАЙ** (русча - пихта) – пўстлоғи юпқа, силлиқ, кулранг тусда, юмшоқ, енгил, осон ишланади, бироз қорамтири доғли, ёғочи оқиш тусда бўлади. У майдада кўзли, кам ёғ ва кам смолали, ҳиди йўқ, намга чидамсиз дараҳтлар сирасига киради. Оқ қарағай кўпроқ чолғу асбобларини ясашда, асосан қурилишларда ишлатилади. Ёғоч ўймакорлигига қисман ишлатилади.

**ТИЛОҒЧ** (русча - лиственница) – игна барглилар турига киравчи ушбу дараҳт ўта оғир, ёғочи каттиқ, қорамтири-сарғиши рангли бўлиб, чиройли кўринишга эга. Тилоғоч намга чидамли, қарағай дараҳтига қарагандага 30% мустаҳкам. У ортиқча ёғли ва смолали, ўйилиши бироз қийинроқ бўлса-да, чиройли пардозланади. Пўстлоғи қалин, йиллик ҳалқалари аниқ кўринади, ёғочи майин қатламли. Тилоғоч ортиқча ёғли ва смолали бўлганлиги учун тез чиришининг олдини олади, иссиқда ўйма юзасидан смоласи қўйилиб оқиб чиқади ва ўйманинг сифатини бузади. Шу ва шу каби томонлари уни ёғоч ўймакорлигига кам қўллашга олиб келади. У асосан қурилишда ишлатилади.

**ТОҒ ТЕРАГИ** (русча - осина) – япроқ баргли дараҳт, пўстлоғининг ранги сарғимтири, юпқароқ, танасининг пастки қисмларида чатноғи бўлади. Тоғ тераги юмшоқ ёғочлар турига киради, ёғочига ишлов бериш осон, енгил, танаси оқиш-сарғимтири тусда, намга чидамсиз, йиллик ҳалқалари аниқ кўринади. Ундан турли-туман ўйинчоқлар, идишлар, гугурт қутилари ва доналари, фанер, ҳар хил буюмлар тайёрланади. қурилишда, эшик ва ромлар ясашда фойдаланиш мумкин. Ёғоч ўймакорлигига намга чидамсизлиги ва жуда тез чириганлиги учун кам ишлатилади.

**ЧИНОР** (русча - платан) – япроқ барглилар турига киравчи ушбу дараҳтнинг пўстлоғи қизғиши-сарик тусли, танасининг ранги қизғиши-қорамтири, кўп шохли, мустаҳкам ва қаттиқ, пишиқ-пухта, юпқа, силлиқ. Чинордан олинган ёғоч материалларига ишлов бериш қийин, ёғочида табиий атлассимон гуллари бор, локланганда ўзгача бир чирой ва жозиба бахш этади. Ёғоч толалари бетартиб бўлганлиги боис ўймакор устадан маҳорат ва синчковликни талаб этади. ўйилганда ўйма сифатли ва пардози нафис чиқади. Чинордан қимматбаҳо мебеллар ва рандалангандаги фанерлар тайёрланади. Ёғоч ўймакорлигига кенг-кўламда ишлатилади.

**ШУМТОЛ** (русча - ясень) – япроқ баргли, кам ёрилувчан, қовушоқ ёғочли, оч қизғиши рангли, мустаҳкам, пухта, пишиқ, табиий гули чиройли ва эгилувчан дараҳт. Унинг ёғочига ишлов бериш қийин, силлиқ рандаланади ва пардозланади. Йиллик толалари аниқ кўринади, буғланганда эса яхши эгилувчан бўлади. Шумтолнинг ёғочидан олинган материаллар фанер тайёрлашда, вагонсозлиқда, самолётсозлиқда, кемасозлиқда қўлланилади. Унинг ёғочидан ҳар хил асбоб дасталари, спорт буюмлари тайёрланади. Ёғоч ўймакорлигига кенг фойдаланилади.

**ЎРИК** (русча - урюк) – япроқ баргли дараҳт. Мевали, танаси қорамтири қизғиши, қаттиқ ва мустаҳкам. Унинг ёғочидан ҳар хил майда буюмлар, лаух, қутичалар тайёрлашда ва инкрустация ишлашда фойдаланилади. Ёғоч ўймакорлигига кенг ишлатилади.

**ҚАРАҒАЙ** (русча - сосна) - игнабарглилар турига киравчи ушбу дараҳтнинг пўстлоғи қалин, тўқ жиггаранг тусда бўлади. Унинг ёғочи пухта, енгил, смолали, оқ-қизғиши, намга чидамли дараҳт. қарағай тик ва тўғри ўсади, унинг баландлиги 30-40 метрларча, ёши 120-150 йилгача бўлади. Унинг йиллик ҳалқалари аниқ кўринишиб ўзига хос кўринишга эга. қарағай юмшоқ ёғоч бўлиб, уни ёриш, арралаш, рандалаш, елимлаш, бўяш, локлаш, ишлов бериш осон. У кемасозлиқда, қурилишда, мебел ишлаб чиқаришда ва дурадгорликда ишлатилади. Ёғоч ўймакорлигига монументал ишларда кенг кўламда ишлатилади.

**ҚОРА ҚАЙИН** ( русча - бук) – япроқ барглилар турига киравчан ушбу дарахтнинг танаси сарғиши-қизғимтири тусли, товланадиган тиник, ёғочи оғир, қаттиқ, қовушоқ бўлса-да намга чидамсиз. Унинг ходаларини радиал қирқими бўйича чиройли, табиий гулли, йиллик ҳалқалари йирикроқ ва аниқ кўринади. қора қайн эгилувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги учун фанерлар, мебеллар ясашда, чизмачилик асбоблари тайёрлашда қўл келади. қаттиқ ва мустаҳкам бўлганлиги учун ёғоч мих, паркет полини ишлашда кенг-кўламда фойдаланилади. Ислимий нақшлар қора қайн ёғочидан жуда нафис ва чиройли чиқади. қора қайн ёғоч ўймакорлигига кенг кўламда ишлатилиб, асосан 100-105 ёшга киргандаридан фойдаланилади. Бу ёғочдан ясалган буюмлар пардозланиб локланганда ажаб бир чирой бахш этади.

Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган турли хом-ашёлар ўзининг пишиклиги, нуқсонсизлиги, қурт емаганлиги, рангининг тиниклиги, мустаҳкамлиги, локланса янада гўзал товланиши, кўп йиллар давомида ёрилмаслиги, буралмаслиги, намга чидамлилиги, пардозланиши, ўйишда қўпорилмаслиги ва шунга ўхшаш ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ясалаетган буюмга мос келадиган материаллардан танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ёғоч хом-ашёсида табиий гўзаллик, чирой ясалган буюмга ўзгача бир жозиба бағишлайди. Шу ва шу каби сифатларни инобатга олган усталар ёғоч хом-ашёсига буюм ясашдан аввалроқ ишлов бериб, йиллар давомида тайёрлаб келганлар.

қадимда ота-боболаримиз ёғоч хом-ашёларини табиий ҳолда қуритиш, турли бузилишлардан сақлаш мақсадида турли тадбирларни қўллаганлар. Чунончи, ёғоч хом-ашёси кесилиб хода ҳолига келтирилгач. унинг пўстидан тозалаб, кесилган томонига ёғли қофоз маҳсулотидан елимлаганлар ва сувли ҳовзага ташлаб 3-5 йил саклаганлар. Сўнгра сувдан олиб куёш нури тушмайдиган қоронги жойда 5-10 йил қуритилган. Ёғоч хом-ашёсида табиий гўзаллик ҳосил қилиш учун ходалар қуригандан сўнг тахта ҳолига келтирилиб уни самон остига кўмилган. Самоннинг қизиши натижасида ёғоч хом-ашёсида табиий ранглар ва гуллар ҳосил бўлган. Шу ва шу каби усувларда тайёрланган ёғоч хом-ашёларидан ясалган буюмларда ҳосил бўлган табиий ранглар ва гуллар локлангандан сўнг ўзгача бир гўзаллик, чирой ва жозиба касб этади.

## II. ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Ёғоч ўймакорлигига асосий иш қуроли исканалар бўлиб, улар тузилиши ва бажарадиган вазифалари жиҳатидан турлича бўлади. Исканалар икки турга бўлиниб й ў н у в ч и исканалар ва ў ю в ч и исканалардан иборат (22-расм). Йўнувчи исканалар қўл кучи билан йўниб ишланадиган, ранда билан ишлашнинг имконияти бўлмаган жойларга ишлов беришда фойдаланилади. ўювчи исканалар эса ташки куч таъсири остида ишлатилади, яъни болға билан уриб ишлатилиб, бу исканалар ёрдамида ёғочларни тешишда, уйчалар ҳосил қилишда, қулоқчалар очишда, асосан ўйма безакларни бажаришда фойдаланилади.

Йўнувчи исканалар билан ўювчи исканалар бир-биридан ташки кўриниши жиҳатидан, яъни дасталарининг бир ёки икки томонидан ҳалқаси бўлиши, ўткирлик бурчаклари билан фарқ қиласи. Йўнувчи исканаларга ташки куч таъсири этмайдиган бўлганлиги учун факат дастасининг паски томонида ҳалқача қўйилади ҳамда ўткирлик бурчагининг кичик бўлиши билан ажralиб туради. Чунки, унинг йўнувчи пичноғи юпқа бўлади. ўювчи исканаларнинг эса кесувчи пичноғининг қалинлиги, ташки куч таъсирида дастасининг ёрилиб, титилиб кетмаслигини олдини олиш, узоқроқ ишлашини таъминлаш мақсадида ички томонига темир ҳалқачалар қуйилади.

Исканаларнинг дастаси пишиқ ёғочлар, яъни қора қайин, қайрағоч, заранг, ёнғоқ, ўрик, шумтол ва бошқа дараҳт ёғочларидан тайёрланади. Исканалар ёғоч тўқмоқ билан уриб ишланади. Шунинг учун ҳам исканаларнинг дастаси пишиқ ёғочдан ёки пластмассадан тайёрланмоғи лозим. Пластмассали дасталар ташки кучга таъсирли, ёрилишга чидамли бўлиб, болға билан урганда ёрилиб кетмайди.

Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган исканалар махсус асбоб тайёрлайдиган чилангар усталар тайёрлаганлар ёки усталарнинг ўзлари ясаганлар. Хозирда ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган исканалар металсозлик корхоналарида тайёрланади. Йўнувчи ва ўювчи исканаларни чархлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Исканалар бир томонга қараб, ўзига хос ўткир бурчак остида чархланиши лозим.

Йўнувчи ва ўювчи исканаларнинг бир неча хиллари бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: оддий тўғри искана, замин искана, нова искана, балиқ сирти искана, ковза искана, куракча искана, морпеч искана, чекма искана,чув искана, қингир искана ва бошқаларни ташкил этади. Исканалар ўзининг тузилиши ва кўринишига қараб турлича вазифаларни бажаради.

**Оддий тўғри искана** – тўғри стержен кесгичли бўлиб, тифининг энига қараб кичкина, ўртача ва катта бўлади. Оддий тўғри искана тифининг эни 1,7 мм дан 30 мм гача бўлади. Мазкур искана йўнишда ва ўйишда ишлатилиб, купинча гириҳ, тули гириҳ нақшларини кесишида ва заминини ўйишда, текислашда ишлатилади.

**Куракча искана** – кесадиган тифининг учи бир томонга қия ҳолатда бўлиб, у куракча кўринишда бўлади. Куракча исканалар катта-кичиклигига қараб турлича бўлади. Куракча исканалар энсиз занжира, ҳошия нақшларини ўйишда, заминсиз ўймани бажаришда ишлатилади. Йўнувчи ва ўювчи бу асбоб билан ишлашда искананинг стерженини ўнг қўлда, дастасини чап қўлда ушлаб, тасвир ёки нақш чизиғини устидан керакли чуқурликда санчган ҳолда ўймакор уста ўзи томонга тортиб кесиб боради.

**Замин искана** – ўйманинг заминини ўйиб олишида ишлатилилади. Замин искананинг эни 2 мм дан 10 мм гача бўлади.

**Балиқ сирти искана** – тифи ботиқ, камалаксимон қўтарилиганди, балиқ қовурғаси шаклида бўлиди. Ушбу искана балиқ тангалари кўринишидаги ўймаларни амалга оширишда ишлатилиб, ўймага ўзгача кўрк баҳш этади. Балиқ сирти искана кескичининг эни 4 мм дан 19 мм гача, катта-кичиклигига қараб унинг кичик, ўртача ва катта турлари бўлади.

**Морпеч искана** – ўйманинг четларидаги ҳошия, занжира, ярим доиралар ва нукталарни чиқаришда қўлланилади.

**Чекма искана** – ўйилган нақш заминини патир юзасига ўхшатиб чекмалаб ўйиб чиқишида ишлатилади. У ўйилган нақшларни аниқ кўриниши, заминини бир текисда чиқиши ва ўзига хос бадиий кўринишини таъминлаш учун ишлатилади. Ишлатиш жойига қараб бир тишли, уч тишли, беш тишли, ўн олти тишли чекма исканалар бўлади.

**Чекма қалам** – ўйма нақшнинг заминини чакичлаб чиқиш учун ишлатиладиган асбоб. Бу асбоб ёғоч банддан ва узун темир стежендан иборат. Чакичлар бир қаторли, икки қаторли ва уч қаторли бўлиб, ҳар бир қаторида 2, 3, 4, 5 ва ҳакказо бўртма тишли бўлиши мумкин. Чекма қаламда чакичланган нақш аниқ, майин ва янада нафис кўринишига эга бўлади.

### III. ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЁРДАМЧИ АСБОБЛАР.

Ёғоч ўймакорлигига буюмларни ўйиб безашда асосий асбоб-ускуна, яъни исканалардан ташқари ёрдамчи асбоблар ҳам керак бўлади. қалам, циркуль, чизғич, жилвир қоғози, кнопка, дурадгорлик дастгоҳлари, болға, елим ва бошқалар шулар жумласидандир.

**ҚАЛАМ** (арабча) – ўртасига ингичка, узун кўмир, графит, қўрғошин, қуруқ бўёқдан қилинган қотишма жойланган чўп шаклидаги ёзув асбоб. қалам асосан ёзиш, расм солиш ҳамда чизмачилик учун ишлатилади. ўрта Осиёда ҳаттотлар сиёҳ билан ёзиладиган қамишлардан фойдаланганлар. Чех олими Й.Грахмут майдаланган графит ва гил аралашмасидан ёзув стерженлар тайёрлашни таклиф қилиб, ишлаб чиқаришга асос солган. Ёғоч қаламлар ишлаш жойи ва ҳусусиятига қараб графитли, рангли ва бошқаларга бўлинади, шунингдек улар жойига қараб ишлатилиши билан ҳам ажралиб туради. Графит қаттиқ ва юмшоқлигига қараб уч турга бўлинади. қаттиқ қатламлар Т, 2Т, 3Т, Н, 2Н, 3Н; юмшоқ қаламлар М, 2М, 3М, 4М ёки В, 2В, 3В; ўртача юмшоқликдаги қаламлар ТМ, НВ, F ҳарфлари билан белгиланади.

**ЧИЗГИЧ** (русча - линейка) – тўғри чизик чизиш учун ишлатиладиган силлиқ асбоб бўлиб, ўқув ва идора ишларини бажаришда фойдаланилади. Чизғич ўлчаш ёки ҳисоблаш учун ишлатиладиган сантиметр ва миллиметрларга бўлинган бўлади.

**ПАРГОР** (русча - циркуль) – бир учи шарнирли бириктирлган икки ёқли чизмачилик асбоби бўлиб, бир учида қалам стержен, иккинчи учида нина стержен ўрнатилган бўлади. Бу асбоб ўлчаш, айлана ва ёйлар чизиш учун ишлатилади.

**ЎЧИРГИЧ** (русча - резина) – ёзилган ёки чизилган нарсани ўчириш учун ишлатиладиган маҳсус резина бўлаги. У нақш композациялар чизишида ортиқча чизиқларни ўчириш учун кўлланилади. қаламда чизилган чизиқларни юмшоқ оқ ёки кўк ўчирғичда, сиёҳ ёки туш билан чизилган чизиқларни эса таркибида майдаланган қуми бўлган қизил ўчирғичда ўчирилади.

**КНОПКА** (русча - голландча) – кенг қалпоқчали, босма михча бўлиб, қоғоз, мато ва шу кабиларни қаттиқ нарсага маҳкам қадаб қўйиш учун ишлатилади.

**ЖИЛВИР ҚОҒОЗ** – буюмларнинг сиртини силлиқлаш, сайқаллаш, жилолаш учун ишлатилиб қайроқ қум қоплаган қоғоз ёки мато ҳисобланади. Шунингдек, табиий ва сунъий абразив материаллар, яъни тоғ жинслари кварц, қум, корунд, шиша, гемотит ва бошқаларни майдалаб мато ёки қоғозга ёпиштириб тайёрланган маҳсус материал. Жилвир қоғозлари майда ёки йирик донали бўлади. Жилвир доначаларига қараб 12, 16, 20, 24, 36, 60 ва ҳаказо номерли бўлади.

Маълумки, ёғоч ўймакорлигига ёғочларнинг ишлов беришга тайёрлашда турли елиmlардан фойдаланилади.

**ЕЛИМ** (форс - тожикча) – суюқланган юқори молекуляр анорганик ва органик моддалар ёки уларнинг эритмалари бўлиб, турли материалларни бир-бирига ёпиштириш учун ишлатилади.

Елимлар табиий, сунъий ҳамда резина елимларга бўлинади.

**Табиий елимлар** – ҳайвонлар (сүяқ, сут, тери, пай ва бошқа) ва ўсимликлар (дараҳтлар ширалари, крахмал қипиқларни қайта ишлаш натижасида) маҳсулотларидан олинади. Намлика анча чидамсиз.

**Сунъий елимлар (смолалар)** – полимерлар эмультацияси, шунингдек, эритувчи қўшилган ва қўшилмаган смолалар бирикмаларидан иборатdir. Турли материаллар, шиша, пластмасса, металл, чинни, пенопласт, сүяқ, қоғоз ва бошқаларни бириктиришда кенг кўламда ишлатилади. Иссиқ, совуқ, намлик, ишқаланиш, эгилиш, букилиш ва силжиш кучланишларига яхши чидайди.

**Резина (каучукли) елимлар** – ўз ўрнида табиий ва синтетик йўл билан олинадиган турларга бўлинади. Ушбу елимларнинг табиий йўл билан олинадигани каучук дарахти смолосидан, синтетик йўл билан олинадигани эса резинали бирималарнинг эритувчиларда (бензин, керосин, спиртдаги) эриган қўринишидир. Турли жинсдаги материалларни, масалан, ёғочни цементга, металлни шишага, газламани пластмассага биректиришда ишлатилади.

Ёғочсозликда, дурадгорликда, ўймакорликда қўпинча ҳайвон елимларидан казеинли елимлар ишлатилади. Намлика чидамли казеин (лот-касгес-пишлок) – мураккаб оқсил бўлиб, кимёда фосфопротеид тузилишини намоён қиласди. Сутнинг ивиши жараёнида унинг таркибидаги казеиногендан ҳосил бўлади. Тузли, ишқорли мухитда эриди.

Ёғоч ўймакорлигига тахталарни ўймакорликка тайёрлашда бир-бирига биректирилиб, ўйиладиган буюмнинг асоси тайёрлаб олинади. Тахталарнинг ўйиладиган юза қатлами силлиқланиб, тобга келтирилади. Аввалига майда тишли аррада арраланади, кейин эса майнин буррада арраланади. Текис килиб рандаланади ва бир-бирига теккизиб, майда тиркишлари йўқлигига ишонч ҳосил қилинади, шундан сўнггина тахталар бирлаштирилиб, пардозланади. Пардозлашда майда қумли жилвир қофоз, баҳмал билан артилади. Шундан сўнг елимлаш жараёни амалга оширилади ва тахталар биректирилади. Ёпиштирилаётган юза оралиғида қиринди ёки бўшлиқ қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир-бирига бир неча марталаб ишқалаб юборилади.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**АБРАЗИВ** (русча < французча) – метал, ойна, ёғоч ва шу кабиларнинг юзини силлиқлаш, жилолаш, пардозлаш, шунингдек асблорни чархлаш учун ишлатиладиган майда заррали жуда қаттиқ модда.

**АНТИСЕПТИК** (русча - *антисептический*) – антисептикага оид, заарсиз, юқумсиз қиласидиган.

**АНТИСЕПТИКА** (русча < грекча) – микробларни ўлдирадиган кимёвий моддалар воситасида заарсиз, юқумсиз қилиш.

**АСБОБ** (арабча) – иш қуроли мослама; дурадгорлик, ўймакорлик, кандалкорлик, чилангарлик ва бошқаларда бирор иш бажаришда фойдаланилади.

**ГИЛ** (форс - тожикча) – 1). Чинни буюмлар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой, каолин.  
2). Умуман лой, тупрок.

**ГРАФИТ** (русча < грекча) – 1). Углероднинг бир тури, тўқ кулранг ёки қора тусли минерал (қалам ва ўтга чидамли буюмлар ясаш учун ишлатилади).

2). қаламнинг шу минералдан ясалган ёзадиган қисми.

**ИНКРУСТАЦИЯ** – нақш, қуроқ нақш, терма нақш, қадама нақш.

**ИСКАНА** (форс - тожикча) – ёғоч тахтани ўйиш, йўниш, тешиш учун қўлланиладиган, уни япалоқ ўткир пўлат тифли асбоб.

**КАОЛИН** (русча < хитойча) – чинни ишлаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларида ишлатиладиган ўтга чидамли чўзилувчан оқ лой.

**МИНЕРАЛ** (русча < французча) – ер таркиби қобигида учрайдиган табиий кимёвий бирекма ёки элемент.

**МОДДА** (арабча) – жисмларни ташкил қилган нарса.

**ОРГАНИК** (русча) – 1). Узвий бирор нарсанинг ажралмас бир қисми, у билан чамбарчас боғланган.

2). Углерод бирикмалари, мода.

**ОШИҚ-МОШИҚ** (арабча) – эшик, дераза каби нарсаларни ўрнатиш ва уларни очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган металл буюм.

**ПАЙРАХА** – ёғочни чопганда, рандалаганда ҳосил бўладиган палахса чиқинди.

**ПАРДОЗ** (форс-тожикча) – нарсалар сиртини бўяш, силлиқлаш ва шу каби йўллар билан уларни чиройли, кўркам қилиш ва шундай ишловнинг ўзи; буюм сиртига охирги ишлов бериш.

**ПЛАСТИК** (русча - *пластический*) – 1). Пластикага, ўймакорликка, хайкалтарошликка оид.

2). Босим остида ҳар қандай шаклга кира оладиган ва босим тўхтагач шу шаклини сақлаб қоладиган.

**ПЛСТИКА** (русча < грекча) – санъатда ҳажмли шакллар яратишида уйғунлик, ифодалилик; таъсирчанлик.

**ПРЕСС** (русча < лотинча) – материални босим билан (босиб, сиқиб) ишлайдиган машина, исканжа.

**ПРЕССЛАНГАН** – пресс билан ишлов берилган, босиб жойланган, тахланган, исканжаланган.

**РАДИАЛ** (русча) – радиус бўйлаб кесилган, йўналган, тарқалган.

**РАНДА** (форс - тожикча) – ёғоч ва тахталарни текис қилиб йўниш, силлиқлаш учун ишлатиладиган ўртасига пўлат тиф ўрнатилган дастали дурадгорлик асбоби.

**САРРОВ** (форс - тожикча) – бинонинг икки ён деворига, тўсинлар остидан солинадиган ёғоч.

**СТЕРЖЕН** (русча) – металл ва бошқа материаллардан тайёрланган таёқча детал.

**ТИФ** (форс - тожикча) – пичоқ, устара, исказа, теша ва бошқа асбобларни чарх ёки қайроқ тош ёрдамида ўткирланган қирраси.

**ФОСФОПРОТЕИД** – мураккаб оқсиллар, уларнинг таркибига оқсил полипептид занжиридаги аминокислота қолдиқлариiga бириккан фосфорил гурух. Фосфорил гурух одатда фосфопротеид молекулаларига СЕРИН ва ТРЕОНИН аминокислоталари қолдиқлари орқали бириккан бўлади.

**ХОДА** (форс - тожикча) – катта дарахтларнинг бутоқлари, шох-шаббалари кесиб ташланган пояси, танаси; узун ёғоч.

**ХОМАШЁ** (форс – тожикча + арабча) – саноатда қайта ишланадиган дастлабки материал.

**ЧАТНАГАН** – дарз кетган, ёрилган.

**ҚАТЛАМ** – маълум қалинликдаги ёйик нарсалар қавати.

**ҚАТЛАМ – ҚАТЛАМ** – бир неча қатламдан иборат бўлган.

**ҚИПИҚ** – ёғоч, темир каби нарсаларни арралаганда ёки эговлаганда ҳосил бўладиган майда заррачалар.

**ҚЦИРИНДИ** – йўниш, рандалаш натижасида ҳосил бўладиган юпқа лента ёки қипиқ шаклидаги чиқит.

**ҚОВУШОҚ** – юқори қовушқоқлик хоссасига эга бўлган; қовушқоқ, ёпишқоқ.

**ҒҮЛА** (форс - тожикча) – ходадан кесиб олинган бўлак.

## **МАВЗУНИ МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган ёғочлар дараҳтларнинг қайси қисмидан олинади?
2. Дараҳт танаси қандай қисмларга бўлинади?
3. Ёғоч хом-ашёси қандай гурухларга бўлинади?
4. Ўймакорликда қайси ёғоч хом-ашёсидан фойдаланилади?
5. Дараҳтлар бўйига қараб неча гурухга бўлинади?
6. Ёғоч ўймакорлигига қайси дараҳтлардан олинган ёғочлардан фойдаланилади?
7. Дараҳтларнинг қандай турлари мавжуд?
8. Исканалар неча турга бўлинади?
9. қандай исканаларга йўнувчи исканалар дейилади?
10. қандай исканаларга ўювчи исканалар дейилади?
11. Исканалар бажарадиган вазифаларига қараб қандай хилларга бўлинади?
12. ўйма нақшнинг замини қайси искана ёрдамида текисланади?
13. Чекма искананинг вазифаси нималардан иборат?
14. Исканаларнинг дастаси қандай материаллардан тайёрлангани мақсадга мувофиқ бўлади?
15. Ёғоч ўймакорлигига қандай ёрдамчи асбоблар ишлатилади?
16. Елимнинг қандай турлари мавжуд?
17. ўймакорликда елимнинг қайси турларидан фойдаланилади?
18. Ёғочни ўймага тайёрлаш учун бир-бирига ёпиширишда нималарга эътибор бериш керак?

## **ЗАНЖИРА НАҚШ КОМПОЗИЦИЯСИ ТУЗИШ ВА ЎИШ**

Ёғоч буюмларини безашда, у кичик ҳажмдаги уй-рўзғор буюмлари бўладими ёки монументал ёғоч ўймакорлиги бўладими композицияда асосий нақш билан рутани ингичка ҳошия нақш боғлаб туради. Бу нақшларни занжира нақши дейилади.

Занжира оддий шаклларни такрорланишидан хосил бўладиган занжирсимон нақшdir. Занжирани ўйишда заминсиз ўйма қўлланилиб, уни ўйишдан мақсад исканани қўлда тўғри ушлаш ва қўзда чамалаб тўғри чизиқ, текисликларни бир текисда, бир ҳилда ўйишни ўрганишдан иборат. Кўп ҳолларда ҳандасий бўлиб келган ушбу нақшни ёғоч ўймакорлигининг алифбоси дейиш ҳам мумкин. Чунки, уни ўйиш жараёнida ёғоч материаллар, унинг юмшоқ ёки қаттиқлиги, толаларининг йўналиши, исканалардан амалда фойдалана олишни ўргатади.

Занжира нақши нафақат ёғоч ўймакорлигига, балки ганчкорликда, тош, мармар ва бошқа металл ўймакорликларида, наққошлиқда, зардўзликда, кулолчиликда, каштадўзликда ҳам кенг тарқалган. Занжиранинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар қайси мақсадда ва қай ўринда фойдаланилаётганидан келиб чиқкан ҳолда танланади. Занжира нақшлари чизилиш характеристига ва тузилишига қараб номланади. Масалан: рафтормон занжира нақшидан ташкил топган бўлса “Занжираи рафтор”, ўсимликсимон нақш элементларидан ташкил топган бўлса “Ислимий занжира”, айлана шаклидаги занжира нақшини “Айланма занжира”, ари ини шаклига ўхшатиб ўйилган занжира нақшларини “Ари занжира”, гул

шаклида ўйилган энсиз, заминсиз ҳошия нақшларини “Гул занжира”, лола шаклидан ташкил топган энсиз ҳошия нақшларини “Лола занжира”, ғишт шаклини эслатувчи занжира нақшларини “ғишт занжира”, учбурчак шакллардан ташкил топган бўлса “Учбурчак занжира”, елпифич шаклидаги занжира нақшини “Елпифич занжира”, қор тасвири акс этган занжира нақши бўлса “қор занжира”, тўлқинсимон шакллардан ташкил топган бўлса “Тўлқин занжира”, барг кўринишидаги занжира нақшларига “Барги занжира” ва ҳокказо номлар билан аталади.

ҳар қандай амалий санъат асарларига назар солмайлик, албатта атрофидаги рамкага кўзимиз тушади. Агарда рамка бўлмаса нақш композициясида ёки буюмда нимадир етишмаётгандек бўлади ва нақш композициясидаги камчилик кўзга ташланади. Одатда ўймакор усталар рамка ўрнида занжира нақшларидан фойдаланадилар. ўйма четига занжира танлашда алоҳида эътибор билан танлашни тақазо этади. Чунки, йирик танланса нақш композициясини қўримсиз қилиб қўяди ёки майда танланса занжира оддий чизиққа ўхшаб кўриниб қолиши мумкин.

Занжира нақшини танлашда ўйма нақш композициясининг мазмуни ва туридан келиб чиқкан ҳолда танлаш зарур. Халқ усталарининг ижодига мурожаат қиласиган бўлсак тошкентлик ўймакор уста Максад қосимов йўл ичидаги ислимий нақш композицияларига “ғилдирак занжира” дан, гўзал ва жозибадор қилиб ясалган ва ислимий нақш композициялари билан безатилган курси, кути, портсигар ва тош ойна учун ясаган тагликларида эса “Барги занжира”, “Тўлқин занжира”, “Учбурчак занжира”, “Тўртбурчак занжира” ва бошқа турларидан фойдаланган.

Занжира содда бўлса-да жозибали кўринишга эга. Хандасий шакллар ўйилганда ёруғ, соя ва ярим соялар ўзига хос нафис кўринишга эга бўлиб, кишида ажойиб таассурот ҳосил қиласиди. Занжирадаги ёруғ, соя ва ярим соялар жуда чиройли кўринади, дид билан ўйилган занжира нақшлари киши кўзига ҳудди ҳаракат қилаётгандек бўлиб кўринади.

Занжира нақши ҳам кўпинча ҳандасий бўлиб, геометрик шакллардан ташкил топади. Бунга мисол қилиб учбурчак занжира, тўртбурчак занжира, бешбурчак занжира, олтибурчак занжира, елпифич занжира, қўш елпифич занжира, айлана занжира, ғишин занжира, ғилдирак занжира ва ҳакказоларни келтиришимиз мумкин. ҳандасий занжира нақшларини тузишнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, наққош-устадан геометрия, математика, чизмачилик, чизма геометрия, перспектива каби фанларни билиш талашиб этилади.

Оддий занжира нақш композициясини чизиш учун авввло 4 см дан параллел тўғри чизик чизилади ва 2 см дан тенг бўлакларга бўлиб чиқилади (23-расм). ҳосил бўлган ҳар бир тўғри бурчакдан диоганал чизик тортилади ва ушбу чизик тўлқинсимон кўринишда давом эттирилади. Кейинги босқичда эса туташтирувчи тўғри чизик тортилмаган ҳар бир марказдан дастлабки тортилган параллел чизик томонидан 1 см дан ўлчаб белгиланади ва ушбу нуқтадан марказни туташтирувчи тўғри чизик чизилади. Ёрдамчи чизикларни ўчириб чиққандан сўнг оддий занжира нақши ҳосил бўлганини кўрамиз.

Нақши чизиш давомида ҳар бир ўлчам аниқ олинишига эътибор қаратиш лозим. Дид билан бажарилган ҳар қандай иш кишининг рухини кўтаради, кайфиятини чоғ қиласиди. Кишининг бажараётгандан ишидан кўнгли тўлган тақдиридагина ишида сифат бўлади, унум бўлади. Зеро нақш гўзаллик тимсолидир.

ҳар қандай амалий санъат асарларини олиб қарамайлик уларда албатта рамка бўлишилигини юқорида кўриб ўтган эдик. Агарда яратилган санъат асарларида рамка бўлмаса нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Амалий санъат тур ва жанрларининг қай бирини олиб кўрмайлик ҳар бири ўзига хос тарзда, шу санъат турида фойдаланиладиган хомашёлардан, нақш композициясининг туридан келиб чиқкан ҳолда занжира нақшлари қўлланилади. Масалан, зардўзлик ва каштачиликда занжирага ўхшаган унча мураккаб

бўлмаган геометрик ва ўсимликсимон элементлардан ташкил топган гулдор энсиз ҳошия нақшини қўришимиз мумкин.

Заргарликда занжира нақшлари қилсимон симлардан ишланса, мисгарликда мисидишларга ним занжира, қубба занжира, ислими занжира ва бошқа занжира турлари ўйиб ишланади. Кулолчиликда эса лаган, коса, кўза, хум ва шу каби идишларга рохи занжира, туморча занжира, зулма занжира, қанот занжира, зулук занжира, копток занжира, кулча занжира, гандум занжира, жингалак занжира, илмоқ занжира, ғилдирак занжира, барги занжира, занжираи тароқ, кўчкорак занжира, капалак занжира, занжираи тарбуз палла, занжираи ислими чорбарг каби занжиралар билан жило берилган.

Ганч ўймакорлиги санъатида эса ҳар бир ўймани бажаришда ўймакор усталар масалан, намоён, токча, изора ва бошқаларни узоқдан ёки яқиндан яхши кўринишини ҳисобга олган ҳолда ишлаганлар. Шу боис яратилган ганч ўймакорлиги асарлари жозибадор кўринишга эга бўлиб киши рухиятига енгиллик бағишлади. Шу ўринда занжира нақш композицияси катта аҳамиятга эга эканлигини қўришимиз мумкин. Занжира узоқдан умумий рамка кўринишига эга бўлиб, намоён, токча, тахмон ва бошқаларни гўзал ва нафис кўринишига замин яратади. Шунинг учун занжира нақшини танлашда адашмаслик ва ўймага мос занжира турини танлай билиш зарур.

Занжиранинг эни ганч ўймакорлигига 8 см гача бўлиши мумкин. Занжиралар тузилиши ва мазмунига қараб амалий санъатнинг бошқа тур ва жанрларидагидек ҳар хил номланади. Масалан, ғишин занжира, якка занжира, парсул занжира, қўш занжира, гул занжира, айланма занжира, елпифич занжира ва бошқалар шулар жумласидандир. Занжирани ўйишда амалий санъатнинг қайси тур ва жанрида бўлмасин ишлатилаётган хом-ашёларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунончи, ёғоч ўймакорлигига ўймани бажаришда ўймага мос ёғоч материал танлаш муҳим аҳамиятга эга. ўймакорликда ишлатиладиган ёғоч қанчалик мустахкам, пишиқ, пухта, намга чидамли, таркибида ёғ ёки смолалар мавжуд бўлса, у жуда ҳам қулай хом-ашё ҳисобланади. Масалан, ёнғоқ, ўрик, тут, чинор, арча, мирзатерақ, шумтол, қарағай, қора қайин дараҳтлари танасидан олинган ёғоч хом-ашёлари шулар жумласидандир. ҳар қандай қаттиқ ва мустахкам дараҳтлардан олинган ёғоч хом-ашёси ҳам ўймакорликда қўл келавермайди. Масалан, оқ қайинни олайлик. Оқ қайин каттиқ, чиройли ва яхши пардозланади, лекин унинг таркибида ёғ ёки смоланинг йўқлиги сабабли толалари қовушоқ эмас. Бу эса ўймани кесганда ёки исканани болға билан урганда чизиқлар пайдо бўлади, ёрилади. Натижада ўйманинг сифатига путур етади, дарз кетади ва кўчиб тушади.

Занжира нақшини ўйиш учун энг қулай материал терак дараҳтларидан олинган тахтачаларга ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Занжира ишлаш учун тахтacha тайёрлангач, унга оддий занжира нақш композицияси чизиб чиқилади. Тахтачани маҳсус мосламага маҳкам қилиб ўрнатилгач тўғри исказана ва куракча исказалар ёрдамида ўйма бажаралиди.

Занжира нақшида маълумки заминсиз ўйма бажарилади. Куракча исказанани тахтачага санчиб ўймакор уста ўзи томонга тортган ҳолда кесиб чиқади. Кесиш жараёнида тахтача толаларининг йўналишиига ҳам эътибор бериш керак. ўймани амалга оширишда исказанани қўлда ушлаш муҳим аҳамиятга эга. ўнг қўл билан исказана стерженидан, чап қўл билан дастасидан ушлаш керак.

Занжира нақшининг барча кесиладиган қисми бажарилиб, сўнг ўйиш бажарилади. Заминсиз ўйма чуқурлигини фақат кўз билан чамалаб, қирраларини бир текисда, тўғри чиқаришга ҳаракат қилиш керак. Чунки, тўғри ва текис чиқиши занжирани сифатли, чиройли ва жозибадор чиқишини таъминлайди.

Оддий занжира нақшини чизиш ва ўйиш босқичларига амал қилган ҳолда бошқа, яъни туморча занжира, зулук занжира, роҳи занжира. Занжираи тароқ, қўчқорак занжира, занжираи тарбуз палла, капалак занжираларни чизиш ва ўйиб чиқиш мумкин.

### **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**ДАСТА** (форс - тожикча) – турли асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп.

**ЗАМИНСИЗ ЎЙМА** – алоҳида ажратилган замини бўлмаган ўймакорлик пардози.

**ЗАНЖИР** (форс - тожикча) – 1). Тартиб билан бир-бирига ўтказилган метал ҳалқалар тизмаси.

2). Бирор нарсанинг узлуксиз, чамбарчас боғланиб кетган тизмаси.

**ЗАНЖИРА** – узлуксиз боғланиб кетган нақш тури.

**ЗАРДЎЗЛИК** (форс - тожикча) – зар ип билан гул тикиш касби.

**КАШТАДЎЗЛИК** (форс - тожикча) – каштачилик, кашта тикиш касби.

**КУЛОЛЧИЛИК** – кулоллик, лойдан ҳар хил сопол буюмлар ясаш касби.

**НАҚШ** (арабча) – ўйиб ёки бўёқ билан ишланган гул, безак.

**ПОРТСИГАР** (русча < французча) – сигара ёки папирос солиб юрадиган қутича, папирос қути.

**РАМКА** (русча) – 1). Портрет, расм ва шу кабилар солинадиган тўрт бурчакли мослама.

2). ҳошия.

**РАФТОР** (форс - тожикча) – 1). ҳатти-ҳаракат, юриш-туриш, қадам олиш.

2). Бир ёки икки томонга тўлқинсимон ўсган нақш.

**РУТА** - ҳошия нақш.

**ШАКЛ** (арабча) - 1). Бирор предметнинг ташки кўриниши, сиртқи қиёфаси, формаси.

2). Маълум формадаги нарса, фигура.

3). Жисмнинг ҳолати, кўриниши.

4) Нарсанинг ички мазмунидан қатъий назар ташки кўриниши, ифодаланиши.

**ЭЛЕМЕНТ** (русча < лотинча) – бир бутунни ташкил этган мураккаб нарсанинг ёки ҳодисанинг таркибий қисми.

**ҲОШИЯ** (арабча) – нарсанинг ранги гули билан асосий қисмидан ажralиб турадиган чети, зиҳи.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. қандай нақшларга занжира нақшлар дейилади?
2. Занжирани ўйища қандай ўйма бажарилади?
3. Занжирани ўйища қайси исканалардан фойдаланилади?
4. Занжира нақшининг қандай номларини биласиз?

5. Амалий санъатнинг яна қайси турларида занжира нақшлари ишлатилади?
6. Заминсиз ўйма деганда нимани тушунасиз?
7. қандай нақш элементларидан тузилган нақшларга ислимий занжира дейилади?
8. Занжирани ўйишда нималарга эътибор қаратиш лозим?
9. Занжира нақш композицияларини номлашда нималарга эътибор қаратилади?
10. Занжира нақшини қайси дараҳт таналаридан олинган ёғоч хом-ашёларга ўйган мақул?
11. Занжирани ўйишда даслаб қандай иш бажарилади?
12. Занжирани ўйишда исказа қандай ушланса ўймани сифатли чиқишига ёрдам беради?

## **МЕЬМОРИЙ ОБИДАЛАР, ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР, МУЗЕЙЛАР ВА ХАЛҚ УСТАЛАРИ ИЖОДХОНАЛАРИГА САЁХАТ**

Амалий санъат машғулотларида, жумладан ёғоч ўймакорлиги машғулотларида ижодий фаолиятни ташкил этиш, руҳиятни эстетик тарбиялаш элементларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёғоч ўймакорлиги санъатини пухта ва мукаммал эгаллашга ҳаракат қилган ҳар бир шахс ўз устида тинимсиз изланиши ва ишлаши зарур. Шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун халқ усталари ижодидан хабардор бўлиш, уларни яқиндан билиш, нақш композицияларини таҳлил қилиш, ёд олиш ва тасвирлаш, яъни нусха кўчириш ижодкорлик кобилиятини, кузатувчанликни, мулоҳазакорликни, сермушоҳадаликни, фикрлашни ва нафис туйғуларникиши руҳиятида тараққий эттиради, амалий санъатга, гўзалликка, хаётга бўлган қизиқиши кучайтиради, табиат, олам, жамият, инсон гўзаллигини хис эта оладиган қалби ҳам, хаёти ҳам гўзал инсонга айлантириб боради.

Бундай хислатларни шакллантириш учун эса талабалар билан бирга кўпроқ меъморий обидалар, музейлар, замонавий иншоотлар ва халқ усталари ижодхоналарига саёҳат уюштириб бориш талаб этилади. Саёҳат уюштирилиб борилаётган объектга аввало қандай мақсад ва вазифалар билан ташриф буюрилаётганини аниқлаб олиш зарур. Яъни қайси объектга борилади, қай мақсадда ва қай мақсадларни амалга оширишга эътибор қаратиш лозим. Бундай саёҳатларни ўтказиши З босқичли жараёнда кузатилади.

Биринчи босқич – тайёргарлик кўриш босқичи бўлиб, бу босқичда саёҳатнинг режасини тузиш, мақсад ва вазифаларини белгилаш кўзда тутилган. Саёҳат давомида кузатилиши ва ўрганилиши лозим бўлган объекtlар, юриладиган йўллар тахминан белгилаб олинади, юритиладиган ҳужжатлар тайёрланади. Саёҳат давомида ўтказиладиган тадбирлар, уюштириладиган сұхбатлар, нусха кўчириш, фотосуратлар олиш учун зарурый ашёлар ва жиҳозлар тайёрланади. Гавфсизлик қоидалари, ташриф буюрилаётган ташкилот ёки муассасадаги тартиб-интизом билан таниширилади, йўл-йўриқлар ўтказилади.

Иккинчи босқич – асосий босқич бўлиб, бу босқичда белгиланган кузатиш объектига бевосита ташриф буюрилади, уларнинг таърифи, тарихи, ўзига хос хусусиятлари билан атрофлича танишилади. Музейлар, тарихий меъморчилик обидалари ва замонавий иншоотлар батафсил ўрганилиб чиқилади. Гар бир жиҳоз, намуналар ҳақидаги фикрлар махсус дафтарларга қайд этиб борилади. Ёғоч ўймакорлиги санъатини нодир намуналарининг тарҳлари имкон даражасида чизиб олинади. Агар лозим бўлса, баъзи ҳолларда бундай зарурый намуналарнинг фотосуратлари олинади. Фотосуратларни олишда кўпроқ намуналарни бажариш жараёни, нақш гурухларининг бир-бирига уйғунлаштирилиб борилиши ва бириктирилишига эътибор берилса, саёҳатдан сўнг ташкил қилинадиган тўпламлар, альбомлар учун яхшигина маълумот бўлиб хизмат қиласи. Саёҳат давомида турли хил намуналар фотосуратларини, тасвирларини чизиб олишдан ташқари, музей ва меъморий обидалар ходимлари, агар имкон бўлган жойларда эса амалий санъат, ёғоч

ўймакорлиги усталари, шогирдлари, олимлар, шу соҳанинг жонкуярлари ва бошқалар билан сұхбатлар, учрашувлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай ҳолларда усталарнинг устахоналари, манзилгоҳлари ва ҳакказо маълумотлар ёзид олиниши зарур.

Учинчи босқич – якуний босқич бўлиб, бу босқичда кузатилган обьектлар, намуналар тўғрисида тўплланган маълумотлар таҳлил қилиниб ўрганиб чиқилади. Саёҳат давомида жамланган тасвирлар, фотосуратлар ва чизмалардан альбомлар, тўпламлар, стенdlар ва плакатлар тайёрланади. Гар бир тўпламнинг яратилиш тарихи, таърифи батафсил ёритилиб мавзули кўргазмалар тайёрланади. Кўргазмадаги намуналар таснифи, тайёрлаш услубларининг ўзига хослиги таърифланади. Гар бир саёҳат натижалари таҳлил қилинади, йўл кўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар муҳокама қилинади.

Яна шунга ҳам алоҳида аҳамият бериш жоизки, саёҳатга борилган обьектда чизиб олинган нақш элементлари, нусхалар устида кўпроқ ишлаш талаб этилади. Шундагина янгидан-янги нақш элементлари ва нақш композициялари яратиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун саёҳатга борилган ҳар бир обьектнисинчилаб, қунт билан ўрганиб чиқиш талаб этилади.

Албатта, нақш композицияларини томоша қилиш, элементларини чизиб олишибилан чегараланиб қолмай, балкихалқ усталари ижодидан нусха кўчириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Композициядан нусха кўчирилаётганда нақш композициясининг характерли томонларига эътибор қаратиш лозим.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**ИНШООТ** (арабча) – турли мақсадлар учун қурилган бинолар ва уларнинг ускуна жиҳозлари.

**МЕЬМОР** (арабча) – бинокор, архитектор.

**МЕЬМОРЧИЛИК** – архитектура.

**МУАССАСА** (арабча) – хўжалик, савдо-сотиқ ишлари ва шу кабиларнинг бирор соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбия ишларини олиб борувчи, белгили шарт ва маъмуриятга эга бўлган ташкилот.

**МУЗЕЙ** (русча < грекча) – санъат, техника, табиат намуналари, тарихий ва илмий-табиий аҳамиятга эга бўлган нарсаларни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва халққа намойиш қилиш билан шуғулланадиган муассаса.

**НАМУНА** (форс-тожикча) – 1. Бир турдаги нарсаларнинг шу нарсалар ҳақида тасаввурбера оладиган бир нусхаси, бўллаги, донаси.

2. ўрнак бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс ёки нарса; ибрат, ўрнак.

**ОБИДА I** (арабча) – тоат-ибодатни канда қилмайдиган, художўй, тақводор аёл.

**ОБИДА II** (арабча) – 1. Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик.

2. Археологик ёдгорлик, узоқ ўтмишдан моддий ёдгорлик.

**ОБЪЕКТ** (русча < латинча) – 1. Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлик, воқелик, моддий дунё, мавжудод.

2. Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ходиса, предмет, шахс.

4. Хўжалик ёки мудофаа аҳамияти бўлган корхона, қурилиш, айrim участка ва шу кабилар.

**САЁҲАТ** (арабча) – дам олиш, хордиқ чиқариш ёки дунёни кўриш, ўрганиш мақсадида қилинган сафар.

## МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Шаҳримизда қандай меъморий обидалар бор?
2. Шаҳримизда қандай замонавий иншоотлар бор?

3. Музей нима?
4. Саёхат уюштиришдан олдин нималарга аҳамият бериш зарур?
5. Меъморий обидалар, музейлар, замонавий иншоотлар ва халқ усталари ижодхоналарига саёхат уюштириш неча босқичда амалга оширилиши лозим?
6. Биринчи босқич қандай босқич ва бу босқичда қандай тадбирлар амалга оширилади?
7. Иккинча босқич қандай босқич ва бунда нималарга аҳамият бериш керак?
8. Учинчи босқичда нималарга эътибор қаратиш лозим?
9. Саёхат уюштиришдан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат?

## ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИГА ОИД НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИ ЧИЗИШ

### I. ЎЙМАКОРЛИККА ОИД НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Амалий санъатнинг қатор турларини, у бўяб ишланадими, ўйиб ишланадими ёки зарб бериб ишланадими бундан қатъий назар асосини нақшлар ташкил қиласди. Нақш чизишни яхши билмасдан туриб, қанчалик маҳорат билан ўймакорлик ишлари амалга оширилмасин у барибир халқ орасида “уста” деган муқаддас номга эга бўла олмайди.

Нақшлар билан қайси бино, иншоот ёки буюм безатилмасин, у ўзига хос услубни ва технологияни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз нақш турларини пухта ўргангандар учун ҳаётдаги шодликни ҳам, ғам-кулфатни ҳам жонли чизиклар, ранг-баранг нақшлар орқали бера олганлар.

Амалий санъатнинг наққошлиқ, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа турларини эгаллашга интилган ҳар қандай киши аввало нақш чизишни ўрганиши зарур. Нақш – элементларнинг маълум тартибда такрорланишидан ташкил топган безак тури. Элементлар нақш ишлашнинг алифбоси ҳисобланади.

Демак, нақш чизишни ўрганишдан олдин элементларни чизишни, қандай номланишини ва қаерларда ишлатилишини билиш муҳим аҳамиятга эга. Барг, гул, новда, марғула, бофта, шукуфта (шкуфт), таноб боғлам ва сиртмоқ каби нақш элементлари мавжуд бўлиб, улар тузилиши, характеристири ва ҳусусиятларидан келиб чиқиб номланади (27,28,29-расмлар).

**БАРГ** – ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги ўсимлик баргини стиллаштириб, олинган тасвири, бадиий ифодасидир (расм, а,б.). Барг нақш композициясида тўлдирувчи ва ҳусн берувчи элементлар сирасига кириб, улар тузилишига кўра оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Ёғоч ўймакорлигига оид нақш композициясида барглар ўта нозик, нафис, гўзал ва жозибадор бўлиши билан бирга силлиқ ва эгилювчан кўринишда тасвирланади. Кўп ҳолларда оддий барглар кўндаланг, яъни горизонтал ҳолатда тасвирланса, мураккаб барглар эса ярим олд, яъни ярим бурилган ҳолатида тасвирланади. Оддий баргларга тол барга, бодом барги, анор барги, ҳурмо барги, нок барги, қалампир барги, уч барг ва бошқалар кирса, мураккаб баргларга эса кўп барг, шобарг, садбарг ва бошқалар кириб, улар қатлам-қатлам шобарг тарзида учрайди. Мураккаб барглар кўпроқ Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндалари томонидан қўлланилиб келинади. Нақш композицияларида юқорида номлари келтирилган барг элементларидан ташкари яна кўплаб турларини учратишимиз мумкин.

**ГУЛ** – уста-наққошлар томонидан наботот оламининг энг сара гулларини стиллаштирилган ҳолдаги тасвири, бадий шаклидир. Гулларнинг беҳисоб турлари мавжуд бўлиб, у кўп ҳолларда нақш композициясининг марказида жойлашган бўлади. Гуллар ҳам барг элементлари сингари баъзан тўлдирувчи ва ҳусн берувчи сифатида тасвиrlenади. Гуллар ҳар хил тузилишга эга бўлғанлиги туфайли улар ўзига хос атамалар билан номланади. Гулларнинг оддий ва мураккаб турлари бор. Оддий гулларга ойгул, лола гул, пахта гул, нўхот гул ва бошқалар кирса, мураккаб гулларга эса писта гул, кўп баргли гул, гултожихўрз, атиргул ва ҳакказолар киради.

**БАНД** – ўсимликсимон нақш элементларидан бири бўлиб, у наққошлиқда барг ва гулларнинг новдаси ҳисобланади. Ёғоч ўймакорлигига оид нақш композицияларида банд табиатдаги дараҳтлар ёки ўсимликларнинг новдасини стиллаштириб олинган тасвиридир. Бошқа нақш элементлари сингари банднинг ҳам композицияда қўлланишининг ўзига хос қонун қоидалари бор. Нақш композициясида банд аниқ бир ўлчамдаги йўғонликда бўлиши, гул ва баргларга нисбатан сақланиши, у гуллар, барглар, таноблар ва бошқаларнинг тагидан ўтиши бандларнинг ўзига хослигига мисол бўла олади. ўймакор-наққошлар банддан композицияда ўзига хос услубда фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам нақш композициялари бир-биридан фарқ қиласи. Масалан, Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби вакиллари ўз композицияларида бандларни кам куртакли ва барг элементларидан деярли фойдаланмайдилар. Навдаларнинг ўзини спиралсимон тарзда бир-бирига тўкиб кетадилар ва ҳакозо.

**МАРҒУЛА** – ўсимликсимон нақш элементларидан бири бўлиб, қўш чизикли гажакдан хосил бўлади. Марғула наққошлиқ, ганчкорлик, мисгарлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа амалий санъат турларида ишлатилади. У айрим новда ва таноб шаклларининг тугалланишини билдиради. Агар новда билан марғула тасвиrlenган бўлса, у марғулали новда, агарда бир новдани учида иккита марғула хосил бўлған бўлса, уни қўш марғула деб юритилади. Марғула ёғоч ўймакорлигига оид нақш композициясида тўлдирувчи элемент сифатида қўлланилади.

**ГУНЧА** – табиатдаги наботот оламининг ҳали очилиб улгурмаган гулларини ўймакор-наққош томонидан стиллаштириб олинган тасвири бўлиб, нақш композициясида тўлдирувчи элемент ҳисобланади.

**БОФТА** – ўсимликсимон ва мураккаб нақш элементлари бўлиб, таноб, меҳроб, патнус ва сават кўринишидаги ҳошияларни юрак шаклидаги элементлар билан боғлайди. Тўқима ва тўқилган шакллардан ташкил топган бофта, нақш композицияларида боғловчи элементлар сифатида фойдаланилади.

**ШУКУФТА** – новда ва танобларни боғловчи ўсимликсимон нақш бўлаги. Шукуфта қисқача “шкуфт” деб аталиб, у нақш композициясида боғловчи ва тўлдирувчи элемент сифатида ҳам хизмат қиласи. Шукуфта тузилиши жиҳатидан турлича бўлиб, у баъзан кичик содда кўринишда бўлса, баъзан анча такомиллашган кўринишда, баъзан икки томондан келаётган шукуфта қўшилиб мадоҳил ёки шунга ўхшаш шаклни хосил қиласа, баъзан асосий шакл ясовчи элементларни куртак ва гажак кўринишларида ўзаро боғлайди.

**БОҒЛАМ ВА СИРТМОҚ** - ўсимликсимон нақш элементларидан бири бўлиб, бофтанинг оддий турдаги кўринишидир. Икки новда ёки танобни учинчиси сиртмоқсимон эгиб ўзига боғлашини сиртмоқ дейилади. Сиртмоқлар бир-бири билан чалкашиб ўтади ва умумий кўриниши худди саккиз рақамини эслатиб юборади.

**ТАНОБ** - арабча чилвир, арқон деган маънони англатади. Мураккаб нақш композицияси асосини ташкил этувчи негизи ва нақшга шакл беувчи чизик таноб дейилади. Марказий Осиё ҳалқлари нақшларида бир хил йўғонликдаги чизик бўлиб, ўймакор-наққош усталаримиз табиат манзарасида учрайдиган анхорнинг шартли тасвири деб олганлар. ўймакор-наққош уста нақш композициясини чизишдан олдин биринчи навбатда таноб

тортиб, кейин новдаларни чизади, сўнгра новдаларни йўналишига мослаб тўлдирувчи ва боғловчи нақш элементларидан гуллар, барглар, марғулалар, шукуфталар, сиртмоқлар ва бошқаларни жойлаштириб нақш композицияси ҳосил қилинади. Усталар нақш композицияси чизишда танобни биринчи ўринга қўядилар. Таноб устидан ҳеч қачон новда, гул ёки барг босиб ўтмайди. Таноб хилма-хил бўлиб, бир композицияда бошланганича узлуксиз давом этади, баъзи ҳолларда икки нуктадан бошланиб бир-бирига қараб йўналади ва бир-бирига чирмалиб тугалланади. Баъзи ҳолларда эса таноб бир нуктадан бошланиб икки томонга йўналиб тақсим четига бориб тугалланади. Баъзан эгри, тўғри ёки аралаш чизиклардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Агар композицияда кесиб ўтувчи таноблар икки хил пардоз усулида бажаришга мўлжалланган бўлса, албатта таноблар бир-бири билан чирмашган ҳолда тасвирланиши лозим. Агарда нақш композицияси қўш танобли бўлса-ю, таноблар бир хил пардоз усулида бажарилса нақш композициясидаги жозиба йўқолади ва у кўримсиз чиқади.

## **II. ЎЙМАКОРЛИККА ОИД НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЧИЗИШ.**

Ёғоч ўймакорлиги хунарини пухта ўрганиш учун албатта мустақил равишда композиция тузишни билиш лозим. Нақш композицияси тузиш учун эса дастлаб ёғоч ўймакорлигига оид нақш элементларини чизиб ўрганишдан бошланади.

Ўсимликсимон нақш элементларини ўрганиш, маълум қонун-қоидалар асосида амалга оширилади. Бунинг учун катак дафтар, чизғич (тўғри ва учбурчакли), ўртача юмшоқликдаги қора қаламлар, оқ ўчирғич ва бошқа ёрдамчи асбоблар керак бўлади. Одатда ўсимликсимон нақш элементларини чизиш, уларни гуруҳларга бўлиб олинган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, дастлаб барг элементларини, гул, банд, марғула, сиртмоқ элементларини осондан қийинга, оддийдан мураккабга томон чизиб машқ қилиш лозим (30, 31, 32-расмлар).

Чизишдан аввал катак дафтарларни чизғич ва қора қалам ёрдамида қаламни енгил юргизган ҳолда схематик катаклар чизиб, шу катаклар ичига нақш элементларини чизишдан бошлаймиз. (... расм, а, б.). Дафтарнинг ҳар бир бетига битта нақш элементини қайта-қайта чизиб машқ қилинади. Чизиш давомида, симметрия ва асимметрия қонун-қоидаларига эътибор қаратиш лозим.

Нақш элементларини чизиш учун оддий қора қалам, яъни юмшоқ В, 2В, 3В ёки М, 2М, 3М, 4М; шунингдек ўртача юмшоқликдаги ТМ, НВ, ва ў ҳарфлари билан белгиланган қаламлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Нақш элементларини чизишни машқ қилишда қаламнинг сифатлисидан фойдаланишга ҳаракат қилиш, қаламнинг сифатли ёки сифатсизини ажратиб билиш мухум аҳамиятга эга. Чунки, амалий санъатнинг қайси тур ва жанрлари билан шуғулланмасин наққош учун қанчалик мўйқалам, ёғоч ва ганч ўймакор усталари учун эса ўювчи ва йўнувчи исказалар қанчалик мухим бўлса оддий қора қалам ҳам шунчалик мухим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Чунки, амалий санъат устаси нақш композициясини яратишда қалам асосий иш қуролига айланади. ўймакор-наққош ҳар бир чизик тортганида, чизаётган чизиги сифатли, равон ва тиниқ чиқса уста шунчалик завқланади, руҳи тетиклашади. ўзи амалга ошираётган ишдан кўнгли тўлиб, илҳомланади, янгидан-янги нақш элементларини, композицияларини яратади, кашф этади. Оддий қора қаламлар ўймакор-наққошнинг асосий иш қуролларидан бири экан, хўш қаламларнинг сифатли ёки сифатсиз эканини қайердан ажратиб олиш мумкин?

Маълумки, бугунги кунда дунё иқтисодиёти шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда турли туман ўқув қуролларини, шу жумладан оддий қаламларнинг кўплаб маркаларини савдо дўйконларида, расталарида учратишимиз мумкин. Қаламни сотиб олишдан аввал унинг маркасига эътибор бериш зарур. Россия (Томск) нинг “КОНСТРУКТОР”,

Германияниг “GLOBE NO. 555 222”, Чехиянинг “HARDTMUTH “КОН-И-НООР” 1500” ҳамда “POLF” ва бошқа маркали қўплаб қалам турларини учратишими мумкин. Агарда маркасига қараб сифатли қаламни ажратиб олиш имкони йўқ бўлса, оддий тоза оқ қоғозни текс стол устига қўйиб қаламни бир хил кучланишда оҳиста юргизиб кўрилади. Қалам қолдирган чизиқ атрофида хира из қолдирса ёки қалам графити тўклиб қолса у сифатсиз қалам ҳисобланади. Борди-ю сиз тортган чизиғингиз бир хил йўғонликда, чизиқ атрофида ҳеч қандай из қолдирмаса ёки қалам графити тўклиб қолмаса у сифатли қалам ҳисобланади.

Нақш композициясининг сифатли, чиройли ва жозибадор чикиши учун қалам билан бир қаторда ўчириғич ва чизғичлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қаламда чизилган чизикларни ўчириш учун юмшоқ оқ ўчириғичдан фойдаланиш қулай. Чунки, қалам излари майин ва юмшоқ оқ ўчириғичларда ўчирилгандан сўнг қоғозда доғ қолдирмайди. Таркибиға қум қўшилган кўк дағал ўчириғичдан фойдаланиш тўғри бўлмайди. Дағал ўчириғичда ўчирилганда қоғоз сатҳида доғ қолдириш билан бирга унинг сифатини бузади, қайта чизиш жараёнида иш сифатига птур етади.

Чизғичлардан фойдаланишда эса албатта ёғоч чизғичларни ишлатиш зарур. Чунки, ёғоч чизғичлар қоғоз сатҳида сурилганда ёғни, намликни ўзига сингдириб олади ва бир тексда ишнинг сифатли чиқишини таъминлайди. Металл, шиша, пластмасса ва бошқа шу каби материаллардан ясалган чизғичлар қоғоз сатҳига ишқаланиши натижасида қизиди ва таркибидан ёғ ва намлик чиқариб қоғозга суркалайди, ҳар хил доғлар ҳосил қиласди. Оқибатда нақш композициясининг сифати бузилади, киши руҳиятига таъсир этиб, бажараётган ишидан кўнгли қолади, меҳнати самарасиз бўлади.

Кўриниб турибдики, киши ўз фаолиятида эътиборлироқ, ташкилотчи ва тадбиркор бўлмаса, у ерда лоқайдлик юзага келади. Натижада киши онгида бефарқлик шаклланади ва бора-бора у киши руҳиятини синдиради, характеристида дангасаликни вужудга келтиради. Амалий санатнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш, чизиш, нақш композицияси тузиш асабларни тинчлантиради, инсон руҳиятини тарбиялайди. Шу боис инсон ўз устида ишлаши, тинимсиз изланишда бўлиши лозим. Гар бир нарсани қунт билан ўрганишга ва бажаришга ҳаракат қилиш зарур.

Юқорида кўриб ўтганимиздек бир хил ўлчамда схематик катаклар чизилишининг боиси шундаки, нақш элементларини чизиш давомида нисбатни сақлай билишга, йўл қўйилган хатоларни кейинчалик тақорламасликка ҳаракат қилиш натижасида гўзаллика, нозикликка эришишга ўргатади. Нақш элементларини чизишда „„-расмларда тасвирланганидек кетма-кетликда, стрелка йўналиши бўйлаб чизишни машқ қиласди. Даствор барг, гул, ғунча, куртак, тирноқ ва бошқа элементларни чизиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Нақш элементи чизиб олинган схематик катаклардан ташқарига чиқиб кетмаслиги, элементнинг уни ёки айрим жойлари уринма тарзида ўтиб кетишига аҳамият бериш керак. Чунки, бу тақорор ва тақорор чизиш давомидан биринчидан қўлни бир хилда чизишга ўргатса, иккинчидан оқ қоғозга чизиш жараёнида кўз билан чамалаб бир хил нисбатни сақлаган ҳолда чизишга ўргатади.

Нақш элементларини чизиш давомида чизикларнинг ингичка, тўғри, равон ва тоза чизиш муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат нақш чизиш сирларини пухта эгаллаганингиздан, балки руҳиятингизни ҳам кўтаради, кўнглингизга таскин беради, сизни яна ва яна янги орзулар сари ундейди, энг муҳими асабингизни тинчлантиради, дам оласиз. қачонки оддий қора қалам билан чизилган чизикларга гўзаллик, жозиба ва жон баҳш эта олсангизгина ўз касбингизни устасига айланасиз.

## **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**АСИММЕТРИЯ** (русча < грекча) – симметрия йўқлиги ёки бузилганлиги; симметриясизлик.

**БАНД** (форс - тожикча) – 1). Бир нарсанинг ушланадиган қисми; даста, тутқич.

2). Япроқ ва меваларнинг новдага бирлаштирадиган ингичка қисми.

**ГУЛ** (форс - тожикча) – 1). Зийнат учун экиладиган ёки ўзи ўсадиган ўсимликлар, чечак.

2). Бирор нарсага чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш.

**КОМПОЗИЦИЯ** (русча < лотинча) – 1). Адабий асар, санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзаро муносабати.

2). Таркибий қисмлари маъно жиҳатидан ўзаро боғланиб бирлик ташкил этган бадиий асар, мусика ёки тасвирий санъат асари.

**НАБОТОТ** (арабча) – ўсимликлар дунёси, ўсимликлар.

**СИММЕТРИЯ** (русча < грекча) – бирор нарсанинг маълум нуқта, чизиқ ёки текисликка нисбатан қарама-қарши томонда жойлашган қисмлари ўртасидаги мутаносиблиқ, ўхшашлиқ, мослиқ, уйғунлик.

**СПИРАЛ** (русча < грекча) – винт шаклидаги узлуксиз бурама сим.

**СТИЛ** (русча < французча) – 1). Услуб.

2). Бирор иш-ҳаракат услуби.

**СТИЛИЗАЦИЯ** – қайта ишлаш; табиатдаги гул, барг, новда, күш, хайвон, одам ва бошқаларни наққош томонидан қайта ишлаб тасвирланиши.

**СХЕМА** (русча < грекча) – бирор ишни ташкил этиш, амалга ошириш тартибини ўз ичига олган режа, чизма.

**СХЕМАТИК** (русча - *схематический*) – 1). Схема равишидаги, схемадан иборат бўлган.

2). Умумий тарздаги, содда.

**ТАНОБ** (арабча) – ингичка арқон, чилвир ёки каноп, ип, ришта.

**ТЕХНОЛОГИЯ** (русча < грекча) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида ишлов бериш ёки қайта ишлашда қўлланадиган операциялар мажмуу.

**УСЛУБ** (арабча) – 1). Ижодкорнинг ўзига хос ишлаш йўли, усули; стил.

2). Ишлаш, бошқаришда ўзига хос йўл, усул.

**ҒУНЧА** (форс - тожикча) – ҳали очилмаган, гул барглари, ҳали ёзилмаган гул.

## **МАВЗУНИ МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ёғоч ўймакорлигига оид қандай нақш элементларини биласиз?
2. Барг қандай нақш элементи ва унинг қандай турлари мавжуд?
3. Гул қандай нақш элементига мансуб ва унинг қандай турлари бор?
4. Банд нима ва у қаерларда қўлланилади?
5. Марғула нима?

6. ғунча қандай элементлар таркибига киради?
7. Бофта ҳақида нималарни биласиз?
8. Шукуфта нима?
9. Бофта билан шукуфтанинг қандай фарқи бор?
10. Боғлам ва сиртмоқ нима?
11. Таноб нима ва у қаерларда фойдаланилади?
12. Нақш элементларини чизишда нимадан бошлаш керак ва нималарга аҳамият бериш лозим?

## **ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИГА ОИД ЙЎЛ ИЧИДАГИ ОДДИЙ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ЧИЗИШ ВА ЎИШ.**

### **I. ОДДИЙ ИСЛИМИ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ЧИЗИШ.**

Маълумки, ҳар қандай нақш композицияси оддий ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар нақш элементларининг ўзаро бирлашувидан, жойлашувидан ҳосил бўлади. ўзига хос қонуниятлар асосида тузилган ва чизилган нақш композицияси азал-азалдан бирор нарса ва воқеъликнинг рамзи тариқасида тасвирланиб келинган. Нақш композициялари одатдаги набобот ва ҳайвонот оламининг ўймакор-наққош томонидан стиллаштириб тасвирлаган кўринишидаги мужассамотидир.

ҳар бир нақш композицияси ўзининг тузилиши мазмуни ёки характерли элементи билан боғланган ҳолда номланади. Масалан: 1-гулнинг номи “Оддий ислими”. Чунки у оддий бодом кўринишидаги элементнинг маълум масофада ритмик тақрорланишидан ҳосил бўлади. 2-гулнинг номи эса “Ислимий бофта” деб номланишининг боиси шундаки, у боғловчи элементлардан бири бўлган бофтанинг бир хил масофада доимий равишда ритмик тақрорланиб келиши натижасида бир бутун композициясини ташкил қиласди. 8-гул мисолида кўрадиган бўлсак, у “Ислимий якрафткор” деб номланади. Усимликсимон нақш турига кирганлиги учун ислимий ва бир ёки икки томонга тўлқинга ўхшаш ўсган новдасимон нақш бўлганлиги учун рафткор, якрафткор дейилишининг сабаби эса, ундаги тўлқинсимон ўсган новда битта бўлганлиги учун “Ислимий якрафткор” деб номланган.

Ёғоч ўймакорлигига оид йўл ичидаги оддий нақш намуналари 16 та бўлиб, шундан 9 таси ислимий, қолган 7 таси паргори гуллар ҳисобланади. Улар нафақат номланиши, балки чизилиши, тузилиши, ўйилиши ва пардозланиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади. Дастроб, ислимий нақш намуналарини, яъни 1-гул, оддий ислимий 2-гул, ислимий бофта; 3-гул, ислимий шобарг; 4-гул, ислимий баргли бодом; 5-гул, баргли ислимий; 6-гул, ислимий марғулали бофта; 7-гул, ислимий шоҳ; 8-гул ислимий якрафткор ва 9-гул, ислимий қалапир нақш намуналарини чизишнинг барча қонун қоидалари ва босқичлари билан танишиб чиқамиз.

Ислимий нақш намуналарини чизиш учун ўрта юмшоқликдаги қора қалам, чизғич, ўчиргич ва расм дафтари керак бўлади. Расм дафтарига тўғри компоновкани қилиш, ёрдамчи чизикларни қаламни босмасдан аниқ ўлчамда енгил чизиш лозим. Дастроб, биринчи гул оддий ислимий нақш намунасини қаламда расм дафтарига чизиш жараёнида ритм ва симметрия қонун қоидаларига риоя қилган ҳолда босқичма-босқич намунадаги расмда кўрсатилганидек чизилади. Демак: 1-гул, оддий ислимий (33-расм).

1-иш. Ёрдамчи марказий ўқ чизиги чизилади. Сўнгра ўқ чизиги 1,5 см бўлган умумий 3 см ни, 1,6 см бўлган умумий 3,2 см ни, ҳошия учун эса 2,1 см бўлган умумий 4,2 см ни ташкил қилувчи параллел чизиклар ўтказамиз ва уларни 3 см дан teng бўлакларга бўлинади.

Яна шунга аҳамият бериш керакки, тенг бўлакларга бўлинганда 0,5 см ни ташкил қилувчи ҳошиядан ташқари 18 см дан кам бўлмаган ҳолда расм дафтариға жойлаштириш лозим.

2-иш. ҳар бир квадрат - 3 см ни 1,5 см дан тенг бўлакларга бўлиб чиқамиз.

3-иш. ҳар бир квадрат ичига диоганал чизиклар ўтказилади.

4-иш. Квадратни тенг бўлакка бўлувчи ёрдамчи чизикдан ўтказилган диоганалга уринма тарзида чорак айланади чизиб чиқилади.

5-иш. Юқорида чизилган чорак айланани тескари ҳолатида намунада кўрсатилган расмдагидек қилиб чизилади.

6-иш. Иккала бодом баргини юқори ва пастки қисмидан куртаклар чиқарилади.

7-иш. ўйма замини “чакичлаб” чиқилади.

Ислимий нақш намуналарининг қолган (2-9 гул) ларини ҳам шу сингари босқичларда намунадаги расмларга қараб босқичма-босқич чизиб чиқилади. (34-41 расмлар). ҳар бир нақш намунасини пухта ва мукаммал ўрганиб олиш учун 5-6 мартадан тақрорлаб чизиб машқ қилиш зарур. Нақш намуналарини қай даражада пухта билишингиз кейинги қиласиган ишларингизда ва ижодингизда муҳим аҳамият касб этади. Нақшларни чизиш жараёнида ҳар бир чизикнинг равонлигига, нағислигига ва чиройли чиқишига эътибор берган ҳолда чизиш лозим.

## II. ОДДИЙ ПАРГОРИ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ЧИЗИШ

Паргори нақши бошқа нақшлардан ўзига хослиги билан тубдан фарқ қиласи. Ундаги нақш элементлари, тузилиши, ўйилиши ва пардозланиши алоҳида аҳамиятга эга. Паргори нақши асосан уй-рўзгор буюмларини бадиий жиҳатдан гўзал ва жозибадор қилиб безашда қўлланилган. Хўш, паргори нима? У қандай маънени англатади? каби саволлар қизиктириши табиий.

Паргор форс-тожикча сўздан олинган бўлиб, паргор, яъни циркуль демақдир. Паргори нақшлари эса циркуль ёрдамида чизиладиган нақш хисобланади. Паргори нақш композициялари ҳам ўзининг тузилиш мазмуни ёки энг характерли томонлари билан боғланган ҳолда номланади. Масалан, 10-гул “Кувача паргори” деб аталади. Чунки, у сув, сут ва шу каби суюқликларни солиш учун ишлатиладиган бўғзи сиқикроқ узун сопол идиш, яъни кўза шаклидаги элементларнинг айлана кўринишида маълум масофада ритмик тақрорланишидан хосил бўлади. Нақш тури эса паргори. Шу сабабли 10-гулни “Кувача паргори” дейилади.

Паргори нақш намуналарининг қолган олтитаси ҳам ўзига хос тарзда номланган, яъни 2-гул “Оддий паргори”, 12-гул “Чор баргли паргори”, 13-гул “Айланма паргори”, 14-гул “Кош паргори”, 15-гул “Ой паргори”, 16-гул “Паргори чор безон” деб номланади. Паргори нақш намуналарини ўзига хос қонун-қоидалари асосида ва боқичма-босқич чизишнинг мураккаб жиҳатларига эътибор қаратишни талаб этади. Чунки, паргори нақшлари мазмун ва маъно жиҳатидан хар тамонлама уланиб, бир-бири билан узвий боғланган ҳолда бир бутун композицияни ташкил қилиши мумкин. паргори нақш намуналарини чизишда ушбу томонларини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда чизиш лозим.

Эътибор берган бўлсангиз, ислимий нақш намуналарини чизиш давомида гуллар билан ҳошия (рамка) ўртасида 1 мм масофа ташлаб чизган эдик. Паргори нақшларида эса гуллар ҳошия билан қўшилган ҳолда чизилади. Бунинг боиси, паргори нақшлари юқорида

айтиб ўтилганидек, ҳар тамонлама уланиб, яъни тўрт томонидан узвий боғланган ҳолда давом этиб кетишидадир. Шундай қилиб, паргори нақш намуналарини чизиш билан танишиб чиқамиз.

10-гул кувача паргори (42-расм).

1-иш. Ёрдамчи марказий ўқ чизиги чизилади ва ўқ чизигига 2,5 см бўлган умумий 5 см ни, ҳошия учун эса 3 см бўлган умумий 6 см ни ташкил қилувчи параллел чизиқлар ўтказамиз ва уларни 5 см дан teng бўлакларга бўлиб чиқамиз. Сўнгра ҳар бир квадрат (5 см) ни ўз ўрнида 2,5 см дан teng бўлакларга бўлиб чиқамиз. Чизиш давомида шунга аҳамият қаратиш лозимки, нақш намунасини 20 см дан кам бўлмаслигига эътибор бериш ҳамда расм дафтарига жойлаштиришда компановка қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда қора қаламни босмасдан енгил чизиш лозим.

2-иш. ҳар бир квадрат ичига диоганал чизиқлари ўтказамиз.

3-иш. Расмда кўрсатилганидек диоганал чизиқларга параллел ва бир хил йўғонликда тўғри чизик, яъни банд чизилади.

4-иш. Банддан марказ томон кувача шаклини ҳосил қилувчи чизиқлар тортилади.

5-иш. Кувача шаклига ўхшаш чизиқлар ичидан бир хил йўғонликни ташкил қилувчи чизиқлар тортилади.

6-иш. Кувача шаклининг тўрттаси бирлаштирувчи марказдан ва кувача шакли билан банд туташган марказдан диометри 1 мм ни ташкил қилувчи айлана чизилади.

7-иш. ўйма замини “чакичлаб” чиқилади.

Паргори нақш намуналарининг қолган (11-16 гул) ларини ҳам шу сингари босқичларда намунадаги расмларга қараб босқичма-босқич чизиб чиқилади (43-48 расмлар). 5-6 маротаба такрорлаб чизиш жараёнида паргори нақшларини жозибасини ва гўзаллигини хис қилишингиз баробарида, уни пухта ва мукаммал билиб олишингизда ҳам қўл келади.

### **III. ОДДИЙ ИСЛИМИЙ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ЎИШ.**

Усталар орасида “Уста уста эмас, асбоби уста” деган ҳазилнома нақл бор. ҳақиқатан ҳам ишнинг асосий қисми турли асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Яна усталаримиз “Асбобинг соз бўлса, мاشақатнинг оз бўлур”, “Ишни асбоб қиласди, устаси лоф уради” каби маталларни бежизга айтмайдилар. Ишнинг нечоғлик сифатли ва кўркам чиқишида устанинг маҳорати баробарида асбобнинг созлигига ҳам боғлиқ.

Мусика санъатида бир нотанинг ўрнида иккинчи бир нотада куй чалиб бўлмаганидек, чалган тақдирда ҳам унинг тасирчанлик кучини йўқотиш ва тингловчини мусиқага бўлган меҳрини сусайтиргани каби ёғоч ўймакорлик санъатида ҳам ҳар бир искананинг ўз ўрни, ўзи бажарадиган вазифаси бор. Искананинг созлиги ва устанинг маҳорати мужассам бўлган тақдирдагина кишини ҳайратга солувчи ажойиб санъат асарлари яратиш мумкин. Бунинг учун хунар ўрганувчи толибдан кўп машқ ва меҳнат талаб этилади.

ўймани бажариш учун 1 та исканалар тўплами, ёғоч тахтачалар, қора қалам, чизғич, ўчириғич, жилвир қофози, шаффофф қофоз ва бошқаларни хозирлаб олиш зарур. ўймани сифатли чиқишида исканалар билан бир қаторда ёғоч материалларнинг сифатига ҳам боғлиқ. ўймакорликда ишлатиладиган ёғоч материаллари қаттиқ, пишиқ, пухта, намга ва чиришларга чидамли ҳамда кам бутоқ, силлиқ, тўғри ва ёрилмаган бўлиши талаб этилади. Дастрлаб тахтачани керакли ўлчамда кесиб, рандалаб олингандан сўнг, аввал йирикроқ, сўнгра эса майин жилвир қофозида жилвирлаб текисланади. ўйища ёнғок, ўрик, қора қайин, мирзатерак каби ёғоч материаллари жуда қўл келади.

Текисланган юзага аввалдан тайёрлаб қўйилган ахта ёрдамида нақш намунаси туширилиб қора қаламда чизиб чиқилади (49-57 расмлар). Сўнгра нақшнинг ҳар бир элементини, қисмини, турини ва гурухини ўйишда “Оддийдан муракабга, осондан қийинг” тамойилига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим. Нақшларнинг қанақа гурухларга мансублиги, ўйманинг йирик ёки майдалигига қараб, дастлаб ярим гажак, гажак, новдалари, таноблари балиқ сиртли искана билан кесиб чиқилади. ҳошиянинг четлари эса куракча искана ёрдамида кесилади. Нақш атрофи тўлиқ кесиб бўлингач, маҳсус учи эгик искана билан нақшнинг замини ўйилиб чуқурлаштирилади. Уйма заминининг текислашда эса тўғри исканалардан фойдаланилади. Ислимий нақшлари 0,5 см дан 1 см гача бўлган чуқурликда ўйиб, сўнгра чакичланади.

Ўйма тўлиқ бажариб бўлингач, нақш турига мос пардоз тури танланади. Биз ўйётган 9 та йўл ичидаги оддий ислимий нақш намунасида деярли пардознинг мураккаб турлари учрамайди, фақатгина чизма пардоз билан чегараланилади. ўйиш сир-асорорини ўрганаётган толибга дастлаб ўйишни пухта эгаллаб олиши, сўнгра пардознинг пах (ёйма), чока (ёрма), лўла ва табақа турларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

#### **IV. ОДДИЙ ПАРГОРИ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ЎЙИШ.**

Паргори нақши ислимий нақшига қараганда анча мураккаб бўлиб, устадан анча кўп меҳнат, сабр-тоқат ва чидамни талаб этади. Паргори нақшини ўйишда аввалги усталаримиз ахтани ўйиладиган юзага қўйиб, устидан қалам, циркуль ва чизғич ёрдамида чизиб ўйишар ёки ахтани ўйиладиган юзага қўйишгандан сўнг, ахта устидан куракча искана ёки кескич билан кесиб юзага туширишар ва ўйишар эди. Бу эса ўзига хос қийинчилик олиб келар ва ўймани сифатига путур етказарди.

Уймакор усталар бугунги кунда ахтани игна билан тешиб, хока ёрдамида ўйиладиган юзага тушириб, сўнг қора қаламда чизиб чиқидилар. Бу ўйманинг сифатли, жозибадор ва кўркам чиқишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ёғоч ўймакорлигига оид йўл ичидаги оддий паргори нақш намуналарини ўйишда ислимий нақшларини ўйганимиз сингари амалга оширилади. Ёғоч материаллардан ёнғоқ, ўриқ, олма, қора қайин, мирзатерак ва шумтол кабилар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Ушбу дараҳтлардан олинган тахтачаларни керакли ўлчамда кесиб, рандалаб жилвирланади.

Текисланган юзага ахта ва хока ёрдамида нақш намунасини туширилиб қора қаламда чизиб чиқилади (58-64 расмлар). ўйиш жараёни ислимий нақшларини ўйиш босқичи сингари амалга оширилиб, дастлаб ярим гажак, гажак ва бандлари кесиб чиқилади. Паргори нақшини ўйишда асосан 5 хил асбоб ишлатилади. Нақш атрофини кесиб чиқиша нова искана, балиқ сирти искана ва тўғри искана ишлатилса, заминини ўйиб текислашда замин искана ишлатилади.

Паргори нақшларининг заминини чакичлашда чекма исканаларга нисбатан чекма қаламлар кўпроқ ишлатилади. Чакишлиш жараёнида чекма қалам тифини ўймага тик ушлаган ҳолда уриб чиқилса, бир хил кўринишга эга бўлади, нафислиги ва жозибадорлиги ошади. Одатда паргори нақшлари 1,5 мм дан 3 мм гача ўйилади. Бу паргори нақшининг ўзига хос томонларидан бири ҳисобланади.

Уймани бажариш давомида ҳар бир исканани эҳтиёткорлик билан ўз ўрнида ва ўринли ишлатишни ўрганиш лозим. Бу эса ўйилаётган юзанинг сифатли, кўркам ва жозибадор чиқишига олиб келади. Исканаларни ишлатиб бўлгач нотўғри жойга қўйиш, бир-бирига урнитириш асбобни тезда ўтмас бўлишига олиб келади ва ўйма сифатига путур

етказади. Исканаларни махсус тайёрланган қутичаларда ёки юмшоқ латта материалга ўраган ҳолда сақлаш керак.

Исканаларнинг сифатли сақланиши ва узоқ муддат ишлашини таъминлаш учун ўйиш жараёнида искана тифини кир ювиш совунига вақти-вақти билан ботириб туриш зарур. Кир совунида мавжуд бўлган ёғ исканани тахтачага урган вақитда биринчидан тишлишиб қолмаслигини таъминласа, иккинчидан нақш элементларини кўчиб кетишини олдини олади ва сифатли чиқишини таъминлайди.

## ТА Я Н Ч Т У Ш У Н Ч А Л А Р:

**ДИАГОНАЛ** (русча < лотинча) – квадрат ёки кўпбурчакнинг қўшни бўлмаган икки бурчагини ёки кўп бурчакнинг икки учини бирлаштирувчи тўғри чизик.

**ДИАМЕТР** (русча < грекча) – айлана ёки шарнинг марказидан ўтиб, унинг икки нуқтасини бирлаштирувчи тўғри чизик.

**КВАДРАТ** (русча < лотинча) – тенг томонли тўғри бурчак.

**КУВА** – бўғзи сиқиқроқ узун сапол идиш (сув, сут ва шу каби суюқликлар солиш учун ишлатилади).

**ПАРАЛЛЕЛ** (русча < лотинча) – 1). Бир текисликда ётган ва ўзаро сира кесишмайдиган; мувозий, ёndoш.

2). Бир томонга қараб йўналган ва бир-биридан деярли тенг узоқликда ёнма-ён жойлашган.

3). ўзаро ёndoш чизиқларнинг ҳар бири.

**РАФТОР** (форс - тожикча) – ҳатти-харакат, юриш-туриш, қадам олиш.

**РИТМ** (русча < грекча) – бирор ходиса ёки иш-харакат элементларининг маълум тартибда ва маълум вақт оралиғида ўлчовли равишда бир текис такрорланиб туриши ва шундай такрорийликнинг ўзи.

**ТОЛИБ** (арабча) – 1). Талаби бўлган, талабгор.

2). Мадраса ўқувчиси; ўқувчи.

**ЦИРКУЛ** (русча < лотинча) – айлана, доира чизишга, чизиқлар узунлигини ўлчашга хизмат қиладиган асбоб, паргор.

**ЧОРАК** (форс - тожикча) – тўртдан бир улуш; тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири.

## МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Нақш элементларини қайси гурухларга ажратиш мумкин?
2. Нақш нималарнинг бирлашувидан ташкил топади?
3. Ёғоч ўймакорлигига оид оддий нақш намуналарининг сони нечта?
4. Ёғоч ўймакорлигига оид оддий нақш намуналари қандай нақш турларидан ташкил топган?
5. ўймакорликка оид оддий ислимий нақш намуналарининг сони нечта?
6. ўймакорликка оид оддий паргори нақш намуналарининг сони нечта?

7. 16 та нақш намуналарининг номини биласизми?
8. Нақш намуналарини чизиш босқичлари қандай амалга оширилади?
9. ўймани бажаришда аввал қандай ишлар амалга оширилади?
- 10.Чакишлишда ишлатиладиган қандай асбобларнинг номини биласиз?
- 11.ўйма замини қайси исказа ёрдамида ўйилади ва текисланади?
- 12.ўйиш босқичлари қандай амалга оширилади?

## ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР ВА УЛАРДАГИ ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ

Ватанимиз Мустақилликка эришгандан сўнг ҳар жабҳада ижобий ўзгаришлар, юксалишлар сари бораётганимиз қувонарли ҳолдир. Миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ота-боболаримиз қолидирган бой меросни қадрига етиш ва улардан ўз ҳаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, уларнинг рухи ҳар доим бизга мададкор эканлигини дилдан ҳис қилиб туриш бугунги биз эришган ва эришаётган ютуқларимизнинг гарови эканлигини қайд этиб ўтишимиз жоиз бўлмаса керак. Чунки бугунги кунга келиб ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор хайрли ишларни таъкидлаб ўтиш киши рухиятида фахрланиш туйғусини уйғотади.

1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг навбатдан ташқари IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Йонун ва “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”, шунингдек, “Халқ бадиий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги каби Фармонлари ёшларни миллий ифтихор, миллий ғурур туйғулари билан тарбиялашга қаратилган десак муболага бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда нафақат таълим, савдо-сотик, фан ва техника балки миллий хунармандчилигимизда ҳам салмоқли ютуқларга эришмоқдамиз. Миллий хунармандчилигимиз ҳаттоқи давлат сиёсати даражасигача кўтарилиб, нга алоҳида эътибор билан ёндашилаётгани бугунги кунда сир эмас.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган обидалар, асори-атиқаларни қайта таъмирлаш, уларга қайтадан жон, жозиба ва гўзаллик баҳш этиш, қолаверса биздан узоқлаштирган, умуман бегонага айлантириб қўйишга қилинган ҳаракатлар оралиғидаги пардалар кўтарилиб ҳақиқат яна қайта қаддини ростлади. Яна ўз юртига Алпомиш, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Амир Темур ва яна кўплаб бизнинг бобокалонларимиз қайтиши. Уларнинг рухи покларини шод қилиш, қолаверса кейинги авлодларга етказиш мақсадида қурилган бетимсол ёдгорликлар, асори-атиқалар фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Маълумки, ўтмишда ҳалқ ўртасида амалий санъат турлари бўладими, косибчилик ёки хунармандчилик бўладими барчаси “устоз-шогирд” анъаналари асосига қурилган. Ушбу анъаналар отадан-болага, боладан-отага ўтиб ривожланиб келди ва ҳалқ санъатининг у ёки бу турли ҳозирги кунда ҳам унинг ривожига муносиб хисса қўшиб келмоқда. Бугунги кундаги ривожланиш ва тараққиёт зарурати боис замонавий касб-ҳунар мактаблари, лицейлари, коллажлари кўринишда соҳалар бўйича профессинал усталар тайёрламоқда. XX асрнинг 90 йилларига келиб тарқоқ ҳолда ижод билан шуғулланаётган профессинал усталарнинг кўплиги қисми бирлаштирилиб турли марказ ва уюшмалар қошида ўз ижодий изланишларини олиб бормоқдалар.

Шу йилларда Республика маҳсус ижодий-ишлаб чиқариш “Усто” бирлашмаси, “Мусаввир” ва “Хунарманд” илмий-ишлаб чиқариш марказларининг ташкил топиши айни муддао бўлди. Чунки, “Усто” бирлашмаси аъзолари Давлат аҳамиятига эга бўлган йирик-йирик иншоотлар ва қурилишларда ўз ижодлари билан иштирок этиб, биноларни бадиий жиҳатдан безак ишлари рухиятни кўтариб келишаётган бўлсалар, “Мусаввир” ва “Хунарманд” илмий-ишлаб чиқариш марказлари аъзолари ўз ижод намуналарини мазкур марказ орқали тарқатадилар. Шу тариқа марказ усталарга методик ёрдам кўрсатадилар,

уларнинг ижод намуналарини омма орасида, шунингдек, Республика ва хориж давлатларида бўладиган йирик кўргазмаларда, танловларда иштирок этишини таъминлайди ва тарғиб қиласди. Ушбу марказлар туфайли бугунги кунда қатор усталаримизнинг ижод намуналари хориж музейларидан ва шахсий коллекциялардан ўрин олиб келмоқда.

Хозирги кунда ёғоч ўймакорлиги санъати ўзининг ўтмишдаги мовқеини қайта тиклаб, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва Республика из вилоятларида ҳамда Йорақалпогистон Республикасининг бошқа йирик шаҳарларида бунёд этилиб фойдаланишга топширилаётган ёки қайта таъмирдан чиқарилаётган кўплаб диний ва дунёвий характердаги иншоотларда ўз аксини топиб келмоқда. ”Усто” бирлашмаси аъзоларитомонидан сўнгги йилларда кўплаб йирик обьектларқурилиб, биноларнингэшиги, дарвозаси ва устунлари ёғоч ўймакорлиги санъатинингсунгги ютуқларидан кенг-кўламда фойдаланилган ҳолда гўзал ва жозибадор қилиб безатмоқдалар. Масалан, 1989-92 йилларда Россиянинг Ворониж ва Москва шаҳарларидағи ”ўзбекистон” ва ”Наманган” савдо мажмуалари; 1993 йилда ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи, Бекобод шаҳридағи металлургия комбинатининг оромгоҳи; 1994 йилда ”Юнусобод теннис” корти, ”Туркестон” концерт зали ва ”Алгоритм” заводи; 1995 йилда ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги биноси; 1996 йилда Темурийлар тарихи Давлат музейи; 1997 йилда Олий Мажлиснинг янги биноси, ”Гулистон” спорт мажмуаси; 1996-98 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг янги биноси, ўзбекистон Президенти Аппаратининг Матбуот маркази; 1998-99 йилларда ўзбекистон Президентининг ”Оқ сарой” қароргоҳи, Давлат ”Цирк”и биносининг эшиги, ”Хотира ва Йадрлаш майдони” мажмуаси, ”Шеротон-Тошкент” меҳмонхонаси; 2000 йилда ўзбекистон Банклар Ассоциацияси биноси, ўзбекистон Республикасининг Хиндистон, Германия, Малайзия (1993 йилда) давлатларидағи элчиҳоналарининг бинолари, шунингдек, Тошкент шаҳри Сайлгоҳ кўчасидаги чойхона айвони, Самарқанд шаҳридаги Имом ал-Мотурудий мажмуасини, Челак туманидаги Имом ал-Бухорий мажмуасини, Булунғур туманидаги Жума масжидини, Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуалари шулар жумласидандир.

Юқоридаги иншоотларда ёғоч ўймакорлиги асосида дарвозалар, эшиклар, деразалар, устунлар ва пештоклар ўзига хос композицион ечимга эга бўлган ажойиб асори-атиқалар билан безатилган. Пойтахтимиз Тошкентдабунёд этилган Олий Мажлиснинг янги биноси учун ишланган эшиклар алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу бино эшигини ишлаган устазода, яъни Н. Ибрагимовнинг қизи М. Ибрагимова ёғоч ўймакорлиги санъатининг ўзига хос намунасини яратишга эришган. Олий Мажлис биносининг эшиги учун маҳсус субтиroppик зона Малайзиядан келтирилган пальма дарахти ёғоч хом-ашёсидан тайёрланган бўлиб, эшикка безак беришда ўсимликсизон (ислимий) ва занжира нақш композицияларидан фойдаланган.

Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонидан унча узоқ бўлмаган жойда Ҳазрат Имом ал-Мотурудий Кабристонида бунёд этилган мақбара ўзига хослиги, ёғоч ўймакорлигининг замонавий мотивлари билан бойитилганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Мақбаранинг ичкарисига учта икки табақали эшик орқали кирилиб, ҳар бир эшик ўзига хос тарзда гўзал дид ва маҳорат билан ўйма безакларда ишлов берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Эшиклар учун маҳаллий материаллардан бири чинор танланиб, эшикларга унинг табиий гуллари ўзгача бир жозиба баҳш этиб турибди. Эшиклар ёғоч ўймакорлигининг Самарқанд мактабига хос услубда безатилган бўлиб, бир қаватли ўйма ва табақа пардоз туридан кенг фойдаланилган.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган ”Хотира ва Йадрлаш майдони” комплекси 1941-45 йилларда Германия билан бўлиб ўтган иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз, уларнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган ажойиб санъат намунасидир. Лойиҳа муаллифлари барча вилоятларнинг ўзига хослигини кўрсатишга ҳаракат килганлар.

Ушбу мажмуа миллий ҳунармандчилигимизнинг ёғоч ўймакорлиги санъати билан безатилган бўлиб, бир-бирига қарама-қарши жойлашган айвонлардан иборат. Ҳар икки айвонда ҳам 21 тадан ўйма устун ўрнатилган. Устунларнинг 17 тадани бир қаторга

ўрнатилган бўлиб, марҳумларнинг номи зикр этилган зарҳал “китоблар” ўрнатилган деворининг икки томонига 2 тадан 4 та ўйма устун ўрнатилган. Ушбу мажмуа Республикализнинг ҳар бир вилоятлари, Тошкент шахри ва Йорақалпоғистон Республикаси учун алоҳида-алоҳида павильонлар ажратилган бўлиб, ҳар бир вилоятнинг ўзига хослигини кўрсатишга интилганлар.

Мажмуа “тўрида” ўтирган мотамсаро Онанинг ўнг томонидаги бўлим Тошкент шаҳридан урушга кетган жангчиларнинг номларини зикр этиш билан бошланади. Устунлар ўймаси бир қаватли исслими нақшлардан ташкил топган. Пардоз турининг чока (ёрма) ва табака турларидан унумли фойдаланилган. Нақш композициясини асосан бандлар ва гуллар ташкил этади. Кейинги бўлимлар Хоразм ва Тошкент вилоятларига ажратилган бўлиб, нақш композицияси ўзига хос бўлсада, ўймани бажариш ва пардоз турлари деярли бир хил услубда бажарилган. Сурхандарё ва Сирдарё бўлимлари эса ўзига хос бўлиб, ўймасининг чуқурлиги, нақш композициясини барглар, баргли гуллар ташкил этади. Чока ва табака пардоз турларидан унумли фойдаланиоган.

Самарқанд ва Іашқадарё бўлимларида ҳам аввалги бўлимлардаги каби нақш композицияси барглар ва баргли гуллардан ташкил топган бўлсада, пардоз турларининг пах, лўла ва табака турларидан кенг фойдаланилган.

Айвоннинг иккинчи томонидан Йорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоят бўлимлари жой олган бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Бухоро вилояти бўлимларида устунлар 1 қаватли ўйма, кам заминли, унча чуқур бўлмаган ва нақшнинг исслимий туридан ташкил топган. Қолган бўлимларда 2 қаватли ўймадан ўта нозик дид билан фойдаланилган бўлиб, нақш композициясини асосан барглар ва баргли гуллар ташкил қиласди. Пардознинг барча турларидан унумли фойдаланилган.

Мажмуани ҳар икки томонидаги устунларнинг пойустуни, ўрта қисми ва юқориси, яъни муқарнаси бир хил кўринишда танланиб ўзига хос гўзаллик кашф этиб турибди. Шунга қарамай, мажмууда ўзбекистон ёғоч ўймакорлигининг илфор анъаналарини амалда кўллай билганлар. Айвоннинг харилари, тўсинлари, пештоқлари, калваклари (қошлари) ва воссаларини безашда ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналаридан кенг фойдаланилган. Шундай бўлсада нақшлар текисликнинг сиртини буткул қопламай, лавҳларларда амалга оширилган. Устунларнинг бўйи 2,5м x 3м қилиб танлаб олинганлиги айвонларнинг умумий баландлигига ҳамоҳанг тушиб, улар бир мунча енгил ва нозиклиги билан эътиборга молик. Навоий вилояти бўлимига ўрнатилган устунларнинг бирида “Асадов Миржалол. Самарқанд. 1999 йил” деган ёзувни учратишимииз мумкин.

“Хотира ва Йадрлаш майдони” мажмууси мустақиллик майдонидаги очиқ майдонда жойлашган. Комплекснинг атрофидаги табиат манзараси билан боғлиқлигини сақлаб қолиш мақсадида, ундаги харилар, тўсинлар, пештоқлар, калваклар (“қошлар”), вассажўстлар ва бошқа қисмлар учун ўсимликсимон, яъни исслимий нақш турлари танлаб олинган ва амалга оширилган. Шу орқали муаллифлар табиат билан мажмуа орасидаги ўзаро уйғунлашувини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Ушбу мажмуудан фарқли ўлароқ Самарқанд вилоятининг Челак туманида қад ростлаган И мом ал-Бухорий мажмуусида бошқачароқ манзарани кузатамиз. Мазкур меъморий комплекс ўз навбатида нақрошлиқ, ганчкорлик, тоштарошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги санъатининг уйғунлашувидан бунёд этилган ўзбек меъморчилигининг ёрқин намунасидир.

Масжид-мажмуудаги ёғоч ўймакорлиги асарларини юқоридаги “Хотира ва Йадрлаш майдони” комплексида бўлгани каби, устунлар, пештоқлар ҳамда 3,60 x 5,5 метр ўлчамдаги катта дарвоза ташкил этади. Дарвозани М.Аброров бошлиқ ёғоч ўймакор усталар гурухининг ижод намунаси бўлиб, у ёғоч ўймакорлигининг оддий пардоз турларидан “чока (ёрма)” пардоз ва мураккаб пардоз турларидан “Лўла” пардоз турларидан унумли фойдаланганлар.

Ушбу комплексларда нафақат Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби, балки Республикализнинг бошқа вилоятлари -- Самарқанд, Хива, Кўқон ёғоч ўймакорлиги ва

наққошлик мактаблари вакиллари қатнашишлари натижасида кўпгина усуллар аксарият ҳолларда бир-бири билан уйғунлашиб кейинини кўришмиз мумкин.

Ўтган асрнинг 90 йилларида бунёд этилган масжид-мажмуалардан яна бири Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Жума масжидидир. Мазкур масжид-мажмуа тархидан тортиб унинг безакларигача мукаммал техник ишлови ва композицион ечими ўзига хос тарзда бунёд этилган. Масжид-мажмуадаги эшиклар, устунлар ва деразалар ёғоч ўймакорлигининг сўнги анъаналари асосида гўзал ва жозибадор қилиб безатилган. Ушбу масжид-мажмуага уйғун ҳолда қурилган хужралар умумийликни яхлитини ташкил қилиб туриди. Бу комплекснинг пойдеворидан тортиб безак ишларигача Кўқонлик уста Баҳриддин Аҳмедовнинг фарзандлари Мирсаид Баҳриддинов ва Муҳаммадюсуп Аҳмедовлар бошчилигига қуриб битказилган. Масжиднинг уч томони ўйма устунли айвон ва уч томонида З та ўйма эшиклар, шунингдек деразалар ҳам ёғоч ўймакорлиги билан ўзига хос қилиб безатилган. Масжидга ҳамоҳанг ҳолда қурилган хужралар олд айвони ўйма устунли қилиб қурилган.

Масжид қадимий кўш арақи сорровли ва вассажуфтли қилиб қурилган янада салобат, кўркамлик ва жозибадорлик касб этиб туриди. Нақш композицияларининг бежиримлиги, мукаммал техник ишлови, монументаллиги, ўймаларнинг чуқурлиги, иириклиги Кўқон ёғоч ўймакорлиги мактабининг ёрқин намунасиdir. ўйма устунлар, эшиклар ва деразаларга ўсимликсимон-ислимий нақш композицияси танланиб, буюмга мослиги, ҳар бири бетакрор композицион ечимга эга эканлиги билан диққатга сазовордир. ўймага ҳамоҳанг тарзда танланган “пах (ёйма)” ва “табақа” пардоз туридан унумли фойдаланганлар.

Бугунги кунда замоннинг ривожланиб бориши, замонавий сайёҳликнинг ривожига олиб келди, натижада совғабоп буюмлар ишлаб чиқариш оммавийлашди. Бу борада “Мусаввир” илмий-ижодий-ишлаб чиқариш марказининг улуши беқиёс. Марказнинг ёғоч ўймакор усталаридан - О.Файзуллаев, А.Азларов, Э.Алиев, А.Сайдалиев, З.Алимбоев, С.Рахматиллаев М.Жалолов, Ҳ.ўаниев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта. Юкорида номлари зикр этилган усталарнинг ижод намуналари нафакат республикамида, балки хориж кўргазмаларининг фаол иштирокчисига айланиб улгурган. Шу билан бирга Германия, АЛШ, Буюк Британия, Швейцария, Белгия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ўнлаб мамлакатлардаги музейлардан ва шахсий коллекциялардан жой олган.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жойизки, А.Азларовнинг майший характердаги асарлари ўзининг нақш композициясининг бежиримлиги, мукаммал техник ишлови билан бошқа усталарининг асарларидан кескин ажralиб туради. Уста қанақа ёғоч хом-ашёсидан ишламасин, ёғочнинг табиий кўркамлиги ва фактурасинисақлаб қолишга ҳаракат қилиши таҳсинга сазавор. Азларовнинг яна бир услуби шундан иборатки, у баъзи асарлари устида ишлаётганда ёғочнинг сиртига нақш ўйилганда эса, ундаги қорамтир тус билан ёғочнинг ўйилган оч-қизғиши ранги бир-бирига қарама-карши бўлиб, асарнинг жозибадорлигини, кўримлилигини ва гўзаллигини янада оширибкиши рухиятига таскин беради, асабини тинчлантиради. А.Азларов ўзи яратган бетакрор санъат асарлари, тинимсиз ва машақкатли меҳнатлари эвазига ҳар йили Республика измида ўтказиладиган халқ ҳунармандчилигининг “Ташаббус-2000” кўрик танловининг ғолиби бўлди.

Кўриниб турибиди, замонавий иншоотларда кўлланилаётган санъат турлари ва айнан Республикаизнинг бош майдонидаги бундай ёдгорликни фақат ёғоч ўймакорлиги билан безатилиши ушбу санъат турининг бугунги кунда гуркираб ривожланиб бораётганлигидан далолат бераб туриди. Ёғоч ўймакорлигининг бугунги кундаги бундай ютуқларга эришуvida бир неча шогирдларнинг устози, 1973 йилдан Рассомлар уюшмасининг аъзоси, ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Бадиий Академиясининг фахрий академиги Ортиқ Файзуллаевнинг қўшган ҳиссаси беқиёсdir.

Ортиқ Файзуллаев 1933 йил 1 майда Тошкентда туғилди. Унинг ёшлигидан шеъриятга, мусиқага ва амалий санъатга бўлган қизиқиши 1952 йилда П.П.Бенъков номидаги Бадиий билим юртига бошлаб келди. Билим юртида у таникли ёғоч ўймакорлиги устаси

Мақсуд Йосимов қўлида таҳсил олди. О.Файзуллаев 1957 йили ёшлар фестивалида ўзининг курси, қутича ва бошқа асарлари билан иштирок этиб, “Жаҳонга тинчлик” панноси учун “Фестивал лаурияти” унвонини олди. У ўзи устида тинмай ишлади, изланди. Бунинг натижасида у “ўзбекистон” меҳмонхонасини, “Мовий гумбазлар” иншоотини безашда фаол иштирок этди.

ўймакор рассом Ортиқ Файзуллаев Республикаиздаги кўплаб замонавий иншоотларни, энг йирик маъмурий биноларнинг бадиий жиҳатдан жозибадор ва гўзал қилиб безашда иштирок этди. У Республикаизнинг адабиёт ва санъат музейини, хозирги тарих музейини, Тошкентдаги санъат саройини, “ўзбекистон” теплоходининг кафесини, Кисловодскийдаги “ўзбекистон” санаториясини, Паркент туманидаги Чотқол қўриқхонасининг табиат музейини, Йарши шахридаги музейлардан бирини, пойтахтимиздаги Тошкент меҳмонхонасини, Вазирлар кенгаши боғини бадиий безашда ёғоч ўймакорлигининг узоқ асрлик бой анъаналаридан кенг фойдаланилган ҳолда уларни айнан қайтармасдан замонавий рухга монанд янги жило ва безаклар билан бойитади.

“...Вазирликлар кенгаши боғидаги ёғоч ўймакорлиги ишлари, бир қарашда анъанавий ислимий ишларни эслатади. Шу билан бирга ундаги деталларнинг нисбатлари, чизиклари ўйноқилиги, уларнинг харакати оралиғига нақш учун танланган чуқурлик, йирик деталлар ритмикасининг муносиблиги асарга алоҳида жозиба баҳш этган. Ижодкорнинг анъанавий нақш ўймакорлигига янгича реалистик деталларни киритишга интилиши унинг “Халқ усталари” ва айникса, “Анор”нақш композициясида яққол кўзга ташланади. “Анор” композициясида тасвиirlangan анор шохи ва ундаги мева, қушлар тасвири бир томондан реал кўринишини ифодаласа, иккинчломондан, тасвиридаги шартлилиқ, афсонавийликка интилиши бутун композицияга алоҳида хусн ва жозиба бағишлиайди”. (С.С.Булатов, ўзбек халқ амалий безак санъати.-Т.: “Меҳнат”, 1991, 237-бет).

Ортиқ Файзуллаев ўймакорлигининг мураккаб турларидан бири ҳисобланган панжара санъати билан қизиқиб бу борада ҳам салмоқли ютуқларга эришган. Михсиз, елимсиз ишланадиганпанжара ижодкордан ғоят катта истеъод, чидам ва матонат талаб қиласди. Панжарадаги деталларнинг ҳар бирида юксак даражадаги математик аниқлик лозим. Уста 1962 йилда яратган уч табақали панжарали ширманинг ҳар бир табақаси тқрт бўлакка ажратилган бўлиб, буларнинг уч бўлагида панжара ишланган. Устанинг панжара учун оқиш ёғоч ҳамда чеккаси қорамтири-жигаррангга бўяб ишлов беришидир. Ёғочнинг сиртига нақш ўйилганда эса, ундаги қорамтири тус билан ёғочнинг ўйилган оч-қизғиши ранги бир-бирига қарама-қарши бўлиб, асарнинг жозибадорлигини, кўркамлигини ва гўзаллигини янада ошириб киши руҳиятига таскин беради, асабини тинчлантиради. А.Азларов ўзи яратган бетакрор санъат асарлари, тинимсиз ва машақкатли меҳнатлари эвазига ҳар йили Республикаизда ўтказиладиган хунармандларнинг “Ташаббус-2000” кўрик танловининг голиби бўлди.

Чунончи, Ортиқ Файзуллаев ўрининг асарларида анъанавий ўсимликсимон нақш композициялари билан биргалиқда қандай-геометрик нақш композицияларига ҳам кенг ўрин бераб кўплаб ютуқларга эришиб келмоқдалар. Уста Ортиқ Файзуллаев ҳозиргача 100 дан ортиқ кўргазмаларда иштирок этиб келаётганлиги устанинг тинмай изланишда эканлигидан далолат бераб турибди. У 1994 йили Покистонда 46 мусулмон мамлакатларидан иштирок этган амалий санъат усталари фестивалида қатнашиб фахрли тўртинчи ўринни эгаллаб қайтдилар. Ортиқ Файзуллаевга 1995 йил 26 октябрда Тошкент шахрида ўтказилган биринчи республика халқ амалий санъат ярмаркасида “Халқ устаси” сертификати берилди.

Эл таҳсинига сазовор моҳоратли уста Ортиқ Файзуллаев бугунги кунда Республика Рассомлик коллежида ёшларга ўймакорлик санъати сир-синоатларини ўргатиб келмоқда. Устанинг таълимини олган Эргаш Алиев, Ботир ўёниев, Абдувосиқ Сайдалиев, Мирза Нажмиддинов, Раҳим Маликов каби шогирдлари бугунги кунда ўзларининг ажойиб асарлари билан ўймакорлик санъати ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб қилмоқдалар.

Ортиқ Файзуллаев яратган санъат асарлари нафақат республикаиз музейларида, балки Япония, Германия, Туркия, Польша, Финландия, АЛШ, Буюк Британия, Покистон каби

чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этиб келенмоқда, шунингдек шахсий коллекцияларидан ўрин олмоқда.

Ёғоч ўймакорлигининг ҳар бир мактаби ўзига хослиги, ўйиш ва пардоз усуллари, нақш композициясининг янги-янги ижодкор усталарининг етишиб чиқаётганлиги билан боғлиқдир. Кўқон ёғоч ўймакорлик мактабида ҳам бугунги кунда Хусан Умаров ва Теша Исмоилов каби истеъодли ўймакор усталар етишиб ёшларга хунар сирларини сидки дилдан ўргатиб келмоқдалар. Кўқонлик шундай усталардан бири Баҳриддин Аҳмедовдир.

Баҳриддин Аҳмедов 1929 йил 1 июнда Фарғона вилояти Бешариқ тумани “ўзбекистон” жамоа ҳўжалигига қарашли Янги қишлоқ қишлоғида дунёга келди. (1-расм). У дастлабки хунармандчилик сирларини отаси Мирзомаҳмуд Аҳмедовдан ўрганди. Мирзомаҳмуд ота ўша даврнинг етук дурадгор усталаридан бўлиб, ўзи амалга ошираётган ҳар бир ишда янги бирор усул қўллашга интиларди. Бино шифтини араки, қўш араки, араки сарров ёки қўш сарров усулида безамасин, уларга ўйма безаклар билан жило беришни ҳуш кўради. Унинг энг яқин ёрдамчиси ўғли Б.Аҳмедов эди.

Ёш устозода отаси бажараётган ҳар бир ишни синовчанлик билан кузатар, унинг туб моҳиятини тушуниб етишга интиларди. У 16 ёшида биринчи бўлиб мустақил равишда колхоз клуби биносини қуриб битказади ва ҳалқ орасида “уста” деган ном олади. Шундан сўнг ўзи мустақил равишда катта кичик бино ва иншоотларни қуришига бошчилик қилиб гўзал ва бежирим кўринишда безай бошлади.

Айниқса, унинг хаётида 1978 йили жамоа ҳўжалиги ҳудудидан ўтган Тиян-шан тоғ тизмаларининг адрлигига қурила бошлаган “Боғу бўйстон” чойхонаси алоҳида саҳифа бўлди. Б.Аҳмедов ушбу чойхона қурилишида дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлиги бўйича бошчилик қилиб, чойхона айвонига 12 метр узунликда араки-сарров тортиб ўзига хос гўзал асар намунасини яратади. Айвон ўйма безакли устунлар, чойхонага кириш учун 1 та асосий ва 2 та қўшимча эшикларни ёғоч ўймакорлигининг янги мотивлари билан бойитган ҳолда безайди.

“Боғу бўйстон” чойхонаси ҳар жиҳатдан ҳалқ эътиборини қозонади. Унинг очиқ ва соф ҳавода бунёд этилганлиги, тарҳининг ва безатилишининг ўзига хослиги бир-бири билан уйғунлашган аниқ бир композицияни ташкил қиласди. Шундан сўнг 1980-82 йилларда Б.Аҳмедов Беш-ариқ шаҳрида айланана тарҳли “Мураббийлар” чойхонасини гир айланасига ўйма устунли, араки сарровли айвонни бадиий жиҳатдан нафис ва гўзал қилиб безайди.

1983-84 йилларда Фарғона вилояти Агросаноат бирлашмаси ошхонасининг айвонини ва Беш-ариқ туман пахта тозалаш заводининг чойхонасини ўйма безаклар билан безаган бўлса, 1984-86 йилларда Жиззах вилояти Зомин туманидаги Жомеъ масжиди ва “Сайқал” чойхонасини миллий рухда, қадимий анъаналар асосида ёғоч ўймакорлигининг янги, ўзига хос йўналишида безатади. Баҳриддин Аҳмедов “Сайқал” чойхонасининг тарҳини режалаштиришда ҳам муаллифларга яқиндан ёрдам берадилар. Ушбу чойхонанинг тарҳи бетакрор меъморий иншоотлардан бирига айланиб, ҳалқнинг севимли оромгоҳларидан бири бўлиб қолишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Чойхонада 15 та устун, 1 та асосий ва қўшимча эшиклар ўйма безаклар билан безатилган.

Аҳмедовнинг ютуқларидан бири, у бошчилигига қуриб битказилган ҳар бир иншоотнинг тарҳидан тортиб уни қуриб битказгунга қадар бош-қош бўлиб, янги-янги услубларда безатишга қизикиши, ҳоҳ у дурадгорлик бўлсин, ҳоҳ у ўймакорлик бўлсин бир маротаба амалга оширган услубдан воз кечиши, бетакрор санъат асарини бунёд этишга интилишидадир. Буни “Сайқал” чойхонасида қўллаган кўп қаватли араки сарровлардан ажойиб санъат асарини яратганлигига кўришимиз мумкин. Ушбу чойхонанинг айвони техник жиҳатдан мукаммал, эстетик жиҳатдан гўзхал, кўркам ва жозибадор чиқсан. Б.Аҳмедов қайерда ва қандай ишни амалга оширмасин у устазода уста деган муқаддас номни оклашга интиладилар.

Баҳриддин Аҳмедов ҳар бир ишни амалга оширап экан дид билан, чин кўнгилдан бажариш учун ҳаракат қиласди. ўзи қуриб битказган иншоотларда олиб борган безак ишларида ўймага мос пардоз турини танлаб, янгича талқинда бажарадилар. ўймакорликда

мавжуд бўлган пардоз турларининг барчасидан унумли ва ўз ўрнида фойдаланилади. “Пах (ёйма)”, “Чока (ёрма)”, “Лўла” ва “Табақа” пардоз турларидан қўллаб ажойиб гўзалликка эришмоқдалар.

Бугунги кунда устанинг фарзандлари Мирсаид Баҳриддинов ва Муҳаммадюсуф Аҳмедов, шогирдлари Аҳаджон Нишонов, Султонали Асрақулов ва набираси Ахрорбек Тўхтабоевлар ўзлари қурган бинолар ва унинг безак ишлари орқали амалий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Республикамизда сўнгги ўн йил мобайнида ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати ҳақиқатдан ҳам ривожланиб, унут бўлиб бораётган баъзи услубларни қайта тикланаётгани, нақш турларининг рўйхати йил сайин кенгайиб бораётгани ва ислимий нақшларининг бир неча турлари уйғунлашиб кетаётганинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Биргина “паргори” услубини олиб кўрсак, у XIX-XX асрнинг бошларидаги Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабидаайнимқса машҳур бўлиб, сўнгги пайтларда деярли қўлланилмаётган эди. Ҳозирда эса у қайта тикланиб яна буюмларни гўзал ва жозибадор қилиб безашда ўймакор усталаримиз томонидан қўлланиб келинмоқда. Маҳаллий ёғоч хом-ашёларидан ёнғоқ, чинор, қайрағоч, нок, ўрик ва бошқа материалларга талаб кучайиб бормоқда. Шунингдек, четдан келтириладиган Руминия буки ва Малайзия пальмаси каби ёғоч навларига эътибор ортиб, усталаримиз томонидан қизиқиш кучайиб бормоқда.

Бугунги кунда фан ва техника ривожи усталаримиз хаёти ва ижодий фаолиятини ҳам четлаб ўтмади, балки ижодий изланишларини давом эттириш билан бирга ИНТЕРНЕТ ва комуникациянинг бошқа замонавий алоқа воситалари орқалисоҳаларига таллуқли янгиликлар билан танишмоқдалар. Шу орқали хорижий кўргазмаларда, Халқаро ташкилотлар томонидан хомийлик қилинаётган турли лойиҳаларда иштирок этибўзларининг касбий маҳоратларини янада ошириб келмоқдалар. Масалан, 1994 йили Покистондаги 46 мусулмон мамлакатлари қатнашган амалий санъат усталари фестивалида, 1995 йил Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ташкилотининг лойиҳаси асосида ташкил этилган ҳалқ ҳунармандларининг ярмаркасида, 1996 йили Париж шаҳрида ўтказилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари доирасидаги кўргазмасида, 2000 йил Ганновер шаҳридаги Бутун жаҳон кўргазмаларида мувоффақиятли иштирок этиб дунё ҳалқарида юртимизга бўлган қизиқишларини уйғотиб келмоқдалар.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**АРАҚИ** (форс-тожикча) – шифтнинг гир айланасига, бўғот остига, эшик, дераза тепасигаташланган ёғоч, ёғоч нақш; карниз.

**БЎҒОТ** - қамиш солиб ёпилган томнинг девордан ташқари чиқиб турган қисми.

**КАРНИЗ** (русча < грекча) – 1. Бино деворининг устки қисмida ёки эшик, дераза устида горизонтал ҳолдаги чиқиқ қисми.

2. Шифт, бўғот остидаги тахта, ёғоч ёки ганчдан қилинган узун горизонтал безак; пирамон.

3. Дераза ёки эшик тепасида парда осиш учун ёғоч ёки металдан қилинган дор.

**КОМПЛЕКС** (русча < латинча) – бир бутунни ташкил қилган нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи.

**МОТИВ** (форс-тожикча) – сюжетнинг таркибий элементи, асарнинг асосий мазмуни, мавзу.

**ПЕШТОҚ** (форс-тожикча) – биноларнинг олд томонидаги серҳашам юқори қисми; арқ.

**ПИРАМОН** (форс-тожикча) – дераза ёки эшик тепасидаги токча.

**РЕАЛ** (русча - реальный) – 1. Ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган; ҳақиқий, чин, воқеий.

2. Амалий; амалга ошадиган, бажарилиши мумкин бўлган.

**РЕАЛИЗМ** (русча < латинча) – адабиёт ва санъатда аоқеликни, ҳаётни, унинг типик томонлари асосида бадиий образлар билан ҳаққоний ва туғри тасвирлаб беришни талаб этувчи йўналиш.

**РЕАЛИСТИК** (русча – *реалистический*) – 1. Реализм принципларига асосланган, реализмга хос.

2. Реал, амалий.

**САРРОВ** (форс-тожикча) – бинонинг икки ён томонидаги деворга, тўсинлар остига солинадиган ёғоч.

**ТЎСИН** – иморатнинг ва умуман ҳар қандай қурилма ёки иншоотнинг тепасига кўндаланг солинган бақувват балка.

**ТЎСИНБОП** – тўсинга ярайдиган, тўсин бўладиган.

**ТЎСИНЛИ** – тўсини бўлган.

**ТЎСИНЛИК** – тўсинбоп.

**ХАРИ** - тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч.

**ХАРИБОП** - харига ярайдиган, хари бўладиган.

**ШИП** – хона, уйнинг тепа қисми, томнинг хона ичидан кўринадиган сирти; шифт.

**ШИФТ** – шип.

**КОШ** – 1. Баъзи нарсаларнинг олд қисми, туртиб чиққан жойи; калвак.

2. Узук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гул-безак.

## **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Юртимизда халқ хунармандчилигини ривожлантириш тўғрисида қандай қонунлар қабул қилинган?
2. Республикамизда қандай ишлаб-чиқариш марказлари мавжуд?
3. Мустақиллик йилларида қандай меъморий иншоотлар бунёд этилди?
4. Имом ал-Мотурудий мақбараси қаерда ва у ҳақда нималарни биласиз?
5. “Хотира ва Йадрлаш майдони” комплексининг қурилиш тарихи ва безатилиши ҳақида нималарни биласиз?
6. Имом ал-Бухорий масjid-мажмуасини таърифлаб беринг.
7. Самарқанд вилояти Булунғир туманида қандай меъморий иншоот бунёд этилган?
8. Ёғоч ўймакор усталардан кимларни биласиз?
9. Ортиқ Файзуллаев хаёти ва ижодий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
10. Баҳриддин Аҳмедов қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби вакилларидан ва уларнинг ижодий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
11. “Сайқал” чойхонаси қайерда бунёд этилган ва ижодкор усталари кимлар?
12. Ёғоч ўймакорлиги усталари қайси хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этганлар?
13. Пойтахтимиз Тошкентда қандай замонавий иншоотлар бунёд этилди?
14. Айвоннинг харилари, тўсинлари, пештоқлари, калваклари (қошлари) ва вассаларини безашда ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналаридан фойдаланган мажмуа қайси?

## **БИРИКМАЛАР.**

### **I. ОДДИЙ БИРИКМАЛАР.**

Ёғочни ўймага тайёрлагунга қадар бўлган ишларни асосий қисмини дурадгорлик ишлари ташкил қиласди. ўймакор-уста фақатгина ўйиш билан чегараланиб қолмай арралаш,

рандалаш, тешиш, дурадгорлик дастгоҳларида ишлаш каби кўникма ва малакаларга ҳам эга бўлиш зарур. Чунки, ҳар бир ўймакорлик ишини бажариш дурадгорлик ишларини амалга оширишдан бошланади.

Дурадгорлик йўли билан тайёрланадиган буюмларнинг ва мебелларнинг қисмлари бир-бирига турли усуллар билан бириктирилади. Бирикмалар ҳосил қилишда ҳар хил бириктирувчи материаллардан фойдаланилади ва унда бир неча бириктириш усуллари қўлланилади.

Буюмларни бириктиришдан олдин у қандай материалдан тайёрланилаётганлигига, қандай мақсадда ишлатилишига ва унга қандай сифат берилишига қараб ҳар бир деталлари бир-бирига ўзаро оддий ва мураккаб кўринишдаги бирикмалар билан бириктирилади. Шундай қилиб бирикмалар иккига бўлининиши, яъни оддий ва муракка бирикмаларга бўлининиши билиб олдик.

Дастлаб оддий бирикмалар билан танишиб чиқамиз (67-а,б ва в расмлар). Ёғоч деталларни бир-бирига мих ёки шуруплар ёрдамида бириктириладиган бирикмаларга оддий бирикмалар дейилади. ўз навбатида оддий бирикмалар учга, яъни учма-уч бирикма, бурчакли бирикма ва тирноқли бирикмаларга бўлинади.

Учма-уч бирикмада икки деталнинг чокини бир-бирига тўғрилаб, чок бўлган жойининг устига ёки остига тахта, ёғоч қўйиб михланади (67-а расм). Бу бирикма қурилишсозликда ишлатилиб дала шийпонлари ва шу каби қуришларда фойдаланилади.

Бурчакли бирикмада икки деталнинг учи  $45^{\circ}$  бурчак остида кесилиб, бир-бирига тўғрилаб мих билан қоқилади (67-б расм). Бириктириш пайтида қай даражада бир-бирига жисплашиш ёки жисплашмайтганлиги текшириб қўрилиди ва бир-бирига жисплашгунга қадар қайта-қайта тешада чопиш ёки рандалаш йўли билан тўла жисплаштирилиб сўнг михланади. Бурчакли бирикма дурадгорлик ва бинокорлкда кенг қўлланилиб, у бино айвонининг хариларини улашда кенг фойдаланилади.

Тирноқли бирикмада икки деталнинг уланадиган ҳар икки учидан, яъни бирининг остки қисмидан, иккинчисининг уситки қисмидан ярим ёғоч кесиб олиниб, деталларнинг кесилган учлари бир-бирига устма-уст тушириб мих қоқилади. Бу бирикмадан бинокорликда кенг фойдаланилади (67-расм).

Оддий бирикмалардан бинокорликда кенг фойдаланилиб, бундай улашлар орқали ёғочлар бўйига узайтирилади. Бу бирикмаларни қўллаган ҳолда ёғочларни энига ҳам кенгайтириш мумкин. Одатда эшик ва дарвоза ясашда ана шундай бирикмалардан фойдаланган ҳолда уларнинг диласи уланади. Бириктириш пайтида ёғочдаги йиллик ҳалқалари ва толаларининг жойлашиши ва йўналишига эътибор бериб бириктириш керак.

## II. МУРАККАБ БИРИКМАЛАР.

Дурадгорлик бирикмаларининг кенг тарқалган турларидан яна бири мураккаб бирикмалардир. Бу бирикмалар оддий бирикмаларга нисбатан анча мураккаб бўлиб, улардан фойдаланишда алоҳида қунт ва маҳорат талаб қилинади. Дурадгор-усталар орасида мураккаб бирикмалар “Тирноқли бирикма” номи билан ҳам кенг қўлланилиб келинади.

Мураккаб бирикмалар иккита деталдан ташкил топган бўлиб, бири “Тирноқ” (баъзи жойларда “мурғоқ”), иккинчиси “кулокча” (баъзи жойларда “чалмак”) деб юритилади. Агар тирноқ ва кулоқчалар иккитадан ортиқ бўлса “Кўп тирноқли бирикма” дейилади. Кўп тирноқли бирикмалар мебелсозликда ва дурадгорликда – дарвоза, эшик, ромларни, шахмат тахтачаларини, дастгоҳларини ясашда қўлланилади. Бу деталларни бириктиришда елимлар орқали бириктирилади.

Демак, мураккаб бирикмалар елимлар ёрдами билан бириктирилган бирикмаларга айтилади (68-а,б ва в расмлар). Мураккаб бирикмалар ҳам ўз навбатида бир нечта турларга бўлинниб, қалдирғоч қуйруқ бирикма, ўрталиқ бирикма ва яширин бирикма деб аталади.

қалдирғоч қуйруқ бирикмалари кўпроқ ром, эшик ва дарвоза чорчўпларини бириктиришда, ёғочдан уйлар солишда ишлатилади. Бу бирикмаларда елимлар ёрдамида бириктирилгандан сўнг парма ёрдамида тешилиб ёғоч мих қоқиб мустаҳкамланади. (68-а расм).

Яширин ва ўрталиқ бирикмалари эса мебелсозликда кенг қўлланилиб мебел деталларини бириктиришда фойдаланилади (68-б ва в расмлар). Кўриниб турибдик мураккаб бирикмаларда бириктирилган буюмлар ўзининг сифатилилиги билан, бежиримлиги билан ҳамда қулайлиги билан диққатга сазовор.

### **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**ДИЛА** – эшик ёки дарвоза чорчўпи орасидаги тахтача.

**ДЕТАЛ** – 1). Машина, қурилма ва шу кабиларнинг қисми, бўллаги.

2). Бирор иш, ҳодиса ва шу кабиларнинг кичик узвий қисми.

**ПАРМА** (форс - тожикча) – 1). Айланма ҳаракат қилиб тифи билан нарсаларни тешадиган асбоб.

2). Бурғи.

**ТЕША** – тифи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган чопиш, тешиш қуроли; дурадгорлик асбоби.

**ХАРИ** – тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч.

**ЧОРЧЎП** (форс - тожикча) – 1). Тўртта тахтачадан тузилган рамка; эшик ва дарвазаларнинг асосини ташкил қилувчи тўртта тахта.

2). Иморатнинг тўрт девори пойдеворига қўйиладиган тўрт тагсинч.

**ШИЙПОН** (хитойча) – 1). Аторофи ҳар томондан очик ёзлик бино.

2). Даля ишчиларининг дам олиши ва овқатланиши учун маҳсус қурилган ёзлик бино.

**ШУРУП** (русча < немисча) – ёғоч ёки металл деталларни маҳкамлаш учун ишлатиладиган бурама мих.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Бирикмалар нечи турга бўлинади?
2. Оддий бирикмаларнинг қандай турлари бор?
3. Мураккаб бирикмалар қандай турларга бўлинади?
4. қандай бирикмаларга учма-уч бирикмалар дейилади?
5.  $45^{\circ}$  бурчак остида бириктирилган бирикмага қандай бирикма дейилади?
6. Бурчакли бирикма қаерларда ишлатилади?
7. қандай бирикмага тирнокли бирикма дейилади?
8. қалдирғоч қуйруқ бирикмаларидан қаерларда фойдаланилади?
9. Оддий бирикмалар нима ёрдамида бириктирилади?
10. қандай бирикмаларга ўрталиқ ва яширин бирикмалар дейилади?
11. Мураккаб бирикмалар нима ёрдами билан бириктирилади?

12. Нима учун мураккаб бирикма кўп тирноқли бирикма дейилади?

## **БУЮМ ЯСАШ, УНГА НАҚШ КОМПОЗИЦИЯСИ ТУЗИШ, ЎЙИШ ВА ПАРДОЗЛАШ.**

Ёғоч ўймакорлигига ёғочни ясалаётган буюмга мос келадиган сифатларини танлаш мухим аҳамият касб этади. ўтмишда ўймакор-усталар бунга алоҳида аҳамият бераб, йиллар давомида тайёргарлик қилиб борганлар. Даражатларни кесиб ходасининг икки томонига, яъни кесилган жойига қофоз ёпишириб маҳсус тайёрланган сув ҳавзаларига ташлаб, бир неча йил сақлаганлар. Сўнг уни олиб қуритишда қуёш нури тушмайдиган, салқин жойда қуритган. Бу ёғоч хом-ашёсини ёрилишдан сақлаш билан бир қаторда намга, ҳар хил чиришларга бўлган чидамлилигинин оширган.

Ёғоч хом-ашёсининг табиий гули буюмга ўзгача бир тароват бераб туради. Отабоболаримиз буни эътибордан четда қолдирмаганлар. қуритилган ёғочни буғдой, арпа ёки шоли янчилганда пояларининг майдаланишидан ҳосил бўлган сомонидан фойдаланиб, тахтани унга кўумиб қўйганлар. Сомон ўзидан иссиқлик чиқариб тахта юзасини қизартириб табиий гул ҳосил қилган.

Буюм ясашда у қаерларда ва қай мақсадда фойдаланишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Биз қутича ясаш устида тўхталиб ўтайлик. қутича ясаш учун энг қулай ёғоч хом-ашёси қора қайнин, ёнғоқ ва заранг материаллари деб айтишимиз мумкин. Унинг ўлчамини эса тахминан эни 10 см, бўйи 20 см, баландлиги 6 см қилиб оламиз.

Керакли ўлчамда тахтачалар арралаб тайёрлангач, жилвир қофозда силлиқлаб олинади. Уларни бириктиришда эса яширин бирикмани қўллаган ҳолда бириктиришимиз мумкин. Бириктириб олганимиздан сўнг бурчакларини, бир-бирига уланган жойларини кўздан кечириб, яна бир маротаба жилвирлаб чиқилади.

Нақш композицияси тузишдан олдин, ясалган буюмнинг ўлчамини аниқ ўлчаб олиш буюмни сифатли ва янада жозибадор чиқишида мухим аҳамият касб этади. Буюм ўлчамини олишда эса турли асбоблардан фойдаланилади. Масалан, турли бурчакли ва тўғри чизғичлар, рейшина, транспортир, рейсфедер, паргор (циркуль) ва бошқа бир қатор асбоблар керак бўлади.

Буюм ўлчами аниқ ўлчаб олингандан сўнг, буюм учун қандай нақш композицияси тузилса буюм янада кўркамроқ, гўзал ва жозибадор чиқишигини кўз олдига келтирган ҳолда фикр юритиш лозим. Бунда композиция тузувчининг дунёкараши, фикрлаш доирасининг кенглиги, энг мухими унинг нозик табиатлилиги ва дидининг юқори даражадалигига боғлиқ. Демак, бир тўхтамга келгач хитой қофозига нақш композицияси чизилади.

Композиция тузишдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни буюмнинг қандай материалдан тайёрланганлигини эътиборга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Юмшоқ материалдан олинган бўлса йирикроқ, қаттиқ материалдан олинган бўлса майдароқ, мураккаброқ нақш композицияларидан фойдаланиш мумкин.

ўзбек халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жамики нақшлар борки, улар табиатни ва воқеликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан ўзига ҳос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун-қоидалар табиатнинг айнан ўзидан стиллаштирилган тарзда олинган. Одатда ўсимликлар бир томонга қараб ўсади, бу табиат қонунидир. Масалан, мажнунтол мисолида кўрадиган бўлсак, мажнунтол худди пастга қараб тескари ўсаётгандек туюлса-да, лекин

ҳақиқатдан эса, у илдиздан тана, танадан новда, новдадан барг бўлиб, бир томонлама йўналишига қараб ўсади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ҳам ўз аксини топган.

Нақш устанинг нақш композициялари шунчаки қоғоз бетини тўлдириш ёки ўйма юзини ўйиш учун эмас, балки, онгли равишида табиат ва бадиийлик қонун - қоидаларга амал қилган ҳолда нақш композициясини чизиш тушунилади. Шу нуқтаи - назардан олиб қараганда ўймакор устанинг ижодий жараёнидаги энг қийин ва энг масъулиятли босқич нақш композицияси нусхасини чизишдан иборатdir. Агарда нақш композицияси табиат қонунларига зид равишида тузиладиган бўлса, у ҳолда ҳоҳ ўйишда бўлсин ёки пардоз беришда бўлсин ҳар қанча ютуққа эришилмасин иш кўнгилдагидек гўзал ва жозибадор чиқмайди.

Дафъатан қараганимизда ўйма нақш жуда чиройли, гўзал ва жозибадор кўринса-да, лекин бир оздан сўнг нақш композицияси тузишда қўйилган хато ва камчиликлар, нуқсонлар яққол сезилиб қолади. Моҳиятан олиб қараганимизда композиция нима ўзи?

**КОМПОЗИЦИЯ** – русча-лотинча сўздан олинган бўлиб, адабий асар ёки санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзаро муносабати ҳамда таркибий қисмлари маъно жиҳатидан ўзаро боғланиб бирлик ташкил этган бадиий ёки тасвирий санъат асари тушунилади. Композиция ишлашда ритм, симметрия, асимметрия, компановка, тақсим, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги ва пардозларнинг бир-бирига уйғунлиги каби компонентларни ўз ичига олади.

**КОМПАНОВКА**, яъни жойлаштириш – чизиш керак бўлган нақш композициясини ёки тасвирни қоғоз, ўйма учун тайёрланган тахатача, буюм ёки тасвирни тушириш лозим бўлган юзага тўғри жойлаштириш демакдир.

**ТАҚСИМ** (русча *rappoрт*) – французча сўздан олинган бўлиб, нақшнинг маълум бир шаклда такрорланувчи қисми, бўлаги ҳисобланади. Марказий Осиё нақшлари ўзига хос характерга эга бўлиб, нақшларнинг деярли ҳаммаси такрорланувчи маълум бўлакдан, қисмдан иборатdir. ўймакор-наққошлар аввал тақсим юзини қоғозга белгилаб, нақш композициясининг бир қисмини чизди ва ахтасини, яъни улгусини тайёрлайди. ўймакор-наққош безатиладиган юзага шу ахта ёрдамида нақшни такрорлаб тушириши натижасида нақш композицияси яхлит ҳолга келади. Нақш композициясининг такрорланувчи қисми ҳар хил бўлади. Масалан, учбурчак, тўртбурчак, квадрат ва ҳакказо кўринишда бўлиши мумкин. Доира ёки гумбазга ўхшаш буюм юзасига мўлжалланган бўлса нақш тақсими композиция юзининг тўртдан, олтидан, саккиздан, ўн иккidan ва ҳакказо қисмларини ташкил этиб, тақсим доирада ёнма-ён такрорланади. Бундай тақсимни айлана тақсим деб ҳам аташади. Тақсим тўғри чизик бўйича такрорланса уни тўғри тақсим деб юритилади. Тақсим тўғри ва ойнада акси кўрингандек шаклда алмашлаб такрорланса унда чапу-рост тақсим дейилади. Бундай кўринишдаги тақсимлар жуда кенг тарқалган.

**СИММЕТРИЯ** – русча-грекча сўздан олинган бўлиб, бирор нарсанинг маълум нуқта, чизик ёки текисликка нисбатан қарама-карши томонда жойлашган қисмлари ўртасидаги муносиблиқ, ўхшашлик, мослиқ, уйғунлик тушунилади.

**АСИММЕТРИЯ** – русча-грекча сўздан олинган бўлиб, симметрия йўқлиги ёки бузилганлиги, симметриясизлик, яъни тузилган композицияда симметрик қонун-коидалар мувозанатининг бузилганлиги тушунилади.

**РИТМ** – русча-грекча сўздан олинган бўлиб, бирор ҳодиса, иш-ҳаракат ёки нақш композицияси элементларининг маълум тартибда вақт оралиғида ўлчовли равишида бир текис такрорланиб туришидир. У нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

**СТИЛИЗАЦИЯ** – табиатдаги набобот, ҳайвонот олами ва шу кабиларнинг тасвири, ранги, шакли ва тузилишини бадиий усулда умумлаштиришdir.

Нақш композицияси чизишда қуидагиларга эътибор қаратиш ва амал қилиш керак бўлади:

Биринчидан, таноб ёки новда тагида гул, ғунча ёки баргни қолдириб тасвираш мумкин эмас, яъни: нақш композицияси асосини ташкил этувчи негизи ва шакл беувчи чизик ҳисобланади;

Иккинчидан, таноб билан новдани фарқлаб тасвираш;

Учинчидан, тақсимда ортиқча нақш элементларини чизишга йўл қўймаслик;

Тўртинчидан, танобдан ҳеч қачон гул, новда, ғунча ва бошқаларни ўсиб чиқсан ҳолда тасвирамаслик;

Бешинчидан, нақш элементлари нисбатини сақлай билиш;

Олтинчидан, тузилган нақш композициясининг ёғоч ўймакорлигига мослаб тузилишини таъминлаш;

Еттинчидан, нақш зичлигига эътибор бериш;

Саккизинчидан, нақш орасидаги замин бўшлиқлар нисбатини саклаш ва ҳокказоларни эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Буюмдан олинган ўлчамга мослаб нақш композицияларидан бир нечтаси чизиб машқ қилинади. Чизилган нақш композицияларидан энг муносаби танлаб олиниб, четига занжиралардан бирини ҳошия сифатида қўллаш ҳам мумкин. Агар занжира қилимаса четидан албатта рамка қолдириш зарур. Рамкасиз нақшни безалмаган уйга қиёс қилиш мумкин.

Композиция тузишда нақш элементлари ҳошияга текизилмайди. Бу нақш композицияси алоҳида ажralиб ўзига хосликка эга бўлишилиги билан бир қаторда жозиба бахш этади. Бунга туринж, намоён, квадрат ва бошқа тугалланган нақш композицияси тузишда айниқса ахамият қаратиш лозим.

Тузилган нақш композициясини калька (хитой қофози ёки шаффоф қофоз) га кўчириб ахта (улги) тайёрланади.

**АХТА** – тайёр расмни шаффоф қофозга чизиб, чизик йўлларини игна санчиб, буюм юзига тушириш учун тайёрланадиган андозадир. Илк даврларда усталар ўйма юзасига тўғридан-тўғри чизиб, ўйиб кетганлар. Кейинчалик эса ахта орқали тасвири тушириш қулайлигини сезишган ва ундан фойдаланиб келганлар.

Ахта тайёрлаш учун буюмнинг ўйма бажариладиган юзасига мўлжаллаб юпқа шаффоф қофоз олинади. Нақш композициясига мослаб симметрия ўқи бўйлаб шаффоф қофозни иккига, тўртга ва ҳокказоларга буқланади. Буқланган шаффоф қофознинг бир қисмига нақш композицияси чизилади. Нақш чизилган шаффоф қофозни юмшоқ ёстиқ устига қўйиб нақш чизиқлари устидан игна билан тешиб чиқилади. Нақшнинг йирик-майдалагига қараб игна танланади ва игна тешиги оралиғи нақшнинг майда ёки йириклигига қараб тешиб чиқилади. Тешилган нусха тайёр бўлгандан сўнг, шаффоф қофоз ёзиб юборилади ва бир бутун композициясини кўриш мумкин. Тайёр бўлган ахтани ўйма юзасига қўйиб устидан хока уриб ёки босиб юргизиб чиқилади. Натижада нақш нусхаси буюм юзасига кўчирилади.

Кўчирилган нақш нусхасини ўйишда ёғоч ўймакорлигига турли асбоблар ишлатилиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос ишларни бажаради. Ёғоч ўймакорлигига асбоблар икки турга бўлинади, яъни нақшни ўйиш учун “ўйма қаламлар” ва иккинчиси “нақш қаламлар” дир.

Исканалар шакли ва бажарадиган ишига қараб уларнинг бир қанча турлари мавжуд. Масалан, тўғри исказа, ковза исказа, нова исказа, замин исказа, балиқ сирти исказа, морпеч исказа, чекма исказа, қуракча исказа, чекма қалам ва бошқалар киради. Одатда ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган исканаларни маҳсус асбоб тайёрлайдиган чилангар усталар

тайёрлаганлар ёки ўймакор усталарнинг ўзлари тайёрлаганлар. ўйиш босқичлари эса биз аввалги машғулотларимизда таъкидлаб, амалда кўрганимиз каби кетма-кетликда, босқичма-босқич амалга оширилади.

ўймакорлик ишларини амалга ошириб бўлгач, албатта, сўнгти пардозлаш ишлари бажарилади. Халқ амалий безак санъати турлари заргарлик, ганчкорлик, мисгарлик, кулолчилик каби ёғоч ўймакорлигига ҳам буюмга охирги ишлов бериш, пардоз бериш, жилолашдан иборатдир. Масалан, ёғоч ўймакорлигига умуман 6 та пардоз тури мавжуд бўлиб, улар қирма, чизма, пах, чока, лўла ва табақа пардоз турларига бўлинади. Шуларга 4 хили, яъни пах, чока, лўла ва табақа пардозлари рельефга пардоз беришда ишлатилади. Ушбу пардоз турлари 2 га бўлиниб оддий (пах ва чока) ва мураккаб (лўла ва табақа) пардоз турларини ўз ичига олади.

Одатда тузилган нақш композицичининг характеристига мос равишда пардоз тури танланади. Пардоз турини танлашда ёруғ ва соя тушишини ҳам ҳисобга олишни унутмаслик керак. Масалан:

**Пах пардоз** – ёғоч ўймакорлигига ўйма нақш рельефини бир томонга қиялаб кесиладиган оддий пардоз туридир. Бу пардозн ёйма пардоз деб ҳам юритилади. Усталар пах пардози “занжира” ни ўйиш натижасида юзага келган дея тахмин қилишади. Пах пардози чока пардоз, лўла пардоз ва табақа пардоздан анча осон бўлиб, пах пардози берилган ўймадаги нур ва соя анча юмшаб майин кўринишга эга бўлади.

**Чока пардоз** – нақш бандининг қиялигини ўртага олиб узунасига ўйилган пардоз тури. Бу пардозни ёрма пардоз деб ҳам атайдилар. қўкон ёғоч ўймакорлик мактаби усталари бу пардоз туридан кенг фойдаланадилар. Чока пардози ўймакор устадан маҳорат ва истеъодод талаб қиласди. Бу пардоз тури билан пардозланган нақш ўзгача бир хусн касб этади.

**Лўла пардоз** – ўйма рельефни ярим юмaloқ шаклда ишлов берилган мураккаб пардоз тури. Бу пардоз тури нафақат ёғоч ўймакорлигига, балки ганч ва тош ўймакорлигига ҳам ишлатилади. Лўла пардоз тури барча пардоз турлари ичидаги энг охири қўлланила бошланган. Лўла пардози билан пардозланган ўйманинг чуқурлиги камаяди ва нақш майин кўринишга эга бўлади.

**Табақа пардоз** – XIX асрда Бухор усталари томонидан яратилган бўлиб, ўйилаётган барг, гул икки ёки уч қатлам қилиб ўйиладиган пардоз тури. Табақа арабча қатлам, даража деган маънени билдиради. Табақа пардози бирча пардоз турлари ичидаги энг мураккаби бўлиб, ўймакор устадан профессионал маҳорати талб этилади.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**ЗАРГАРЛИК** – олтин ва кумушдан зеб-зийнат ясовчи бадиий хунарманчиллик тури.

**КОМПОНЕНТ** (русча < лотинча) – бирор нарсанинг таркибий қисми.

**МИСГАРЛИК** (форс - тожикча) – мис буюмлар ясаш ва уларни тузатиш иши билан шуғулланувчи хунарманчиллик тури.

**НАМОЁН** (форс - тожикча) – 1). Яққол кўриниб турадиган, гавдаланадиган.

2). Атрофи ҳошия нақш билан ўралиб тугалланган нақш тури.

**НУСХА** (арабча) – 1). Бир турдаги нарсалар хақида тасаввур берадиган намуна.

2). Бир хил қилиб ясаш, кўчириш учун тайёрланган намуна; андоза.

**РАМКА** (русча) – 1). Портрет, расм ва шу кабилар солинадиган тўғри бурчакли мослама.

2). Иш-ҳаракат, фаолият, тасвирий санъат ва шу кабиларнинг доираси; чек; чегара.

**РЕЛЬЕФ** (русча < французча) – 1). Ер сиртидаги турли нотекисликлар – баландлик, пастлик, тоғ ва шу кабилар йигиндиси.

2). Бўртма нақш.

**ТУРУНЖ** – доира шаклидаги нақш.

**ХИТОЙ ҚОҒОЗИ** – шаффоғ қоғоз, калька.

## **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Буюм ўлчамини олишда қандай асбоблардан фойдаланилади?
2. Буюмга нақш композицияси түзишдан олдин нималарга эътибор қаратиш лозим?
3. Нақш композицияси түзишда қандай қонун-коидаларга амал қилиш керак.
4. Композиция сўзи қандай маънони англатади?
5. Симметрия ва асимметрия нима?
6. Ритм деганда нимани тушунасиз?
7. Компановка нима?
8. Композиция түзишда нимларга амал қилиш керак?
9. Ахта нима ва у қандай тайёрланади?
10. Ўймани бажаришда қандай асбоблардан фойдаланилади?
11. Исканаларни номларини биласизми?
12. Ёғоч ўймакорлигига нечта пардоз тури мавжуд?
13. Ўйма рельеф юзига қандай пардоз берилади?
14. Оддий пардозга қайси пардоз турлари киради?
15. Мураккаб пардозга қайси пардоз турлари киради?

## **БУЮМ ЗАМИНИНИ ЧАКИЧЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Дунё халқлари фан ва маданияти, адабиёт ва санъатининг ривожланишида аждодларимиз ижоди муҳим ўрин тутади. ўзлари ёзиб қолдирган асарлари, қурдирган меъморий обидалари, маънавий ва моддий бойликлари орқали дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлар. Ота-боболаримиз қолдирган бой меросни ўрганмай туриб порлоқ келажакни бунёд этиб бўлмайди. Бу бойликларни қадрига этиш учун эса уларни ўқиб ўрганиш, меъморий обидаларга, музейларга бориб қўриш ва уларнинг тарихини ўрганиш, шу соҳа мутахассислари билан сұхбатлар ташкил этиш зарурияти ҳақида фикр юритган эдик. Йаерда бўлмасин талабалар ёғоч ўймакорлигига оид санъат асарларини ўрганаар эканлар, уни батафсил ва атрофлича таҳлил қилишни ўрганишлари керак.

Чунки, ўйманинг сифатлилиги, пардознинг нақш композициясига ва ўймага мослиги билан бир қаторда чакичлашга ҳам боғлиқ эканлигини тушунмоқликлари лозим. Ёғоч ўймакорлигига ўйманинг замини чакичланганда нақш композициясини майнин, жозибадор, шу билан бирга ўйма рельефтини бўрттириб, яққол намоён қиласиди, пардозни янада гўзал кўринишига, нақшлар ҳосил қиласидиган ёруғ-соя ўйини ўймани эмоционал томонини белгиловчи восита бўлиб хизмат қиласиди.

Ёғоч ўймакорлигига ганч ўймакорлигидан фарқли ўлароқ ўзига хосликка эга. Яъни, ёғоч хом-ашёсининг табиий фактурасини сақлаган ҳолда ўйма нақшлардаги нур-соя кўринишининг қуёшли ёки булутли бўлишига қараб турлича кайфият уйғотади. Нақш композициясида нақш элементлари орасидаги бўшлиқни атайлаб чекма қалам ёки чекма исканалар ёрдамида ўйикчалар ҳосил қилинган ёғоч ўймакорлиги усулида чакичланган майда чуқурчалар умумлашиб текс ўйилган юзаларга қараганда ўзига хос тарзда кўриниб нақш композициясини нафис, яъни майнинластириб кўрсатади.

Нақш заминини чакичлашда ишлатиладиган чекма қалам ва чекма исканаларни бир-биридан фарқлаб олмоқ зарур. Чунки, ҳар иккисининг ҳам ўз вазифаси ва ишлатиладиган ўрни бор. Чекма искана уй-рўзғор буюмлари, совға буюмларини бадиий безашда ишлатилса, чекма қаламлар кўпроқ монументал ўймакорликда, яъни эшик, дарвоза, устун ва

ҳаккозоларни чакичлашда қўлланилади. Чекма исканалар бир тишли, уч тишли ва ҳаккозо бўлиб, нақш заминини худди патир юзасига ўхшатиб, чакичлаб чиқса, чекма қалам бир қаторли, икки қаторли, уч қаторли бўлиб, ҳар бир қаторида икки, уч, тўрт, беш ва ҳаккзо бўртма тишли бўлади ва чекма қаламлар чекма исканалардан фарқли ўлароқ йирик ва квадрат шаклига ўхшашиб из қолдиради.

Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, ҳар иккисидан фойдаланишда ёғоч хомашёсининг ҳолатига ахамият бериш керак. Чекма қалам ёки исказана ёғоч хомашёсига нисбатан  $45^0$  қияликда ишлатиш талаб этилади. Акс ҳолда буюм сифатига путур етказади. Яъни, чекма қалам ёки исказанинг тишлари ёғоч толаларига нисбатан параллел ҳолда ишлатилса буюмга чукурроқ ботиши ва хатто буюм дарз кетиши ҳам мумкин. Агарда  $90^0$  да фойдаланиладиган бўлса, ёғоч толаларини титиб юборди. Бу эса буюм сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Буюмни чакичлашдан олдин чекма қалам ва чекма исказанинг ишчи ҳолатига ахамият бериш лозим. Чекма қалам ва чекма исказаларнинг тишлари орасидаги ўлчам бир хилда бўлишилигига, шунингдек, ҳаддан зиёд майда ёки йирик бўлмаслигига ахамият бериш керак. Чунки, майда тишли чекма қалам ёки чекма исказаларда чакичланганда ўйма замин тушунарсиз, сифатсиз ўйма бажарилгандай кўринишга келиб қолади. Йирик тишли чекма қалам ёки чекма исказалардан фойдаланилганда эса йирик-йирик чукурчалар ҳосил бўлади, киши кайфиятини бузади, не-не мashaqatlar bilan ishlangan san'yat asarini k'urimisz va yaroqsim bуюмга айлантиради.

Чекма қалам ёки чекма исказалардан фойдаланишда ўйиш жараёнидаги сингари исказани бўшроқ, болғани эса маҳкамроқ ушлаш керак. Буюмни чакичлаш давомида болғани бир хил кучланишда уришга эътибор қаратиш лозим. Буюмни чакичлаш устадан катта маҳорат ва қунт талаб қиласиди. Уста фикрни жамлаб болғанинг тушишига, қатор ораларининг бир хиллигига алоҳида синчковлик билан ахамият бериб бориш зарур. Яратилаётган сан'ят асари муҳлислар руҳиятини кўтаради, кишига завқ бағишлиайди, кўнглига шодлик олиб киради. Шунинг учун ҳар бир ишни бажаришда ушбу жиҳатларга амал қилиш муҳим.

### ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

**ФАКТУРА I** (русча < латинча) - харидорларига сотиш учун жўнатилган молларнинг рўйхати, миқдори ва нархи кўрсатилган хужжат.

**ФАКТУРА II** (латинча-*Factura* - ишлов, тузилиш) - 1. Бадиий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиши хусусияти.

2. Бадиий моҳирликнинг ўзига хослиги, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари.

**ЧАКИЧ ЗАМИН** - ёғоч ўймакорлигига ўйма нақш заминига ишлов берилгансанъят асари.

**ЧЕКМА** - нукта, чакич нукталари.

**ЧЕКМА ПАРДОЗ** - ўймакорликда нақш заминини чакичлаб (нукталаб) пардозлаш.

**ЭМОЦИОНАЛ** (русча - эмоциональный) – эмоцияларга, ҳис-туйғуларга тўлган; эмоцияни, ҳис-туйғуларни ифодалайдиган; жўшқин.

**ЭМОЦИЯ** (русча < французча) – ҳис-туйғу; ҳис-хаяжон.

### МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Чакич нима?
2. Ёғоч ўймакорлигига чакич қандай ахамият касб этади?
3. Чекма қалам нима?

4. Чекма исказана нима?
5. Чекма қалам ва чекма исказанинг бир-биридан фарқи нимада?
6. Буюм заминини чакичлашда нималарга эътибор бериш зарур?

## БУЮМНИ ЛОКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ёғоч ўймакорлигига қанчалик сифатли ўйма бажарилмасин, ўймага мос пардоз тури танланиб айло даражада ишлов берилмасин, буюмни жозибадорлигининг 70-80 фоизини сўнгги ишлов берилганлик даражаса ташкил қиласди. Сўнгги ишлов бериш деганда буюм ўйилиб, замини чакичланиб, ўймага мос пардоз берилгандан кейинги юмушларни тушинмок керак. Яъни, ўйма бажарилиб бўлингандан кейинги локлаш боскичи назарда тутилади.

Ўйма юзасига лок беришдан олдин ўйма юзасини яхшилаб қум қофозда, яъни жилвир қофозда жилвирлаб чиқиш зарур. Юқорида кўриб ўтганимиздек, жилвир қофознинг бир неча турлари мавжуд. ўйма юзасини майин жилвир қофоз билан жилвирлангандан сўнг чанг ва гардлардан тозаланади.

Шу ўринда куйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоизки, яъни турли ёғоч ўймакорлик мактабларида нақш композициясининг тузилиши, ўйилиши ва пардоз усуллари каби локлаш усулларида ҳам ўзига хосликка эга эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Қўқон ёғоч ўймакорлик мактаби вакиллари баъзи ҳолларда монументал асарларни яратишда дастлаб ўйма замини ва сиртига бир текисда алиф майин суртиб чиқадилар, сўнгра локлашларига гувоҳ бўлсак, Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби вакиллари эса ўйманинг ҳамма замини ва рельефларини бир маромда локлаб чиқадилар.

Хивалик усталар ёғоч рангининг табиийлигини сақлаган ҳолда ўйма юзаси ва заминига аввал пахта, зифир, яъни оқ ёғ бериб сўнгра локладилар. Тошкентлик усталар ижодига назар соладиган бўлсак, умуман бошқача манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни ўйма юзасига, хаттоти ўйма заминини ёғоч ранглари билан оч ва тўқ кўринишда бўяб, сўнг ўйма рельеф юзасини танпон ёрдамида лок суртилади. Бир неча маротаба лок суртиб чиқилгандан кейин майин бахмал материал билан лок қуригач артиб чиқилади. Бу ҳам буюмга ўзига хос гўзаллик ва жозиба бахш этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ўйманинг сирти ёки заминига ранг берилганда ўймакорликда ишлатиладиган бўёқлар сувли бўлганлиги сабабли сифатсиз бажарилган ўймакорлик намуналарида ёғоч намланиб тоза олиб ташланмаган ёғоч толалари хунук кўринишга келиб қолади. Шунинг учун бўёқ суртиб чиқилгандан сўнг ҳар гал бўёқ қуригач майин жилвир қофозда жилвирланади, заминида сифатсиз ўйма туфайли ҳосил бўлган толалар замин исказа ёрдамида эҳтиёткорлик билан олиб ташланади.

Бўёқ ўйма заминига майин қилқалам билан суртилса, рельеф юзасига эса майин ва юмшок латта танпон ёрдамида амалга оширилади. Яна шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик жоизки, қандай бўёқ тусидан фойдаланишимиз бажараётган буюмимизнинг ишлатилиш жойини, ёғоч хом-ашёсининг табиий кўринишини ва ҳакказоларни инобатга олган ҳолда ранг тусини танлаш керак. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган бўёқлар бир неча турга бўлинади. Масалан, ёнғоқ тусли, дуб ёки бук тусли ва қўнғир тусли бўёқларни учратишимиш мумкин.

Амалий санъатнинг бир қатор тур ва жанрларидагидек ёғоч ўймакорлигига ҳам барча юмушлар бажарилиб, охирги ишлов бериш, яъни локлаш муаммоси пайдо бўлади. Ёғоч ўймакорлиги устаси лок турларини бир-биридан фарқлай олиши ва амалда қўллаш технологиясини пухта эгаллаган бўлиши зарур. Акс ҳолда не-не машиққатлар билан амалга оширилган меҳнатни биргина арзимас хато туфайли йўққа чиқаришимиз мумкин. Чунки, ўймакор уста томонидан яратилган санъат асариниг жозибадорлигига, гўзаллигига ва кўркамлигига локлаш орқали эришилади. Хўш, лок нима ўзи? Лок смолани спиртда эритиб ҳосил қилинадиган суюқлик бўлиб, буюмларни ялтиратиш ва пардозлаш учун ишлатиладиган масса.

Лок сифатига қараб 4 с, 6 с ва 7 с маркали бўлиб, ёғли, спиртли ва смолали локларга бўлинади. 4 с маркали локлар туси қуюқ кўй чой ёки пахта ёғига ўхшаш бўлиб, ишлатилганда бўёқларнинг, ёғоч материалларининг табиий рангини сақлаб қолади ва рангини ўзгартирмайди. 6 с ва 7 с маркали локларнинг туси қорамтирилганда, ранги қора чойга ўхшаш, ҳиди аччик бўлиб, ишлатилганда бўёқнинг ва ёғоч материалларининг табиий рангини сақлаб қолмайди, уларнинг рангини ўзгартириб сал қорамтирилганда беради.

Айрим локларда юқорида айтилган махсус маркалар қўйилмайди. Масалан, ПФ-283 локини олайлик. Ушбу лок Тошкент лок-мой ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган бўлиб, рангиз, худди 4 с маркали лок турагина ўхшаш ранги тоза, тиниқ. Лок қандай маркада бўлишидан қатий назар ундан фойдаланишдан аввал уни кичкина нарсага суртиб амалда синаб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ишлатмоқчи бўлган локимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўламиз.

Чунки, локни амалда қўлламай туриб у ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин эмас. Ундан фойдаланиш жараёнида ранг туси, қандай ҳаво ҳароратида қуриши ва муддати, ялтироқлиги, амалда фойдаланилганда жило бериши кабиларни билиб оламаз ва шу йўсинда амалда қўллаймиз. Одатда лок 18-22 даражали ҳароратда 48 соатда, яъни икки суткада яхши қурийди.

Буюм локланганда махсус салқин, чангсиз ва қуруқ жойда сақланиши лозим. Чанг ва гардлар лок сифатига путур етказади, иссиқ ва нам жойдалокнинг қуриши муддати узаяди. 2 ва 3 маротаба лок суртилганда яхши қуримаган лок йиғилиб-йиғилиб буришиб қолади. Бундай камчиликлар ишнинг савиясига таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳар бир ишни амалга оширишда пухта ўйлаб эҳтиёткорлик ва синчковлик билан ҳаракат қилиш зарур.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**АЛИФМОЙ** (русча - *олифа*) – алиф мой (тўғри ёзилиши шу шаклда) зигир ёғдан қиздириб тайёрланган ва бўёқчиликда ишлатиладиган мой.

**БЎЁҚ** - 1. Бўяш, ранг бериш учун ишлатиладиган модда; краска.

2. Нутқни, тасвирни безатувчи ифода воситалари.

**ЗИГИР** – 1. Поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган бир ойлик ўсимлик.

2. Шу ўсимликнинг уруғи, хосила.

**ЛОЙИҲА** (атабча) – 1. Бино, иншоот, машина ва шу кабиларни қуриш ёки тиклаш учун ишланган чизма, режа; проект.

2. Қарор, фармон, қонун ва шу каби хужжатларнинг дастлабки хомаки тексти; проект.

**МАРКА** (русча < немисча) – 1. Пўчта ҳаки ва бошқа хил давлат йигимларини тўлаганлигини кўрсатувчи, нархи ёзилган, одатда бирор тасвир туширилган тўртбурчак қоғозча.

2. Тўланадиган ҳақнинг белгиси, нишони.

3. Мол, товарга қўйилган тамға.

4. Мол, товарнинг нави, хили.

**МАССА** (русча < латинча) – 1. Механиканинг энг муҳим физиковий хоссаларидан бири, материяга хос вазминликни, инерцияхарakterлайдиган миқдор.

2. Яхлит ёки бўтқасимон жисм ёки модда.

**ЛОК** (форс - тожикча) – смолани спиртда эритиб ҳосил қилинадиган, буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик.

**РЕЛЬЕФ** (русча < французча) – 1. Ер сиртидаги турли нотексликлар-баландлик, пастлик, тоғ ва шу кабилар йигиндиси.

2. Бўртма нақш.

**СМОЛА** (русча) – игнабаргли ва бошқа баъзи бир ўсимликлардан ажралиб чиқадиган, ҳавода қотиб қоладиган елимкаш модда; шира.

**СМОЛАЛИ** – смола берадиган; серсмола.

**ТЕХНИКА** (русча < грекча) – 1. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроллари-механизм, аппарат, мослама ва шу кабилар мажмуи, шунингдек уларни ўрганиш, қўллаш, такомиллаштириш соҳасидаги инсон фаолияти.

2. Бирор иш ёки ҳаракатни бажариш йўллари, усуллари мажмуи; шу усулларни эгаллаганлик, маҳорат даражаси, санъат, маҳорат.

**ТЕХНОЛОГИЯ** (русча < грекча) – 1. Ишлаб чиқариш процеслари, усул ва воситалари ҳақидаги билимлар мажмуи.

2. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида материалларга ишлов бериш ёки қайта ишлашда қўлланиладиган усуллар, операциялар мажмуи.

**ТУС** – 1. Ранг-бўёқнинг бир-биридан кўриниши билан фарқ қиласидиган ҳар бир айрим тури.

2. Моллар, ҳайвонлар терисининг ранги, ранг нозиклиги.

3. Ташқи кўриниш, қиёфа, тахлит.

### **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Буюмга сўнгги ишлов бериш деганда нимани тушунасиз?

2. Буюмни локлашда нималарга аҳамият бериш зарур?

3. Кўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби вакилларининг буюмни локлаш усуллари ҳақида гапириб беринг.

4. Хивалик ўймакор усталарнинг локлаш усулларини тушунтириб беринг.

5. Тошкент ва Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби вакилларининг буюмни локлаш усулларида қандай фарқ бор?

6. Йайси мактаб вакиллари аввал ранг бериб, кейин локлайдилар?

7. Лок ўйма буюмга нималар ёрдамида суртилиши мумкин?

8. Лок нима?

9. Локнинг қандай маркалари мавжуд?

10. Локнинг қандай турлари бор?

11. 4 с маркали лок қандай хусусиятларга эга?

12. 6 с ва 7 с маркали локлар ҳақида маълумот беринг.

13. Локланган буюмни қандай жойда сақлаш лозим?

14. Лок неча даражада ҳароратида ва қанча муддатда қурийди?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси материаллари. 1997 йил 29 август. I чақириқ 9 сессияси материаллари. – Т., “Халқ сўзи” газетаси. 1997 йил, 30 август, 181- сон.

2. “Халқ бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Т., “Тошкент оқшоми” газ. 1997 йил, 2 апрел, 38 сон.

3. Абдуқодиров А.“Обидалар жилваси”.–Т.,“ўзбекистон”,1972,64 б.

4. Аведова Н.А. “Тошкент ўймакорлиги”. –Т., Ўз. Дав. Бадиий адабиёт нашр. 1961, 88 б.

5. Азимов И. “Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари”. – Т., “Ўзбекистон”, 1986, 71 б.

6. Азимов И. “Ўзбекистон нақшу-нигоралари” –Т., Адабиёт ва санъат нашри. 1987 йил, 144 б.

7. Апухтин О.К. “Бадиий нақш мактаби”, -Т., “Ўқитувчи”, 1969.

8. Барта Ч. “Моҳир қўллар учун 200 иш”, -Т., “Ўқитувчи”, 1967, 278 б.

9. Булатов С.С. “Ўзбек халқ амалий безак санъати”, -Т., “Меҳнат”, 1991, 384 б.
10. Булатов С.С., Ашурова М.О. “Амалий санъат қисқача луғати”, - Т., Қомуслар бош Тахр. 1992, 486.
11. Зоҳидов П.Ш. “Меъмор санъати”, -Т., Адабиёт ва санъат нашр. 1978, 102 б.
12. Зоҳидов П.Ш. “Зеб ичра зийнат”, -Т., Адабиёт ва санъат нашр. 1985, 118 б.
13. Зоҳидов П.Ш. “Ўзбекистон меъморчилигининг устозлари”, -Т., “Ўзбекистон”, 1967, 72 б.
14. Зоҳидов П.Ш. “Меъмор олами” -Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996, 240 б.
15. Каримов Х. “Усто Қодир”, -Т., Адабиёт ва санъат нашиёти, 1981, 120 б.
16. Крейндлин Л.Н. “Ёғочсозлик ишлари”, -Т., “Ўқитувчи”, 1978, 300 б.
17. Мальковая Л.Ю. “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари, -Т., “ўзбекистон”, 1979, 100 б.
18. Мирзаахмедова М.Х. “Материалларга бадиий ишлов бериш”, -Т., “Ўқитувчи”, 1986.
19. Мирзаахмедов М.Х. “Бошлангич бадиий нақш ишлаш методикаси”, -Т., “Ўқитувчи”, 1976, 24 б.
20. Мирзаахмедов М.Х. Эргашев С. “Ёғоч ўймакорлиги”, -Т., “Ўқитувчи”, 1995, 64 б.
21. Муранов Б.И. “Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими машғулотларини таҳминий режалаштириш”, -Т., УБМТМУ, 1996, 68 б.
22. “Мўжиза яратиш санъати” (Бош муаллиф А.С.ўролов), -Т., “Меҳнат”, 1996.
23. Мўминов И.М. “Темурийлар даври Ўрта Осиё санъатининг пайдо бўлиши ва тараққий этиш тарихий илдизлари ҳақида” (ТАТ, 3 томлик), -Т., “Фан”, 1969, 48 б.
24. Гадоев П.“Оқсарой” -Т.,“Халқ сўзи” газ.1995 йил,24 октябр.
25. Усмонов О. “Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби”, -Т., “Фан”, 1977, 149 б.
26. ўзбек тилининг изоҳли луғати (З. М. Маъруфов таҳрири остида): Икки томлик, I - II том -М.: “Рус тили” нашиёти, 1981.
27. Қосимов Қ.Қ. “Наққошлик”, -Т., “Ўқитувчи”, 1990, 160 б.
28. Ҳасанов Р. “Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси”, -Т., 1995, 12 б.
29. Ҳаққулов А. “Таъмир санъати”, -Т., “Мехнат”, 1991, 200 б.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ

**Ёғоч ўймакорлиги тарихи, мактаблари, усталари ва уларнинг ижодий фаолияти.**

**Меъморчилиқда ёғоч ўймакорлигининг тутган ўрни.**

**Ёғоч ўймакорлиги устахоналарини жиҳозлаш ва техника ҳавфсизлиги**

**I. Ёғоч ўймакорлиги устахоналарини режалаштириш ва жиҳозлаш.**

**II. ўймакорлик асбоб – ускуналари ва уларни ишчи холатга тайёрлаш.**

**III. Дастрохлар ва уларни ишчи холатга тайёрлаш.**

**Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган материаллар, асбоб-ускуналар ва унинг турлари**

**I. Ёғоч материаллар ва унинг турлари.**

**II. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва унинг турлари.**

**III. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган ёрдамчи асбоблар.**

**Занжира нақш композицияси тузиш ва ўиши.**

**Меъморий обидалар, замонавий иншоотлар, музейлар ва халқ ижодхоналарига саёҳат.**

**усталари**

**Ёғоч ўймакорлигига оид нақш элементлари ва уларни чизиш.**

**I. ўймакорликка оид нақш элементлари.**

**II. ўймакорликка оид нақш элементларини чизиш.**

**Ёғоч ўймакорлигига оид оддий нақш намуналарини чизиш ва ўиши.**

**I. Оддий ислими нақш намуналарини чизиш.**

**II. Оддий паргора нақш намуналарини чизиш.**

**III. Оддий ислими нақш намуналарини ўиши.**

**IV. Оддий паргора нақш намуналарини ўиши.**

**Замонавий иншоотлар ва улардаги ёғоч ўймакорлиги.**

**Бирикмалар.**

**I. Оддий бирикмалар.**

**II. Мураккаб бирикмалар.**

**Буюм ясаш, унга нақш композицияси тузиш, ўишиш ва пардозлаш.**

**Буюм заминини чакичлаш технологияси.**

**Буюмни локлаш технологияси.**

**Иловалар.**

**Фойдаланилган адабиётлар.**

## **ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ТАРИХИ, МАКТАБЛАРИ, УСТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ.**

**МЕЪМОРЧИЛИКДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИНИНГ  
ТУТГАН ЎРНИ.**

# **ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ УСТАХОНАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ ВА ТЕХНИКА ҲАВФСИЗЛИГИ.**

## **ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР, АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.**

## ЗАҢЖИРА НАҚШ КОМПОЗИЦИЯСИ ТУЗИШ ВА ЎЙИШ.

## **МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР, ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР, МУЗЕЙЛАР ВА ХАЛҚ УСТАЛАРИ ИЖОДХОНАЛАРИГА САЁХАТ.**

# ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИГА ОИД НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИ ЧИЗИШ.

**ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИГА ОИД ЙЎЛ ИЧИДАГИ ОДДИЙ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ  
ЧИЗИШ ВА ЎЙИШ.**

# **ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР ВА УЛАРДАГИ ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ.**

## БИРИКМАЛАР.

## БУЮМ ЗАМИНИНИ ЧАКИЧЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## **БҮЮМНИ ЛОКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

1  $\text{̄}^2\hat{\text{i}} \div \text{éiàéi}\hat{\text{D}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}$   $\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{d}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{e}}$   $\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}$   $\ddot{\text{i}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{D}}$   $\text{éiàéi}\hat{\text{D}}$   $\ddot{\text{o}}\ddot{\text{n}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{D}}$   $\mu\ddot{\text{a}},\ddot{\text{o}}\ddot{\text{e}}$   
 $\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}$   $\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}$   $\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{y}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{e}}$ .  $\text{,}^2\hat{\text{i}} \div \text{éiàéi}\hat{\text{D}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}$   $\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{d}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}$   $\ddot{\text{D}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}$   
 $\ddot{\text{a}}\mu\ddot{\text{a}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{y}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{e}}$ .

2  $\ddot{\text{a}}\ddot{\text{u}}\ddot{\text{l}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{D}} \div \ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}$ ,  $\text{,}^2\hat{\text{i}} \div \text{éiàéi}\hat{\text{D}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{a}}$   $\ddot{\text{o}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{o}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{a}}\ddot{\text{i}}$   $\ddot{\text{D}}\ddot{\text{i}}\ddot{\text{e}}$ .

	Óåðíèéà õàâôñèçëèäè, àñáîá – óñêóíàëàð âà äàñòäîµëàðíè èø÷è µïëàòäà òàé, ðëàø.
4	øéìàéîðëèéäà èøëàðèëàääàí , <sup>2</sup> î÷ ñîìàø, ëàðè âà óëàðíèíã ðóðëàðè.
5	Áèðèéìàëàð . Íäéèé âà íóðàéêàá áèðèéìàëàð.
6	Çàíííàâéé èíøíîðëàð, óëàðääàè , <sup>2</sup> î÷ 'éìàéîðëèäè èøëàðè, 'éìàéîð óñòàëàð µà, ðè âà èæíäèé ôàïëèýðè.
7	Áóþì ó÷óí íà <sup>3</sup> ø êíííçèöèýñè ÷èçèø âà 'éèø. Íàðäíç ðóðëàðè âà íàðäíçëèé é'ëëàðè.